

61
12-53
343743



А.А.КОДИРОВ, У.Т.СОИЛОВ
АБУАЛИ
ИБН СИНО
УРТА ОСИЁЛИК
БУЮК
МЕДИК-ОЛИМ

А.А.ҚОДИРОВ, У.Т. СОИПОВ



АБУ АЛИ
ИБН СИНО
ўрта осиелик
буюк
медик-олим

ЎзССР «МЕДИЦИНА» ТОШКЕНТ
1980

21 OCT 2017

61
5-53 судн

Қодиров А. А., Саипов У. Т.

К 53 Абу Али ибн Сино ўрта оснёллик буюм медик-
олим.—Т.: Медицина, 1980,—143 б.—Асосий адаби-
ётлар: с. 141—142.


I Авторлош.

Мазкур китобда ўрта оснёллик буюм медик-олим Абу Али ибн
Синонинг ҳаёти ва медицина соҳасидаги фаолияти баён этилади.Абу Али ибн Сино ўз даврида маълум бўлган деярли барча
фанларни мукаммал ўзлаштириб олган йirik қомусчи олим эди.
Лекин, у жаҳонга аввало буюк медик-олим сифатида танилган. Шу
нинг учун китобда унинг медицина соҳасидаги фаолиятига алоҳида
аҳамият берилди.Ибн Синонинг илмий фаолияти, хусусан унинг табиблик соҳа-
сидаги фаолияти ўрта Осиё ва бошқа қўшни шарқ мамлакатларида
илм-фаннинг ривожланиши билан ҳамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун
китобда ўрта Осиё ва бошқа шарқ мамлакатларида медицина фани-
нинг ривожланиши масаласига ҳам урин берилди.Китоб илмий асар сифатида медицинага мулкжалланган. Лекин,
ундан Ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти билан қизиққан бошқа ки-
тобхонлар ҳам фойдаланиши мумкин.Қодиров А. А., Саипов У. Т. Великий среднеазиатский
учебный-медик Абу Али ибн Сина.

ББК 5г

52400—57
К 1354(04)80 информ. хат 4201010000

© УзССР «Медицина» нашриёти, Тошкент, 1980 й.

ЮНЕСКО нинг қарорига асосан 1980 йилда жаҳон
прогрессив жамоатчилиги улуг мутафаккир, қомусчи
олим Абу Али ибн Синонинг таваллудига 1000 йил тўли-
ши муносабати билан унинг юбилейини нишонлайди.ЮНЕСКО узининг бу қарори билан олимнинг жаҳон
фани ва маданиятининг ривожига қўшган буюк ҳиссаси-
ни яна бир бор таъкидлаб ўтди.Ибн Сино юбилейини ўтказиш Бутушиттифоқ ташки-
лий комиссиясининг раиси, СССР Фанлар академияси-
нинг вице-президенти академик П. Н. Федосеев булғуси
юбилей муносабати билан шунини уқдириб ўтдики, мазкур
таитананинг мақсад ва вазифаси бу улуг сиймонинг хур-
матини эслаб ўтишдангина иборат бўлмай, балки унинг
меросини кенг ўргатишга ёрдамлашиш ва унинг жаҳон
фани тараққиёти тарихида тутгап ўринини очиб берувчи
чуқур тадқиқотлар ўтказишдан иборат. Шу билан биз
ҳам Ибн Сино ижодиётини ўргатишга оз бўлсада ўз ҳис-
самизни қўшишни лозим топдик.Абу Али ибн Сино фанининг турли соҳалари буйича
маълумотга эга бўлган олим эди. У ўша замонда маълум
бўлган деярли барча фанларни мукаммал биларди, лекин,
жаҳонга аввало энг кўзга қўрилган ҳаким сифатида та-
нилган. Бинобарин, Ибн Синонинг ҳаёти ва ижодини
баён қилишда аввало унинг табиблик фаолиятига аҳа-

мият бериш зарур. Шунинг эътиборга олиб, биз бу буюк олимнинг табиблик фаолиятини ёритишни мақсад қилиб олдик.

Олимнинг фаолияти Ўзбекистон ва Ўрта Осиёда илмий медицинанинг шаклланиши ва ривожланиши билан ҳамбарчас боғлиқдир. Шунинг ҳисобга олиб, китобда Ўрта Осиёда медицинанинг ривожланиши тарихига ҳам ўрин берилди. Бундан ташқари умуман шарқ медицинасининг келиб чиқиши ва унинг манбалари масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Бу китоб ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган китобхонларга ташаккур изҳор этамиз.

Ўрта Осиё инсоният маданиятининг жуда қадимги ўчоқларидан бири. Ўрта Осиёда яшаб келган халқлар узоқ ўтмишда ҳам жаҳон фани ва маданияти хазинасига жуда катта ҳисса қўшганлар. Буни Ўрта Осиё территориясида топилган жуда кўп моддий-маданият ёдгорликлари ва қадимги қўлёмалар исбот этади.

Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм ва бошқа областлар территориясида олиб борилган археологик қазилмалар вақтида архитектура ёдгорликлари, сунъий суғориш иншоотлари ва зебу зийнат буюмлари топилди, улар Ўрта Осиё халқлари маданиятининг ўтмишда ҳам жуда юксак даражада бўлганини яққол кўрсатади.

Масалан, қуйи Зарафшондаги Тали Барзудан топилган ёдгорликлар бу ўлкада халқнинг қадимдан сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик билан, сопол буюмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланганлигини, меъморчилик ривожланганлигини исботлайди. Тарихий маълумотларга кўра, эрамыздан олдинги II асрдаёқ Фарғона водийсида кишилар буғдой, шол, пахта ва шу каби қишлоқ хўжалик экинлари эккани маълум. Бундан ташқари, боғ-роғлар, узумзорлар, поллиз экинлари майдонлари барпо этилган. Археологик қазилмалар вақтида топилган материаллар Ўзбекистон территориясида декоратив санъ-

атини ҳам юксак даражада ривожланганлигини кўрсатади. Чувончи, 1933 йилда Айритом шаҳарчаси харобаларидан топилган пирамон (карниз) тоштахталарида чилтор (арфа), қўшнай, уд ва икки томонли дўмбира чалабган созандалар расми ифодаланганини кўрамиз. Бу тошпалар эрамининг бошланиш даврига тааллуқлидир. 1949 йилда Тупроқ Қалъаси археологик қазини вақтида III асрга оид наққошлик ва ҳайкалтарошлик намуналари топилди.

Ўрта Осиёда қадим замонларда тоғ-қончилиқ ишлаб чиқариши ҳам ривожланган эди. Масалан, Рабинжон шаҳари (Каттақўрғондан 7 км нарида) ўрнида қадимги тоғ-руда қазиб чиқариш шахтаси топилди. Бу эраминдан олдинги V—IV асрларга тааллуқли экан. Шу ернинг узидан олтин ва мис билан нақш берилган сандиқ, бронза чироқ ҳамда бошқа олтин, қумуш буюмлар топилди. Қонлардан олтин, қумуш, қимматбаҳо тошлар қазиб олинган ва улардан жуда нозик зергарлик буюмлари ясалган. Бу буюмлар қўшни Шарқ ва Ғарб бозорларида жуда юксак баҳоланган.

Визиниң узоқ ўтмишдаги аجدодларимиз сунъий сув ҳавзалари, омборлар ҳамда каналлар қуришда юксак санъатга эга бўлганлар. Буни Шоҳруҳия қалъасидан (Тошкент яқинида) топилган водопровод-канал системасида яққол кўриш мумкин. Бу система ер остида 4 м чуқурликда пишиқ гиштдан қурилган бўлиб, баландлиги 1 м. Водопровод йўлининг маълум жойларида цилиндрик плавлга эга бўлган шахта-қудуқчалар барпо этилган. Бу қудуқчалар икки вазифани ўтаган: биринчидан, улардан челакда сув олиш осон бўлган, иккинчидан, зарур бўлиб қолганда шу қудуқларга тушиб, бутун системани ремонт қилинган. Ҳар бир водопровод системасининг айрим тармоқлари охирида сардобалар бўлган. Уларда сув ёзиниң иссиқ кунларида ҳам салқин ҳолда 3 ойга қадар сақланган. Сардобалар кўпроқ сув танқис жойларда барпо этилган. Водопровод ва сардобалар қуришдан мақсад аҳоли-

ни етарли даражада тоза ва совуқ сув билан таъминлаб туришдан иборат бўлган.

Ўлкамизда тасвирий санъат ҳам қадим замонлардан ривожланиб келади. Масалан, Варахшадаги Бухархудо-лар саройи вайроналаридан деворларга туширилган турли расмлар — ҳайвонлар, қўшлар, дарахтлар, балиқ ва ҳоказоларнинг суратлари топилган.

Қадимги Самарқанд, яъни Афросиёбдан айниқса бой тарихий материаллар топилди. Бу ерда қадимги Афросиёб ҳукмдорларининг саройи деворларида филлар, тўғлар, отлар ва одамларнинг расмлари, ҳар хил буюмлар, гуллар ва дарахтларнинг тасвири ва ҳоказолар топилди.

Афросиёб харобаларидан топилган тарихий ёдгорликлардан бизни айниқса қизиқтирган нарсаси шунки, у ёдгорликлар қадимги аجدодларимизнинг санитария маданияти юксак даражада бўлганини яққол кўрсатиб турибди. Масалан, Афросиёбдан топилган водопровод ва канализация системаларининг тузилиши шу қадар такомиллашганки, улар қадимги Рим ва Юнонистоннинг шундай нишоотларидан сира қолишмайди, бинобарин, бизнинг ўтмиш аجدодларимиз ҳам инсон саломатлиги учун озодалик ва тоза сув ҳамда гигиена қондаларининг муҳимлигини яхши билганлар. Водопровод системаси шаҳардаги ҳар бир хонадонга киритилган. Булардан ташқари хонадонларда ахлат чуқурчалари ва кир ўралар ҳам қурилган.

Қадимги ўзбеклар ҳаммомда чўмилишни саломатлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири эканлигини яхши билганлар. Ҳаммомлар барча шаҳарларда албатта қурилган. Афросиёбни археологик қазини вақтида ўнга алоҳида-алоҳида хонадан иборат ҳаммом топилди.

Шу ерда Афросиёб давлатида жорий қилинган бир одатни эслаб ўтишни лозим топдик. Афросиёбга хорижий ўлкалардан келган давлат вакиллари, сайёҳлар ва меҳмонлар аввало ҳаммомга тақлиф этилган. Меҳмон ҳаммомнинг буг хонасига кириб, ювишиб чиққанидан сўнг

унга чиройли шиша идишларда хушбўй ҳидли (атир-упалар) келтириб берилган. Меҳмон ювиниб, тозаланиб, ба-
данига атир-упаларни суртиб, озода бўлганидан сўнггина
давлат арбоблари томонидан қабул қилинган.

Афросиёбда ва Ўзбекистоннинг бошқа қадимги шаҳар-
ларида археологик қазилмалар вақтида қимматбаҳо су-
юқлиқлар (атир) ва дори-дармонлар сақланадиган жуда
кўп шиша идишлар топилди. Шундай шиша ва сопол
идишлар Работи Малик карвон саройидан ҳам (ҳозирги
Навоий шаҳридан 20 км. нарида) топилди. Баъзан ар-
хеологик қазилмалар вақтида айрим хирургик асбоблар
(қайчи, наштар ва ҳоказолар) ҳам топилиб туради.

Ўзбекистонда 2 мингдан ортиқ археологик ёдгорлик-
лар ва 350 та меъморчилик манбалари рўйхатга олинган.
Булардан ташқари, яна бир қанча тарихий ёдгорликлар
қайд этилган. Ҳаммаси бўлиб, ўлкамизда 6 мингдан ор-
тиқ тарихий ва маданий ёдгорликлар борлиги аниқлан-
ган.

Ўзбекистон қадимги қўлёзма манбаларига ҳам бой.
Биргина Абу Райҳон Беруний номидаги республика
Шарқшунослик институтида 80 мингдан ортиқ қадимги
ноёб қўлёзма асарлар сақланмоқда. Бу асарлар фаннинг
деярли барча соҳаларини (астрономия, география, мате-
матика, тарих, тилшунослик, медицина, ботаника, поэзия,
философия ва ҳоказо) ўз ичига олади.

Ёзма манбаларнинг тарихи жуда узоқ ўтмишга бо-
риб тақалади. Чилхужра номли тепаликда (Туркистон
тизма тоғлари ён бағрида) қазиб олинган қадимги сўғд
ёзмаси бунга мисол бўлади. Бу ердан сўғдча хат битилган
сопол тахтача топилган. 1979 йилда Айритомда ҳам қа-
димги Бактрия тилида хат битилган шундай сопол тах-
тача топилди. Археологларнинг фикрича бу арабларгача
даврдаги дастлабки ёзма манбадир. Бундай қадимий
асарларни синчиклаб ўрганиш мақсадида 1978 йилда
Тошкентда қўлёзмаларни ўрганиш институти ташкил
этилди.

Ўрта Осиё қадим замонлардан бери Ҳиндистон, Хитой,
Эрон, Кавказ ва қадимий Русь давлати ҳамда Ўрта ден-
гиз ҳавзасидаги мамлакатлар билан савдо-сотиқ ва мада-
ний алоқада бўлган. Бу Ўрта Осиёда иқтисодий ва мада-
ний ҳаётнинг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Ўз
навбатида Ўрта Осиё олимлари бу мамлакатларда фан ва
маданиятнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди.

Ўрта Осиёда иқтисодий ҳаёт, фан ва маданият фео-
дализм тузумининг энг ривожланган даврида, яъни IX—
XI асрларда айниқса юксак даражага кўтарилди. Бу
даврда Ўрта Осиёда жаҳонга машҳур олимлар, файласуф-
лар, шоирлар, табиблар ва санъат намояндалари яшади-
лар ва ижод қилдилар. Абу Али ибн Сино ҳам шулардан
бири эди.

Бу олим ҳақида бизда ва хорижий мамлакатларда
жуда кўп китоблар, мақолалар, рисоалар ҳамда дис-
сертациялар ёзилган. Олимнинг кўпгина асарлари бир
неча марталаб чоп этилган, таржима қилинган. Масалан,
Ўзбекистон шарқшунослари ва медик олимлари ҳамкор-
ликда олимнинг машҳур «Тиб қонунлари» асарини ўзбек
ва рус тилига таржима қилиб, уни 1954—1960 йиллар
мобайнида тўла чоп этдилар. Тожикистонлик олимлар
1950 йиллардан бошлаб олимнинг фалсафий асарлари ус-
тида иш олиб бормоқдалар. Тожикистон нашриёти Иби
Синонинг «Донишома» ва «Китоб уш-шифо» асарлари-
ни чоп этди. Ҳозир тожикистонлик шарқшунос олимлар
Иби Синонинг 10 жилдлик танланган асарларини босма-
га тайёрлашмоқда. Ўзбекистонда эса «Қонун»нинг ик-
кинчи нашри чоп этила бошлади.

Бўлғуси юбилей муносабати билан махсус журнал-
ларда кўпгина мақолалар босилмоқда, рисоалар нашр
қилинмоқда.

Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва ижодини ёрптишда
совет олимларидан В. В. Бартольд, Е. Э. Бертельс,
А. М. Баҳоуддинов, А. С. Ирисов, У. С. Каримов, С. Мир-
заев, Ю. О. Отабеков, С. О. Орипов, А. Расулов, А. А. Се-

мёнов, П. М. Факторович, М. М. Хайруллаев, П. Шад,
Ш. Шонсломов, Ш. Шомухамедов, А. Я. Якубовский,
Х. Х. Хикматуллаевлар катта хисса қўшдилар.

Олимнинг табобат соҳасидаги фаолиятини урганишда
А. А. Асқаров, Л. А. Алавий, В. Д. Гордеева, Б. Л. Гур-
товой, В. Қ. Жумаев, Н. М. Мажинов, Ё. С. Оразметов,
Б. Д. Петров, Г. З. Пипхелаури, Я. А. Рахимов, Я. Т. То-
жнев, В. Н. Терновский, К. А. Холяков, Х. Х. Холматов,
М. Эфендиев, А. А. Қодиров, Х. Ғ. Ғафуровларнинг хиз-
мати катта.

ИБН СИНОГАЧА БЎЛГАН ДАВРДАГИ ШАРҚ ТАБОБАТИ ВА УНИНГ МАНБАЛАРИ

Абу Али ибн Сино Шарқ табобатининг йирик намоян-
даси бўлиб, унинг табиблик соҳасидаги барча фаолияти
Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон ва бошқа мусулмон шарқи
мамлакатларида медицина илми ва тажрибасининг ри-
вожланиши билан ҳамбарчас боғлиқ. Ибн Сино Африка
қитъасидан тортиб, то Хиндистон ярим ороли ва Хитой-
гача бўлган улкан территорияда яшовчи халқларнинг
медицина соҳасида эришган барча ютуқларини ўзига ту-
ла мужассамлаштирди. Бундан ташқари, у Европа антик
медицинаси билан ҳам таниш эди. Аммо, Ибн Сино учун
Шарқ табобати асосий манба бўлган.

ШАРҚ ТАБОБАТИ МАНБАЛАРИ

Шарқ табобатининг дастлабки манбалари, яъни келиб
чиқиб тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади.
Шарқ мамлакатларида, хусусан Ўрта Осиёда табобат жа-
мият тараққиётининг дастлабки босқичида, пбтидий жа-
моа даврида пайдо бўлган. Медицина тарихчилари ва ар-
хеологларининг фикрича, биринчи бўлиб оддий даволаш
усуллари билан матрпархат (мустьер) давридаги киши-
лар шугулланганлар, яъни медицина ўша даврда кашф
этилган. Ўрта Осиённинг турли областларида олиб борил-
ган археологик қазилмалар вақтида матрпархат даврига

мансуб одамларнинг манзилгоҳлари кўплаб топилган. Масалан, профессор А. П. Окладников 1938 йилда Сурхондарё области территориясидаги Тешиктош ғоридан (Термиз шаҳари яқинида) 10—12 яшар неандерталь одам боласининг скелетини топди. Демак, шу ерда матриархат даври одамларининг манзилгоҳи бўлган. Шундай манзилгоҳлар Кўлбулоқ атрофида ва Обираҳмат (Тошкентдан 100 км масофада) ғоридан ҳам топилди. Биз боя табобат билан биринчи бўлиб неандерталь одамларни шуғуллана бошлаганларини айтиб ўтган эдик. Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон территориясидан неандерталь одамларининг манзилгоҳлари топилган экан, демак бу ўлкада медицинанинг келиб чиқиш тарихи ўша одамлар яшаган даврга бориб тақалади. Бинобарин, Ўрта Осиё ер юзиде табобат билими биринчи бўлиб пайдо бўлган ўчоқлардан биридир.

Ўрта Осиёда табобат масалаларини баён этган энг дастлабки ёзма манбаълар эрампздан олдинги X—IX асрларга тўғри келади. Бундай манбаълардан бири «Авеста» («Зенд-Авеста»). Бу китоб эрампздан олдинги X—IX асрларда тузилган, деб фараз қиладилар. «Авеста» қадимги Эрон ва Ўрта Осиёда яшаган халқларнинг худо, пайғамбарлар ва диний ақидалар ҳақидаги тушунчаларини ифода этувчи китобдир. Хусусан, унда қадимги зороастризм динининг ақидаларни баён этилган.

«Авеста»да диний ақидалардан ташқари, табобатга оид баъзи масалалар ҳам баён этилган. Масалан, унда саломатликни сақлаш, касалликларнинг олдини олиш чоралари, хусусан гигиена қоидаларига риоя қилиш масалалари айтиб ўтилади. Қисман одам анатомияси ва физиологияси ҳақида ҳам маълумот берилади. Бунда томирларнинг тузилишига алоҳида аҳамият берилади. «Авеста»да кўрсатилишича, томирлар уч турли бўлади: қизил қон оқувчи томирлар, қора қон оқувчи томирлар ва қон оқмайдиган томирлар (бу ерда, афтидан, нерв томирлари кўзда тутилган бўлса керак). Касалликларни даволаш

нинг учта усули кўрсатилган: ўт (доривор ўтлар) билан даволаш, пичоқ билан даволаш (хирургия) ва сўз билан даволаш. Кейинги усул асосан дуолар ўқиш, ибодат қилдиришдан иборат бўлган. Бинобарин «Авеста»да касалликларнинг келиб чиқишида илоҳий кучларнинг қудрати эътироф этилади ва бунга алоҳида аҳамият берилади.

Зороастризм асосан деҳқончилик билан шуғулланувчи Осиё халқларининг дини бўлган. Халқ учун ер-сув жуда азиз бўлганидан уларни муқаддас деб билганлар. Шунинг учун зороастризм дини ер ва сувни ифлос қилишни гуноҳ деб эълон қилган. «Авеста»да ҳаво ва олов ҳам муқаддас деб кўрсатилган. Китобда «ер шу қадар муқаддаски, ҳатто унга ўлган одамнинг жасадини кўмиш ҳам қатъиян мумкин эмас» деб ёзилган, токи мурда гавдаси чприши натижасида пайдо бўлган ёмон моддалар ва бадбўй ҳид муқаддас тупроқни ифлос қилмасин. Ўша вақтдаги зороастризм дини маслагидеги қадимги Хоразмийлар «Авеста»га риоя қилиб, ўлган киши жасадини ерга кўмай, аҳоли яшайдиган жойлардан узоққа — даҳмага элтиб қўйганлар. Жасадни қушлар ва йиртқич ҳайвонлар еб тугатгандан сўнг суякларини йиғиб олиб, махсус сопол идишлар (оссуарийлар)га солиб, уни науслар (ер тўла)да сақлаганлар. Ўзбекистоннинг турли жойларида шундай оссуарийлар кўплаб топилди. Масалан, Тошкентни археологик қазилш вақтида ва Самарқанд яқинидаги Лойиш қишлоғида жуда чиройли қилиб ишланган оссуарийлар топилди.

Ер, сув ва ҳавони ифлос қилмаслик ҳақида «Авеста»да ёзилган фикрлар умуман, баъзи касалликларнинг (хусусан, юқумли касалликларнинг) олдини олишда, ҳақиқатан муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, «Авеста» асосан диний ақидалар ҳақидаги китоб бўлгани сабабли касалликларнинг келиб чиқиш масаласида диний тушунчалар нуқтаи назарида туради. Бу китобда ёзилишича, касаллик пайдо қилувчи энг асосий нарса бу — жоҳиллик худоси

Аҳримандир. Аммо, киши баъзан гуноҳ йўлига утса, яхши нийятли худо Ормузда ҳам унга касаллик юбориши мумкин. Бундай ҳолларда киши шу худоларга тавба қилиб, уларнинг раҳм-шафқатига сазовор бўлиши мумкин. Шундагина киши касалликдан қутилиши, яъни соғайиши мумкин. «Авеста»да ёзилган бу фикрлар албатта ҳақиқатдан узоқ. Лекин уша замон учун табиийдир.

«Авеста»да касалликнинг ривожланишида атроф табиатнинг таъсири ҳам кўрсатиб ўтилган. Масалан, унда совуқ тегини (шамоллаш), сифатсиз овқатлар истеъмол қилиш, бадхўрлик, шахвонли ишга жуда берилиб кетиш, асабийлашиш, заҳарли илонлар чақиши ва ҳайвонлар тишлаши каби ҳолатлар ҳам касаллик пайдо қилиши мумкинлиги айтилади. Лекин, бу ҳодисалар уша жоҳил руҳ Аҳриман орқали ўз таъсирини кўрсатар эмиш.

«Авеста»да касалликлар ва уларни даволаш ҳақида ёзилган фикрлар жуда ибтидоий ва баъзан ҳақиқатдан анча узоқ бўлса ҳам бу китоб табобат тарихида маълум даражада ижобий роль ўйнади. Бу китоб ҳозирги кунда, узоқ ўтмиш авлодларимизнинг табобат ҳақидаги тушуinchалари қай даражада бўлганини кўрсатувчи дастлабки манбадир.

Иккинчи манба қадимги Оссурия подшоҳи Ашшурбанипалнинг пойтахти Ниневия шаҳри вайроналаридан топилган медицина ёзувларидир. Бу ёзувлар сопол тахтачаларга¹ миххат усулида яшланган. Ашшурбанипал эрампдан олдинги 647-йилда Вавилония (Бобил)ни босиб олиб, бу мамлакатнинг барча бойлиқларини, шу жумладан ёзув манбаларини ҳам ўз пойтахти Ниневияга олиб келган. Шулар ичида биз юқорида кўрсатиб ўтган табобат илмига онд ёзувлар ҳам бўлган. Уша вақтларда Ўрта Осиё Бобил давлатига тобе эди. Винобарни, Бобил кутубхонасидан Ниневияга олиб кетилган медицина ёзувлари

¹ Сопол тахтачалар ўчоқда ёғиш сингари пиширилган.

Ўрта Осиёнинг уша замондаги табобати ҳақида ҳам тушунча бериши мумкин.

Маълумки, Ўрта Осиёда яшаган сўғдларнинг, яъни бизнинг узоқ ўтмишдаги аجدодларимизнинг ўз ёзувлари бўлган. Шундай сўғдий ёзувчиларидан бири Чилхужра тепалиги қазилмаларидан топилган. 1975 йилда Туркистон шаҳрида ер қазини ишлари олиб борилаётган вақтда бир неча юз бетдан иборат пергамент (терига ёзилган китоб) топилиди. Бу топиламаларда ҳам табобатга онд маълумотлар бўлиши мумкин¹.

Ўрта Осиё халқларининг ўтмишдаги табобати ҳақидаги аниқ маълумотлар IX—XI асрларга келиб адабиётда ўз ифодасини топди. Бу даврда араб тили ҳукмрон бўлиб, барча соҳадаги китоблар шу тилда ёзилар эди. Қадимги Шарқ (Ҳиндистон, Миср, Эрон, Хитой, Араб ва Ҳоказо) ва Ғарб антик дунёсида яшаб ижод этган деярли барча йirik олимларнинг асарлари араб тилига таржима қилинган эди.

Винобарни, Абу Али ибн Сино ўз фаолиятини бошлаганда уша замонда у Шарқ, Ғарб мамлакатларида маълум бўлган барча фанлар, шу жумладан табобат эришган ютуқлар билан танишиш ва уларни чуқур ўрганиш имкониятига эга эди. Дарҳақиқат, Ибн Сино ўз таржиман ҳолида ёзганидек, шу нодир асарларнинг ҳаммасини деярли қўли билан ўқиб ўрганди ва бунинг натижасида буюк олим ва табиб бўлиб етишди. Демак, Абу Али ибн Синонинг улуг олим ва табиб бўлиб шаклланишида Ўрта Осиё олимлари билан бир қаторда бошқа Шарқ (ва Ғарб) олимларининг ҳам таъсири катта бўлган. Бошқа хорижий мамлакатларда, хусусан, қўшни Шарқ мамлакатларида эришилган фан ютуқлари, ватанда эришилган ютуқлар билан бир қаторда Ибн Сино учун муҳим манба бўлган. Масалан, Ибн Сино ўз асарларида кўп марта-лаб эслаб ўтганидек, у табобат илмини ўрганишда қадим-

¹ Ҳозирча бу ёзувларнинг мазмуни аниқлангани йўқ.

гя Миср, Хиндистон, Эрон, Хитой ва Араб мамлакатлари олимларининг асарларидан фойдаланган. Шу сабабли, биз бу ерда қадимги қўшни Шарқ мамлакатларининг табобати билан танишиб чиқамиз.

Ўрта Осиё табиблари Хиндистон, Эрон, Миср, Хитой, Тибет ва Араб олимларининг асарлари билан таниш бўлганлар.

Қадимги Хиндистон медицинасининг асосий манбаларидан бири аюрведадир. Хинд табобати тарихида учта аюрведа бор. Булар Атрейи аюрведаси, Чараки (Хараки) аюрведаси ва Сушрута аюрведаси. «Аюрведа» сўзи «ҳаётни биллиш китоби» деган маънони билидиради.

Аюрведалардан энг муҳими Сушрута аюрведасидир. Бу китоб эрампдан олдинги VI асрда ёзилган деб фараз қилинади. Китобда қадимги хиндларнинг одам организмнинг табнати, тананинг тузиллини, соғлиқни сақлаш масалалари, касалликларни аниқлаш ва даволаш усуллари баён этилган. Хинд табиблари ўша замондаги фалсафий тушунчага асосланиб, одам танаси асосан тўртта самовий элемент (ер, сув, ҳаво, олов) ва плохий парса — эфирдан иборат бўлади, деб фараз қилганлар. Уларнинг фикрича, бу элементлар, хусусан ҳаво, сув ва ер элементининг ўзаро муносабати мувозанатда бўлса, кишининг соғлиги ўзгармайди, у соғлом бўлади. Мувоzanат бузилса, яъни элементлардан бири миқдор ёки сифат жиҳатдан устун келса, касаллик вужудга келади.

Хиндлар самовий элементлар мувозанатининг бузилишига олиб келадиган сабаблардан иқлим ва оби ҳавонинг ўзгарishiга алоҳида аҳамият берганлар. Шу билан бирга хинд табиблари касаллик худоларининг тазабига учрашдан ҳам келиб чиқади, деб ўйлаганлар.

Хинд табиблари касалликни тўғри аниқлаш усулларини жуда яхши ишлаб чиққанлар. Улар беморни жуда ситчиклаб кўздан кечириш, улар билан узок суҳбат қилиш, бемор томирини ушлаб кўриш, териси ва шиллиқ парда-


ларининг ва тилининг рангги ҳамда ҳолатига эътибор беришни тавсия этадилар.

Сушрута аюрведасида 150 дан ортиқ касалликнинг узига хос белгилари баён этилган, уларни аниқлаш ва даволаш усуллари кўрсатилган. Хинд табиблари ишлатган дориларнинг хили жуда кўп бўлган. Аюрведада 760 хил дори-дармон баён этилган. Хиндистонда қон олиш, масаж қилиш, ваппалардан фойдаланиш ва шихоит жарроҳлик усуллари кенг қўлланилган.

Жарроҳлик усулларидан қовуқдаги тошни олиб ташлаш, чуррани операция қилиш, жароҳатланиб, ишга яроқсиз бўлиб қолган оёқ ёки қўлни ампутация қилиш (кесиш ташлаш), кўз катарактасини даволаш усулларини амалга оширилган.

Қадимги Хинд жарроҳиясида пластик операциялар усули айниқса юксак даражага кўтарилган эди. Умуман, пластик операция усули хиндлар томонидан биринчи бўлиб ишлаб чиқилган. Бу соҳада Сушрутанинг хизмати катта. У жуда моҳир жарроҳ бўлган. «Хинд усули» номи билан машҳур бўлган кўпгина пластик операцияларни, масалан, етишмаган буруч, қулоқ, лабини қайта тиклашни биринчи бўлиб Сушрута амалга оширган. У биринчилардан бўлиб, кўндаланг келиб қолган болани оёқ томонига айланттириб, туғдирини усулнинг яхши ишлаб чиққан. Хинд жарроҳлари ишлатган жарроҳия асбобларининг 200 дан ортиқ хили бор.

Хинд медицинасининг назарий асослари рутубатлар тушунчаси билан боғлиқ. Бу тушунчага биноан касаллик ҳолатида организмдаги суюқликлардан (қон, ўт, шиллиқ ва ҳоказо) бири ёки бир печтаси миқдор ёхуд сифат жиҳатидан ошиб, ўзгариб кетади. Шунинг учун уларнинг мувозанатини тиклаш мақсадида даволашдан олдин беморга ич сурувчи, қусдирувчи, аксиртирувчи дорилар берганлар. Шу мақсадда қон ҳам олганлар. Шундан сўнг касалликнинг белгиларига қараб дори-дармонлар тавсия этганлар.



Ҳинд табиблари касалликнинг олдин олиш ва саломатликни сақлаш масаласига алоҳида аҳамият берганлар. Шу мақсадда улар гигиеник қондаларга риоя қилиш, танини, кийим бош, ўрин-тушак ва уй-жойларни озода сақлаш зарурлигига, овқат ва парҳез масалаларига алоҳида аҳамият берганлар. Бу кўрсатилган тадбирлар Ўрта Осиё табobatiда ҳам муҳим ўрин тутган. Ўлкамиз табиблари Ҳинд олимларининг китоблари билан яхши таниш бўлганлар.

Ўрта Осиё табибларига Сушрутадан ташқари, ҳинд олими Дванханти китоби ҳам маълум бўлган. Абу Али ибн Сино ҳам бу китобдан фойдаланган.

Ўрта Осиё табибларига қадимги хитой медицинасининг асослари ҳам маълум бўлган. Хитой медицинасининг дастлабки манбаларидан бири «Хуанди Ней-Цзин» («Одамнинг табиати ва ҳаёти ҳақида Хуанда китоби») номли асардир. Асарнинг муаллифи Ван Шу Ҳе. Китоб эраимиздан олдинги учинчи минг йилликда ёзилган деб фараз қилинади. «Ней-Цзин» унинг муаллифи Ван Шу Ҳе билан император Хуанди ўртасидаги савол-жавоб сифатида ёзилган. Китобда одам организмнинг тузилиши, унинг табиати, саломатлик ва касаллик сабаблари, касалликларнинг белгилари, диагностика ва даволаш масалалари баён этилган. Китобда баён этилишича, хитой табиблари ҳам ҳиндлар сингари одам организмнинг тузилиши ва табиати масаласида фалсафий космик элементларга асосланганлар. Фарқ шундан иборатки, хитойлар бешинчи элемент сифатида ўсимликни асос қилиб олганлар, яъни хитой олимларининг фикрича барча борлиқ, жумладан одам организми ҳам ер, ҳаво, сув, олов ва ўсимлик асосларидан иборат.

Хитой табobatiда ҳам ҳиндларникидек касалликни аниқлашда беморни жуда сиқичлаб текширишга катта аҳамият берилди. Хитой табиблари бемор томирини сиқичлаб текшириш усулини айниқса мукамал ишлаб чиққанлар. Улар эринмай бемор томирини турли ҳолат ва

вазиятда соатлаб текширганлар. Бунинг натижасида томирда юз берадиган жуда нозик, билинар-билинмас ўзгаришларни ҳам яхши аниқлай олганлар. Беморларни даволашда ишлатиладиган дори-дармонлар масаласида хитой табobati айниқса бойдир. Хитой табиблари маълум дори ўсимликларидан ташқари, бундан минг йиллар муқаддам жуда нодир ўсимлик бўлган жень-шендан фойдаланганлар. Бундан ташқари, панти (пантокрин)ни ҳам хитойлар дори қаторига киритганлар. Хитой табobatiда ўша даврлардаёқ мингдан ортиқ дори-дармонлар ишлатилган. Хитой олимлари томонидан тузилган 52 томлик фармакопея мавжуд.

Хитойлар, бошқа халқларда бўлмаган, ўзига хос даво чораларини ҳам ишлаб чиққанлар. Шулардан энг машҳур ичта: мокса, акупунитур (чжень-цзю) ва массаж айниқса кенг қўлланилган.

Мокса — бу касал аъзон (тўғрироғи, уни қоплаган терини) турли даво ўтлари ёрдамида куйдириш (қутиқлаш) принципіга асосланган. Бунинг учун қуритилган ўт тутатилди ва у билан терининг маълум қисми бир оз (сигилгина) куйдирилади.

Акупунитур, яъни игна санчиб даволаш. Бу усул фақат хитой медицинаси учун характерли бўлган ва бир неча минг йиллик тарихга эга. Хитой табobati қўллама-ларида кўрсатилишича, одам танасида игна санчиш мумкин бўлган 360 та нуқта мавжуд. Шу нуқталарни топиб, игна санчилса, бемор мутлақо оғриқ сезмайди. Акупунитур мақсадида ичта ковак игналар ишлатилган. Бундан мақсад организмдаги ортиқча, сифатсиз элементни чиқариб юбориш ва аксинча, бирор элемент етишмаса, уни организмга киритишдан иборат бўлган.

Учинчи усул — массаж (уқалаш). Бу усул бошқа шарқ халқлари, жумладан Ўрта Осиё табobatiда ҳам кенг қўлланилган. Масалан, Ўзбекистонда эркаклар ҳаммомида махсус ходимчилар, яъни массажистлар бўлар эди.

Хитой табибларининг фикрича, бутун табиъатда ва ҳаётда бўлганидек, одам организмда ҳам доимо икки қарама-қарши куч бир-бирлар билан «жангда» бўлади. Булардан бири пассив, инерт куч («Ин»), иккинчиси актив, ҳаракатчан куч («Ян») дпр. «Ин» деганда хитойлар қонини тушунганлар, «Ян» эса уларча ҳаво (тугрироги «пневма»). Пассив «Ин» (яъни қон)ни, актив «Ян» (яъни пневма) ҳаракатга келтиради. Хитой табибларининг фикрича, шулар ўртасида мувозанат мавжуд бўлса киши соғлом, агар мувозанат бузилса касаллик пайдо бўлади.

Ван Шу Хедан ташқари, қадимги машҳур хитой табибларидан яна Бян Цзо ва Хуа Туларни кўрсатиш мумкин. Бянь Цзо (эрамыздан олдинги VI асрда яшаган)нинг «Қийинлик ҳақида китоб» номли асари маълум. Муаллиф бу асарда одам анатомияси, физиологияси, касалликларнинг сабаблари, белгилари, диагностика ва даволаш чораларини байн этади. Бянь Цзо инга санчиб даволашда жуда ҳам моҳир бўлган. У айёллар ва болалар касалликларини аниқлаш ва даволашда ҳам жуда катта муваффақият қозонган.

Хитой табобатининг муҳим ютуғи шундаки, унда организм бир бутун система деб қаралади ва бирор аъзо касалланса, у бутун организмга таъсир этиши эътироф этилади. Чунинчи, хитой медицинаси афориизмларидан бирида бундай дейилади: «Агар беморнинг боши оғриётган бўлса, бош оғриғилиғина, оёғи оғриётган бўлса, фақат оёқларининггина даволаш, яъни касал органигининг даволаш билан чекланма, бемор одамни бутун давола».

Хитой табобати Хинд, Тибет, Мўғулистон ва Ўрта Осиё табобатига анчагина таъсир кўрсатган.

Ўрта асрларда қадимги Тибетда ҳам табобат анчагина ривож топган эди. Тибет табобатининг ривожланишида хинд ва хитой олимларининг таъсири бўлган. Масалан, IX асрда санскрит тилидан тибетчага «Жу-жип» номли табобатга оид китоб таржима қилиниб, ундан тибет табиблари кенг фойдаланганлар.

Тибет табиблари касаллик пайдо бўлиш сабаби масаласида қуйидаги фикрда бўлганлар. Одам организмда уч хил модда—ҳаво, шиллиқ ва ўт айланиб юради. Шу учта модданинг миқдори ва сифати мувозанатда бўлса, киши соғлом бўлади, агар мувозанат бузилса, касаллик келиб чиқади. Бу моддалардан ўт (жигар ўти)га алоҳида аҳамият берилган. Тибет табибларининг фикрича жигар ўти организмда жуда муҳим роль ўйнайди.

Тибет табобатида шу уч модда асосида кишининг табиати (мизож) белгиланган. Тибет табиблари ҳам диагностика масаласини яхши биллаб чиққанлар. Тибет табобати қондасида бундай дейилади: табибнинг асосий вазифаси беморни синчиклаб кўздан кечириш, уни эшитиш ва текширишдан иборат. Бу ерда «эшитиш» деган сўз беморнинг пили аъзоларини (масалан, юрак уришини, нафас олишини) қулоқ қўйиб эшита билиш (аускультация) маъносини билдиради. «Текшириш» деган сўз эса беморнинг сийдиғи, ахлати, балғами ва шунга ўхшаш чиқиндиларини текширишни кўзда тутди. Бинобарин, тибет табиблари диагностика соҳасида анча мукаммал усулларни қўлланганлар. Касалларни даволаш масаласида ҳам тибет табиблари анча муваффақиятларга эришганлар. Даволашни маълум спетема асосида олиб борганлар. Чунинчи, дастлаб бемор учун яхши (оптимал) яшаш шароити яратиб бериш, сўнг беморга ўзи истаган енгил овқатлар бериш тавсия этилади. Бу тадбирлар амалга оширилгандан сўнггина дори-дармон берилган. Агар бу муолажалар ёрдам бермаса, сўнг инчоқ билан даволаш, яъни жарроҳия усули қўлланилган.

Тибет табиблари 400 дан ортиқ касаллик турларини 1500 га яқин касаллик аломатларини билганлар.

Тибет табобатининг ютуқларидан бири шуки, унда айёллар ва болалар касалликлари жуда синчиклаб текширилган ва уларда учрайдиган касалликлар анча мураккаб бўлиши кўрсатилган. Тибет табобати афориизмларидан бирида бундай дейилади: «Ўнта эркакни даволаш—

дан кўра битта аёлни ва ўнта аёлни даволашдан кўра битта гўдакни даволаш қийинроқдир».

Тибет табобатида жарроҳия усули билан даволашга алоҳида аҳамият берилган. Жарроҳия усулини яхши билмаган табибни ҳақиқий табиб қаторига қўшмайдилар. Бу ҳақда шундай афоризм мавжуд: «Жарроҳияни билмаган табиб табиб эмас. У қилич ишлатишни билмайдиган аскарга ўхшайди». Тибет табобатида ишлатиладиган дори-дармонларнинг сони мингдан ошиқ бўлган. Лекин тибет табиблари дорилардан кўра кўпроқ гигиеник қондалар ва табиат воситаларидан фойдаланишни афзал кўрганлар. Масала, озодалик қондаларига риоя қилиш, ўз вақтида ухлаш, дам олиш, ёмон одатлардан сақланиш, ўз вақтида ва енгил ҳамда сифатли овқат истеъмол қилиш, танани турли йўллар билан чиниқтириш, очиқ ҳавода сайр қилиш, тоққа чиқиш, дарёда чўмилш, кураш туриш, отда ва пийда юриш ва ҳоказо.

Ўрта Осиё табиблари қадимги Ассирио-Вавилония табобати билан ҳам таниш бўлганлар. Биз юқорида Ўрта Осиё (хусусан, қадимги Хоразм) бир вақтлар Вавилония давлатига қарам бўлганлигини кўрсатиб ўтган эдик. Бинобарин, бу мамлакатлардаги табобат илми ҳам умумий бўлган дейиш мумкин.

Қадимги Вавилониянинг табобати шу мамлакат ҳукмдори Хаммурапи чиқарган қонунда ўз ифодасини топган. Хаммурапи эрамыздан олдинги XVIII асрда ҳукмронлик қилган. Унинг базальт устунига миҳхат билан ёзиб қолдирилган қонунда мамлакат аҳолисининг ҳуқуқ ва вазифалари, уларнинг ҳуқуқ ва одатлари, ўзаро муносабатлари баён этилади. Қонунда ҳунармандларнинг, шу жумладан табибларнинг меҳнати учун берилиши керак бўлган ҳақ миқдори ҳам кўрсатиб берилган. Чунончи, табиблар ҳақида бундай дейилади: Табиб беморни операция қилиб, соғайтириб юборса, унга ўн танга (кумуш) пул тўланади. Агар табиб, даволаш ўрнига беморнинг соғлиғига зарар келтириб қўйса, унинг бармоқлари кесиб таш-

ланади. Бундан маълум бўладики, қадимги Вавилонияда табиблар олдига жуда қаттиқ талаб қўйилган.

Касалларни даволашда ҳам ўсимлик, ҳам ҳайвонлардан олинган дори-дармонлар ишлатилган. Минерал моддалардан ҳам қисман фойдаланилган. Қадимги тибетда бўлганидек, Вавилонияда ҳам даволаш ишлари билан асосан лоҳинлар (руҳонийлар) шуғулланганлар. Шунинг учун Вавилонияда даволаш ишлари кўпроқ ибодатхонларда олиб борилган. Бу эса одам организмининг табиати, касалликларнинг сабаби ва уларни даволаш масалаларининг диний тушунчалар асосида ҳал қилинишига олиб келди. Хусусан, қадимги Вавилония табобатида астрологик тушунча ҳукмрон бўлган. Бу тушунчага биноан ҳар бир кишининг тақдири, унинг саломатлиги ва касалликка учраши юлдузларга, уларнинг ҳолатига боғлиқ деб ғараз қилинади. Юлдузлар эманация йўли билан ердаги барча нарсаларга, шу жумладан кишиларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Касаллик ҳам шу йўл билан келиб чиқади, деб ғараз қилганлар. Аммо халқ ўртасида билим ва тажрибага асосланган амалий табобат ҳам бўлган. Бунда табиблар организмдаги суяк қисмларга, хусусан қонга кўпроқ аҳамият берганлар. Артериал қон — қондузги қон, веноз қон эса тунги қон деб аталган. Табиблар касалликни аниқлаш учун беморнинг танасини ва унинг чиқиндиларини (сийдик, ахлат ва бошқалари) текшириш кераклигини билганлар.

Абу Али ибн Сино ва ўша даврда яшаган табиблар таржима адабиёти орқали қадимги Миср табобати билан ҳам таниш бўлганлар.

Мисрда табобат илми эрамыздан олдинги тўрт мингинчи йилда пайдо бўлган. У ерда айниқса «Қадимги дунё» деб аталган, яъни эрамыздан олдинги уч мингинчи йилда табобат жуда юксак даражага кўтарилган. Қадимги Миср табобатининг ўрганишда биз асосан ўша замондан бизгача етиб келган папируслардан фойдаланамиз. Медицинага онд папирусларда ҳар хил касалликлар-

нинг белгилари ва уларни даволаш усуллари кўрсатилган. Хусусан, уларда қўлгина рецептлар келтирилади. Тарихда табобатга доир бир нечта папирус маълум. Булардан энг қадимгиси Кухин папирусидир. Бунда асосан аёллар касалликлари ва уларни даволаш чоралари кўрсатилган. Бу папирус эрампиздан олдинги XVIII асрда ёзилган, деб фараз қиладилар. Бундан ташқари, табобатга оид яна иккита папирус—Смит ва Эберс папируслари мавжуд. Бу папируслар эрампиздан олдинги XVI асрда ёзилган, деб тахмин қилинади. Смит папирусига одам организмнинг тузилиши, жарроҳия ва яра-чақаларни даволаш усуллари байн этилган. Эберс папируси эса айрим аъзолар касалликлари ва уларни даволашга бағишланган. Бу китобда 800 га яқин дори-дармонлар ҳақида маълумот берилган.

Қадимги мисрликларнинг ўз табобат худолари бўлган. Ули Имготеп деб атаганлар. Аслида Имготеп деган одамни плохийлаштирилган. У ҳам ўз папирусига эга бўлган, лекин бу папирус бизгача етиб келмаган.

Дастлабки папирусларда касалликларни даволаш ҳақида эмпирик бўлса ҳам тўғри тавсиялар берилган. Кейингиларида эса раціонал тавсиялар диний-мистик тушунчалар билан аралашиб кетган. Миср қоҳинлари ҳам вавилонияликларга ўхшаб, касалликлар одам организмига инсу жинслар, шайтон кириб қолиши патижасида пайдо бўлади, деб тушунтирганлар. Бу жоҳил кучлар одам организмга худонинг буйруғи билан кирар эмиш.

Мисрликларнинг тушунчасига кўра одам ўлганидан сўнг (агар жасад сақланса) унинг руҳи янашда давом этади ва маҳшаргоҳда бу руҳ одам танасига қайтиши мумкин. Шу тушунчага асосан фиръавилар, сарой амалдорлари ва айрим бадавлат одамлар ўлганидан сўнг уларнинг жасади балзамланган. Бунинг учун жасадни ёриб, унинг томирига ва ички аъзоларига балзам юборилган. Шу тариқа одам организмнинг тузилишини, яъни анатомиясини мисрликлар аниқроқ билганлар.

Мисрда ҳам Вавилонияда бўлганидек, қоҳинлар та-

бобати билан бирга тажрибага асосланган илмий табобат мавжуд бўлган. Миср олимлари ҳам бутун борлиқ тўртта самовий элементдан ташкил топган, деган фикрни қувватлаганлар. Шунга биноан одам организмда тўртта суякнинг бўлади, ва уларнинг ҳолати соғлиқ ёки касалликни белгилайди. Бундан ташқари, миср олимлари пневма назариясини ишлаб чиққанлар. Бу назарияга биноан табиатдаги барча ҳодисаларни шу пневма бошқаради, одамнинг ҳаёти ҳам шу пневмага боғлиқ бўлади.

Миср табиблари табобат тарихида биринчи бўлиб, баъзи касалликларнинг келиб чиқишида, ташқи табиатдан организмга кириб қолган ичак паразитлари (глистлар) роль ўйнашини кўрсатиб ўтганлар. Миср табобатида ҳам ҳинд табобатидаги сипари жарроҳия жуда яхши ривожланган эди. Айниқса ҳарбий табиблар жарроҳликда моҳир эдилар. Жарроҳлар муваффақиятли равишда жароҳатларни боғлаш, мажмулашиб кетган оёқ ёки қўлни ампутация қилиш, чиққан-сипганларни даволаш усулларини амалга оширганлар. Бундан ташқари, улар кастрация қилиш (бичиш), хатна қилиш усулларини ҳам билганлар. Миср фиръавиларининг мақбараларида шундай операцияларни бажараётган табиблар тасвир этилган расмлар ҳам учрайди.

Мисрда ҳам махсус медицина мактаблари бўлган.

Ўрта аср Шарқ табобатининг манбаларидан бири қадимги Византия медицинаси эди. Византия олимларининг энг муҳим хизматларидан бири шуки, улар антик Рим ва Юнон олимларининг асарларини таржима қилиб, сақлаб қолдилар, бойитдилар ва келгуси авлодларга етказдилар. Византия медик олимларидан энг кўзга кўринган Орибазий (326—403) эди. Бу олим қадимги Рим, Юнонистон табобати эришган барча ютуқларни умулаштириб ва ўз тажрибалари билан бойитиб 72 томлик асар ёзиб қолдирган. Бу асарда табобатнинг барча масалалари — одам организмнинг тузилиши, функциялари, саломатлик, касаллик, беморларни текшириш, диагноз қўйиш ва даво-

лаш чоралари жуда батафсил баён этилган. Орибазий ўзининг медицинага оид фикрларида кўпроқ Жолинус (Гален)га эргашади. Орибазийнинг ўзи жуда тажрибали табиб бўлган. У табобатда биринчилардан бўлиб, беморларни минерал сув билан даволашни жорий қилган. Болалар ва аёллар касалликларини даволаш усулини мукаммал ишлаб чиққан.

Византия давлатининг пойтахти Константинополь (Истамбул) бўлган. Бу шаҳарда ўша замонда кўнгина илмий ва маданий муассасалар, шу жумладан жамоат касалхоналари ва медицина мактаблари бўлган. Масалан, Константинополда IX асрда махсус касалхона қурилиб, ишга туширилган ва унинг қошида медицина мактаби очилган. Лекин, касалхоналар асосан ибодатхоналар қарамоғида бўлган. Бу ерда касаллар билан бир қаторда ҳеч кими йўқ қари-ногиронлар ҳам яшаганлар.

Византия шаҳарларида барпо этилган касалхоналар бошқа Шарқ мамлакатлари учун ўрнак бўлди. Кейинроқ бошқа Шарқ мамлакатларида (Ўрта Осиё, Эрон, Араб халифалиги ўлкалари) касалхоналар Византия типига қурила бошлади.

АРАБЛАР ВА АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ҲУКМОН БЎЛГАН ЎЛКАЛАРДАГИ ТАБОБАТ

VII асрда Араб ярим оролида айрим араб қабилалари бирлашиб, йирик феодал араб давлати — араб халифалиги пайдо бўлди. Бу давлат ислом байроғи остида уруш қилиб, тез орада бошқа мамлакатларни босиб ола бошлади ва VIII асрга келиб, шарқда Ҳиндистон ва ғарби-шимолий Хитой, ғарбда эса Испаниягача бориб етди. Шундай қилиб, жуда катта территорияни ўз ичига олган йирик феодал араб халифалиги вужудга келди. Аммо, кўп ўтмай бу империя икки қисмга — Шарқ ва Ғарб халифалигига бўлиниб кетди. Шарқда араб халифалигининг пойтахти Боғдод, ғарбники эса Кордова бўлиб қолди.

Араблар ўзлари босиб олган мамлакатлардаги моддий, илм-фан ва маданият бойликларини ҳам ўзлариники қилиб олдилар. Барча китоблар араб тилига таржима қилинди. Давлат ишларида ҳам араб тили жорий қилинди. Олимлар фақат араб тилида ўқиш ва ёзиш имкониятига эга эдилар. Араб тилида ёзилган илмий ва адабий асарлар тарқала бошлади. Шундай қилиб, «Араб фани» ва «Араб маданияти» номи билан маълум бўлган фан ва маданият вужудга келди. Шу ҳодиса бутунча Ўрта Осиёда ҳам амалга оширилган эди. Бинобарин, араб халифалиги ҳукм сурган мамлакатлар (Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон) даги табобат ҳақида сўз борганида араб табобати эмас, араб тилида ёзилган ва туб мамлакат олимлари томонидан яратилган табобатни тушуниш керак¹. Бироқ, айнан араб олимларининг хизматини ҳам унутмаслик керак. Араблар асли кўчманчи халқ бўлсалар ҳам жаҳон маданияти ва фани ривожланиши тарихида жуда катта роль ўйнадилар.

Шундай қилиб, араб халифалиги мамлакатларида Ўрта асрда бошқа фанлар қатори медицина ҳам анча юксак даражада ривожланган эди. Кўп шаҳарларда (Боғдод, Дамашқ, Кордова, Бухоро, Самарқанд, Ғазна, Рай, Ҳамдон ва ҳоказо) мадраса, мактаб ва касалхоналар барпо этилди. Бу шаҳарларда кўплаб олимлар, файласуфлар, табиблар пайдо бўлди. Ўша даврда яшаган ва Ибн Синога замондош ёки яқин ўтмишдош бўлган йирик олим ва табиблардан Абү Бакр ар-Розий (865—925 й), Жабрил ибн Бахтншу (Бухтейшу) 771, Ибн Масавайх, Али ибн Раббон ат-Табарий (808 туғилган), Ал-Ҳахиз, Абү Саҳл Масиҳий (970—1011), Абү Мансур Қамарий, Али ибн Аббос ал-Мажусий ал-Ахвазий, Ибн ал-Ҳайтам, ал-Қиндий, Абул Қосим ибн Аббос ас-Заҳравий (1013 йилда ўлган) каби шахсларни кўрсатиш мумкин.

¹ Европалик тарихчилар кўп вақтгача араб тилида асар ёзган барча олимларни «араб олимлари» деб атаб келган эдилар.

Абу Али ибн Синонинг олим ва табиб сифатида шаклланишида антик дунё олимлари (Аристотель, Платон, Гиппократ, Гален, Цельс, Эвклид ва бошқалар) нинг ҳам таъсири зўр бўлган. Ибн Сино даврига келиб бу олимларнинг асарлари араб тилига таржима қилинган эди. Абу Али ибн Сино хусусан «Гиппократ тўплами» ва Галеннинг «Одам танаси қисмларининг фойдалилиги ҳақида» номли машҳур китоблари билан таниш эди. Антик дунёдаги табobatга оид китобларнинг энг машҳури «Гиппократ тўплами» эди. Бу китоб бир қанча муаллифлар томонидан ёзилган бўлиб, унда Европа мамлакатларида медицина соҳасида эришилган ютуқлар мужассамлаштирилган. Китобнинг асосини Гиппократнинг ўзи ёзган қуйидаги тўрт асари ташкил этади: «Сувлар, ҳаволар ва ўлкалар ҳақида», «Прогностика», «Эпидемиялар» ва медицинага оид «Афоризмлар». Тарихчилар булардан ташқари, жаррохияга оид барча боблар ҳам Гиппократ томонидан ёзилган деб тасдиқлайдилар. «Гиппократ тўплами» самарқандлик йirik олим ва медицина тарихчиси В. И. Руднев томонидан русчага таржима қилинган ва уч томлик китоб сифатида нашр этилган.

Қадимги Юнон ва Рим олимлари борлиқнинг асосини биргина элемент — ҳаво (пневма) ташкил этади деб тушунганлар. Ҳаво жуда хилма-хил кўринишда—тоғ-тошлар, ўсимлик ва ҳайвон организми ва ҳоказо сифатида намён бўлиши мумкин. Масалан, қадимги юнон файласуфи Анаксимен бундай дейди: Ҳаво зичлашиш ва сийраклашиш хусусиятига эга. У зичлашиб, туман ва булутларга айланади, яна ҳам зичлашса сув ва музга ўтади, агар зичлашиш давом этса, у охирида тошга айланиб қолиши мумкин. Аксинча, ҳаво сийраклашса, тутун ҳосил бўлади ва аста-секин қизийди. Агар сийраклашиш давом этаверса, ҳаво жуда ҳам қизиб кетиб, олов ҳосил бўлиши мумкин. Шундай қилиб, Анаксименнинг фикрича, бизнинг бутун аъзоларимиз ҳам шу биргина ҳавонинг турли ҳолатдаги кўринишидир.

Бошқа юнон файласуфлари бошланғич материя нима эканлиги ҳақида ўзгача фикрда бўлганлар. Масалан, Фалес сувни бошланғич материя деб тушунган. Анаксимандрнинг фикрича, бошланғич материя қандайдир номатлум элемент («апейрон») дир. Шу яққа элемент тушунчаси асосида атомистик назария келиб чиқди. Бу ҳақда биринчи бўлиб Левкийн фикр қилган. Левкийн атомистик назарияни Демокрит ўзинг-кеся ифодалаб берди. Левкийн ва Демокритнинг фикрича, атомлар фазода тўхтовсиз ҳаракатда бўладилар ва шу ҳаракат натижасида бир-бирлари билан тўқнашиб, бирлашадилар, бунинг натижасида табиатдаги барча нарсалар пайдо бўлади.

Қадимги Юнон ва Рим табибларидан Гиппократ биринчи бўлиб одам организмининг тузилиши ва унинг табиати ҳақидаги масалада шу атомистик назарияни асос қилиб олди. Бинобарин, Гиппократ ўз дунёқараши билан материалистик фикрда эди. У касалликнинг келиб чиқиши сабаби масаласида аввало ташқи муҳитин (сув, ҳаво, ер, турар-жой ва ҳатто сийсий тузини ҳам) биринчи ўринга қўйди. Кпши истеъмол қиладиган озиқ-овқат ва меҳнат шaroитига ҳам алоҳида эътибор берган. Гиппократ амалий врач сифатида ҳам энг юксак даражага кўтарилган эди.

Гиппократдан кейинги ўринда машҳур Рим табиби Клавдий Гален туради. Гален жуда тажрибали врач ва олим бўлса ҳам, унда баъзи идеалистик фикрлар мавжуд эди. Масалан, Гален дорилар ўз массаси билан эмас, балки ўзидаги қандайдир илоҳий куч билан касалларга таъсир кўрсатадилар, деб уйлар эди. Шунинг сингари организмда овқат ҳазм қилувчи, томирда қон юргизувчи, ҳаракат қилдирувчи, фикрлатувчи ва ҳоказо кучлар бор, деб тушунган. Абу Али ибн Сино ҳам ўзининг баъзи фикрлари билан Галенга яқинлашади. Масалан, Ибн Сино Гален тилга олган кучларнинг борлигини эътироф этади. Қадимги Юнон ва Рим олимлари Хитой табиблари сингари дунёда бир-бирига қарама-қарши таъсир этувчи

кучлар борлигини эътироф этганлар. Алкмеоннинг фикрича, улар жуда кўп. Масалан, унингча табиатда совуқлик-иссиқлик, қуруқлик-намлик, ачкиқлик-чучуклик, ширинлик-бемазалик ва бошқа кучлар мавжуд. Бинобарин, одам танасида шу кучлар доимо бир-бири билан «рақобатда» бўлади. Бунинг натижасида шу кучлардан бирортаси устун келиб қолиши мумкин. Шунда касаллик пайдо бўлади, деб фараз қилганлар.

Гиппократ ҳам шу тушунчани эътироф этган. У одам организмидаги тўрт суяқликка жуда катта аҳамият берган. Ҳатто шу суяқликларга қараб одамнинг табияти (мизож)ни белгиллаган. Касалликларни ҳам шу мизожга боғлаган.

Гиппократ организмида қон устунлик қилган кишиларни сангвиник, сафро (ўт) устунлик қилганларни холерик, шиллиқ устунлик қилганларни флегматик ва қора ўт устунлик қилганларни меланхолик деб атаган. Гиппократнинг фикрича, организмда у ёки бу суяқликнинг устун туриши шу одамнинг қайси иқлимда яшашига боғлиқ. Масалан, сангвиниклар—шарқ мамлакатларида яшовчилардир, флегматиклар—жанубда яшовчилар, холериклар шимолда, совуқ минтақада яшовчилар, меланхоликлар эса ғарб кишиларидир.

Организмда қайси суяқликнинг устун туришига қараб кишилар турли касалликлар билан касалланадилар. Гиппократнинг фикрича, беморнинг қандай темпераментга (мизожга) мансублигини билиш касалликни аниқлашда катта ёрдам беради. Ўрта аср Шарқи табиблари ҳам Гиппократнинг темперамент (мизож) назариясини асос қилиб олган эдилар. Ибн Сино ҳам шунга асосланган.

Абу Али ибн Сино ўз асарларида Гиппократ, Гален ва бошқа антик дунё олимларини кўп марта эсга олади, баъзан уларнинг фикрларини тасдиқлайди, баъзан эса уларни танқид қилади.

Шундай қилиб, Ибн Сино қадимги замон шарқ ва ғарб табобатини яхши билар эди.

Абу Али ибн Синонинг табиблик фаолиятининг такомиллашишида ўз замонасидаги табобат илми ва ўша замонда яшаган тиб олимларининг таъсири ҳам муҳим роль ўйнаган. Биз Ибн Сино замонасидаги табобат илми билан танишиб чиқамиз.

ИБН СИНО ЗАМОНАСИДАГИ ШАРҚ ТАБОБАТИ

Абу Али ибн Сино замониди, яъни X—XI асрларга келиб Ўрта Осиёда фан ва маданият юксак даражага кўтарилди. Қулдорлик жамияти ўрнига келган феодал тузум ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг янада ривожланишига олиб келди. Бунинг натижасида иқтисодий ҳаёт янада ривож топди. Деҳқончилик ва ҳунармандчилик ривожланди. Ишлаб чиқаришнинг янги тармоқлари вужудга келди. Бу эса ички ва ташқи бозорнинг кенгайишига олиб келди. Савдо-сотиқ ишлари тез ривожлаша бошлади. Шу туфайли, маданий ҳаёт ва фаннинг турли соҳалари янада ривожланди. Жумладан табобат фани ҳам анча юксак даражага кўтарилди. Кўпгина медик-олимлар пайдо бўлди ва улар назарий ҳамда амалий медицинанинг турли соҳаларида йирик асарлар яратдилар. Бу даврни Ўрта аср табобати билимининг энг равнақ топган даври деса бўлади. Шу билан баробар Ўрта Осиё ва қўшни шарқ ўлкаларида бошқа фанлар ҳам жуда ривожланди. Йирик шаҳарларда жуда кўп илм ва маданият марказлари—дорилфунунлар, олимлар жамияти, кутубхоналар, мактаб-мадрасалар ва касалхоналар барпо этилди. Шаҳар бозорларида ҳатто айрим китоб расталари ҳам бўлар эди. Бу ерда жуда нодир асарларни ҳам сотиб олиш мумкин эди.

Ўрта асрларда Шарқда илм-фаннинг тез ривожланишида қадимги Ҳиндистон, Рим, Юнон ва бошқа тиллардан машҳур олимларнинг китобларини араб тилига таржима қилиб тарқатилгани ҳам бу борада жуда муҳим роль ўйнади. Масалан, ўрта асрда араб тилига Аристотель,

Архимед, Платон, Птоломей, Гиппократ, Гален, Эвклид каби олим ва табибларнинг асарлари таржима қилинган эди. Шунинг ҳам кўрсатиб туриши керакки, Ўрта Осиё олимлари антик даври мутафаккирларининг асарларини таржима қилиш ва уларни урганиш билангина чекланиб қолмай, ўзлари ҳам фан, фалсафа ва табobatнинг турли соҳаларида муҳим кашфиётлар қилдилар, фан ва маданиятни бойитдилар. Масалан, ўрта аср олимлари маълум ҳинд ҳисоби рақамларига нул қўшиб, песталган миқдорни яқинда этиш йўлини топдилар. Геометрия соҳасида янги бўлимлар — тригонометрия ва аналитик геометрия янгилаб чиқилди. Астрономия соҳасида Польша олимми Коперникдан бир неча аср муқаддам (IX асрда) фарғоналик олим Ахмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний гелиоцентрик гипотезаси олдинга сурган эди. Астрономия соҳасида бошқа кашфиётлар ҳам қилинди. Астрономиянинг ривожланиши шунга боғлиқ эдики, деҳқончилик қилиш учун йил фасллари, ойларнинг ўзаро алмашишуви қонуналарини билиш керак эди. Бу эса об-ҳавонинг ўзгариши қай тартибда боришини кўрсатиб берарди. Шунга қараб экин-тикин ишлари олиб бориладди.

Бу даврда химия фани, хусусан алхимия анча ривожланди. Алхимикларнинг мақсад ва фикрлари ҳақиқий фан тушунчаларидан узоқ бўлишига қарамай, улар бу фани анча ривожлантирдилар. Масалан, алхимиклар химия фанини бир қанча кислоталар (азот, сульфат кислоталар) ва асослар ҳамда туз бирикмалари (симоб, қумуш тузлари) билан бойитдилар. Ал-куҳул (спирт) кашф этилди. Сувни филтрлаш, уни қайнатиб, буғлатиб ҳайдаш усуллари янгилаб чиқилди. Булардан ташқари, механик ва сув соатлар, магнит игناسи кашф этилди. Шиния ясаш усули янгилаб чиқилди.

Жуда муҳим кашфиётлардан бири қоғоз ясаш усулининг янгилаб чиқилиши бўлди. VII асрда Самарқандда Хитой усулида қоғоз янгилаб чиқарилади эди. Бу даврда йирик географик кашфиётлар қилинди. Бу ерда шунинг

кўрсатиб туриши керакки, улуғ ўзбек мутафаккири Абу Райҳон Беруний X асрдаёқ ўзининг «Хиндистон» ва «Масъуд қонуни» асарларида ғарбий ярим шарда янсонлар яшайдиган қитъалар борлигини кўрсатган эди, яъни у Американи кўзда тутган эди. Дарҳақиқат, бу гипотеза XV асрнинг охирида (1492). Христофор Колумб томонидан исботлаб берилди¹.

Шундай умумий-иктисодий ва илмий-маданий юксалиш жараёнида табobat ҳам юксак даражага кўтарилди.

Феодализм даврида, маълумки, мамлакатлар ўртасида тез-тез урушлар бўлиб турарди. Шу муносабат билан жароҳатланган жангчиларни даволаш мақсадида дастлабки ғарбий касалхоналар ташкил этила бошланди. Сўнг аҳоли учун ҳам касалхоналар қурилди. Касалхоналар аввало йирик қарвон йўллари ва улар туташган жойларда, савдо-сотиқ кўпроқ ривожланган шаҳарларда очилди. Маълумки, Ўрта Осиё, Эрон ва бошқа шарқ ўлкаларида шаҳарлараро йўللар қум тепаликлар, саҳролар, тоғлар ва сувсиз чуллар орқали ўтарди. Савдогарлар ва сайёҳлар бу огир йўللардан ўтишда сувсизлик, жазирама қўёш иссиғи ҳамда чарчоқ натижасида кўпинча турли касалликларга йўлиқар эдилар. Шундай беморларни жойлаштириш ва уларни даволаш учун қарвон йўллари ўтган шаҳарларда кичик-кичик шифохоналар ташкил этилди. Кейинчалик улар йирик касалхоналарга айлантирилди. Ҳеч ким йўқ, ғариб-ноғирлар учун ғарибхоналар ташкил этилди. Касалхона ва ғарибхоналарда шаҳарнинг тибб аҳолиси ҳам даволаниш имкониятига эга эди. Шундай қилиб, кўпгина шаҳарларда анча-мунча йирик касалхоналар пайдо бўлди. Бундай касалхоналарнинг ўша вақтда Богдад, Дамашқ, Ҳамадон, Рай, Бухоро, Самарқанд, Марв, Ҳазна, Астербод ва бошқа шаҳарларда мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор.

¹ Берунийнинг бу асарлари европа тилига (лотинчага) таржима қилинган эди. Христофор шунга суяниб, Америка томон йўл олган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Масалан, Самарқандда Иброҳим Тамғачхон ҳукмронлик қилган даврда (XI аср) унинг буйруғи билан жамоат касалхонаси қурилган. Касалхона вақф ерлар ва устахоналардан келадиган даромад ҳисобига сақланган. Иброҳим Тамғачхоннинг фармони билан бир карвон сарой, ноивойхона ва шаҳардаги икки ҳаммомдан тушган даромад касалхона харажатлари учун ажратилган. Касалхонага яқин жойда мадраса бўлган. Унда диний ақидалар қаторида дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. Эҳтимолки табобат илми ҳам ўқитилгандир, зеро мадрасанинг касалхонага яқин жойда бўлиши шунини тақозо қиларди. Мадрасада ўқийдиган талабаларга, уларнинг имтиҳонлардан қандай баҳолар билан ўтишларига қараб, 30 дирҳамгача маош тўланган.

Вақф ёрлиқларида кўрсатилишича касалхона шаҳарнинг шарқ-жапубий қисмида (ҳозирги Сузангарон кўчасида) жойлашган. Касалхона кўп хоналардан (палаталардан) иборат бўлиб, ҳовлиси катта ерни эгаллаган. Бизни айниқса қизиқтирган нарсаси шунки, касалхонага ажратилган маблағ аниқ қисмларга бўлиб қўйилган. Масалан, умумий маблағдан 10 қисми табибларга тўланадиган маош учун, 8 қисми табиб ёрдамчилари учун, 15 қисми бинолар ремонтини ва уларга керак нарсалар учун, 5 қисми ўтинлар, кўмир учун, 3 қисми ошпазларга маош учун, яна 3 қисми сабзи, пىёз ва шу кабилар учун, 2 қисми бўйра-палас ва бошқа аякомлар (курпа, ёстиқ) учун, 5 қисми фаррошлар учун ажратиб қўйилган. Беморларга тайёрланадиган овқат учун ҳар кунининг маҳсулотлар (гўшт, тухум, сут, қаймоқ, сабзавотлар) сотиб олишга умумий маблағдан 8 қисми ажратилган. Қизиги шундаки, бу ерда гўрковлар ҳам эсдан чиқарилмаган. Улар учун маблағнинг 3 қисми ажратилган. Афтидан, касалхонада улган мусофир-гарпбларни кўмиш касалхона зиммасига юкланган.

Касалхона харажатларидан ортган 23 қисм маблағ унга яқин жойда жойлашган жомий масжидига бериб турилган. Шунга ўхшаган жамоат касалхонаси Ғазна

шаҳрида Султон Маъсуд (Султон Маҳмуднинг угли) даврида қурилган. Касалхонага уша вақтнинг кўзга кўринган табибларидан бири Абу Ҳамид Нахший раҳбарлик қилган. Маълумотларга кўра, Нахший Абу Райхон Берунийнинг оғир касаллиқдан операция қилиб тузатган (Бу вақтда Беруний Ғазнада яшар эди).

Ўрта асрда тез-тез бўлиб турган урушлар ва халқларнинг мамлакатлардан-мамлакатларга силжиб юриши натижасида эпидемиялар тарқалиб турарди. Шу муносабат билан юқумли касалликларнинг олдини олиш зарурати пайдо бўлган. Бундай тадбирлардан бири сифатида юқумли касаллик билан оғирган деб шубҳа қилинган беморни алоҳида хонага ётқизиб, унга шу жойнинг ўзида даво чоралари уюштирилган. Шундай йўл билан ҳам касалхоналар пайдо бўлган.

Касалхоналарда беморлар касаллиқнинг қандайлиги ва бемор аҳволининг оғир-сигилигига қараб алоҳида-алоҳида хоналарга ётқизилган. Масалан, кўз касаллиги билан оғирганлар, центмали касалликлар билан оғирганлар учун алоҳида хоналар ташкил қилинган. Айрим шаҳарларда махсус жамоат медицина назорати мавжуд эди. Масалан, ҳар бир шаҳарда шу шаҳардаги табобат ишларининг назорат қилиб турувчи маъмурий шахс — «шаҳар табиби» бўлган. Шаҳар табиби шаҳардаги шифохоналар ва дори-дармон тайёрловчилар ва сотувчилар устидан назорат қилиб турган. Бундан ташқари, у табиблик билан шугулланувчи кишилар ва дори тайёрловчиларининг билимининг текшириб, уларнинг билим ва тажрибаси етарли бўлса табиблик билан шугулланишга руҳсат берар эди.

Янги касалхоналар очилиши ва табибларга бўлган эҳтиёжнинг ошиши уларни кўпроқ тайёрлашни тақозо қиларди. Шу муносабат билан йирик шаҳарларда медицина мактаблари ташкил қилина бошланди. Шундай мактаблардан бири V асрда Эроннинг Хузестон вилоятида ташкил қилинган Иқундишоноур (Гундишоноур) медицина мак-

таби эди. Бу мактабдан кўзга кўринган йирик табиблар етишиб чиқди.

Табобат тарихчиларининг таъкидлашича, медицина мактабларида ўқитиш ишлари анча юксак даражада олиб борилган. Талабалар учун ҳар хил дарсликлар ҳам чиқарилган.

Талабалар ўқишни тугатганларидан сўнг имтиҳон топширганлар. Имтиҳондан муваффақиятли ўтган ва етарлича билим ҳамда тажриба орттирган талабаларга мустақил равишда табиблик қилиш ҳуқуқи берилган.

Шундай қилиб, шарқ мамлакатларида яшаган табибларнинг билим ва тажрибалари анча юксак даражада эди. Хусусан, шарқ табиблари касалликнинг моҳияти ва қиёсий диагностика масаласида муҳим ютуққа эришганлар. Ғарб меҳиклари бу масалада етарли маълумотга эга эмас эдилар.

Шарқ табобатида ишлатиладиган дори-дармонларнинг турлари анча кўп бўлган. Бу ерда кўпгина янги дори-дармонлар ишлатилган. Масалан, камфора, мускус, сано (маккайи сано), ялпиз, симоб, кумуш тузлари, азот, гурт, хлорид кислоталар, уларнинг тузлари шулар жумласидан. Дориларни тайёрлаш, сақлаш ва ишлатиш ҳақидаги фан—фармакопея ҳам биринчи бўлиб Шарқда пайдо бўлган.

Ўрта аср шарқи табобатининг ютуқларидан бири ихтисослашиш бўлди. Бу даврга келиб касалликларнинг моҳиятини чуқур ўрганиш натижасида табиблар айрим касалликлар бўйича ихтисослаша бошладилар. Масалан, кўз касалликлари, тери касалликлари, жарроҳия ва ички касалликлар бўйича мутахассислар ажралиб чиқди. Кўз касалликлари соҳасида жуда моҳир мутахассислар бор эди. Масалан, машҳур каххол (окулист) Абу Ҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад Табар ва ибн ал-Ҳайтам шундай йирик мутахассис эди.

Маълумки, мусулмон шарқи мамлакатларида мурда жасадини ёриб текшириш маъ қилинган эди. Шу сабабли,

Ўрта Осиё ва қўшни мамлакатлар табобатида одам анатомияси етарли ўрганилмаган. Одам анатомиясини ҳатто расмлар орқали ўқитиш ҳам мумкин эмасди. Шунга кўра, хирургия кенг ривож топмади. Шарқда аёллар касалликларини ўрганиш ва даволаш ҳам яхши ривожланмаган эди. Лекин шунга қарамай, айрим табиблар одам танасининг тузилиши, жарроҳия ва акушерлик-гинекология соҳасида катта муваффақиятларга эришдилар. Масалан, йирик жарроҳлардан Абул Қосим ибн Аббос ал-Заҳравийни кўрсатиш мумкин. У асарларида ўзи амалга оширган жарроҳлик операциялардан кўпгина мисоллар келтиради. Жарроҳияга бағишланган асарларда жарроҳлик асбоблари ва қуролларнинг расми келтирилган. Ҳолбуки, бундай асбобларнинг расми ўша замондаги европалик муаллифларнинг китобларида ҳам учрамайди.

Шуниси диққатга сазоворки, аёл беморларни операция қилиш зарур бўлиб қолса, бу ишни тажрибали табиблар кўл остида аёл киши амалга оширар эди. Умуман аёл табиблар ҳам анчагина бўлган. Булардан энг машҳури Зайнаб исмли олима-табиб эди. Бу табиб-аёл анча моҳир жарроҳ бўлган. У ҳар хил жарроҳлик операциялари қилишда, жумладан кўз касалликларини жарроҳлик йўли билан даволашда катта муваффақият қозонган.

Шундай қилиб, Ўрта аср шарқ табобати жуда ривожланди ва кўл жипҳатдан етакчи роль ўйнади. Бу даврга келиб антик Рим ва юнон табобати ўз аҳамиятини анча йўқотган эди.

Ўрта аср шарқ табобати уйғониш даври табобатининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди. Бу ҳақда кўзга кўринган совет медицина тарихчиси М. П. Мультановский шундай ёзган эди: «Ўрта аср шарқ табобати уйғониш даври прогрессив табобатини бойитди ва унинг қимматбаҳо манбаларидан бири ролинини ўйнади»¹.

Маълумки, табобатининг негизини одам организмнинг

¹ Мультановский М. П. История медицина. М., 1961 й., 78-бет.

тузилишини ўрганиш ташкил этади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, қуръоннинг маънавиятига қарамай айрим табиблар мурда жасадини ёриб, анатомик текширишлар олиб боргани ҳақида маълумотлар мавжуд. Бунинг натижасида баъзи олимлар анатомик кашфиётлар ҳам қилганлар. Масалан, машҳур Ўрта аср табиби Абу Бакр Розий одам эмбрионининг спидик нули (*Urachus*) ни биринчи бўлиб кўрсатиб берган. Бундан ташқари, у биринчи бўлиб *p. intratrachealis* ни топди. Абу Али ибн Сино эса биринчи бўлиб кўз мушакларини жуда тулиқ ва мукаммал тасвирлаб берди.

Табобат илмининг энг муҳим масалаларидан бири касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашдан иборат. Бу масалада Ўрта аср шарқи олимлари гуморал тушунчага асосланганлар. Бу тушунчага биноан ҳар қандай касаллик аввало киши организмидagi суяқ моддаларнинг ўзгаришидан бошланади. Одам организмидa турт хил суяқ модда—қон, сафро, шиллиқ ва қора ўт мавжуд, деб фараз қилганлар. Бу тушунча бутун борлиқ туртта самовий элементдан (ер, сув, ҳаво, олов) иборатдир, деган бизга маълум фалсафий назарияга асосланади. Шу фалсафий назарияга асосланиб, табиблар одам организм ҳам турт элементдан ташкил топган, деб фараз қилганлар. Табибиётдаги турт космик элементга мос равишда организмда туртта суяқлик бўлади, деб ўйлаганлар. Ўрта аср шарқ табибларининг фикрича, умуман бутун аъзолар (скелет, мускуллар, жигар, талоқ, миёна ва ҳоказо) шу турт элементдан ташкил топган. Бу элементлар одам организмга асосан турли овқатлар сифатида тушади. Кисмин меъдадан шимилиб, қонга ўтади ва қон орқали бутун гавдага тарқалиб, мускуллар, пички аъзолар, суяк, миёна ва бошқаларни ташкил этади. Биз юқорида қадимги хитой ва япон олимларининг табибиётда ҳам, одам организмидa ҳам, турли қарама-қарши кучлар мавжуд бўлиб, улар доимо бир-бирига таъсир этиб туради, деган фикрини айтиб ўтган эдик. Ўрта аср шарқ медицинасида ҳам

шундай тушунча тарқалган эди. Масалан, Ўрта Осиё табиблари, жумладан Ибн Синонинг ўзи ҳам одам организмда бир-бирига қарши таъсир этиб турувчи туртта куч (мизож) мавжуд, деб тушунган. Булар «иссиқлик», «совуқлик», «қуруқлик», «намлик» музожларидир. Аслини олганда бу тушунчанинг асоси бир. У қарама-қаршиликлар бирлиги ҳақидаги фалсафий тушунчага мос келади.

Ўрта Осиё табобатида кўпроқ пички мизож—«иссиқлик» ва «совуқлик» ҳақида сўз боради. Табибларнинг айтишича, мизож фақат одам организмга мансуб бўлмай, балки киши истеъмол қиладиган овқат моддалар ва ҳатто дориларга ҳам хос хусусиятдир. Уларнинг фикрича, иссиқлик ва совуқлик овқатлар, иссиқлик ва совуқлик дорилар бўлади. Шунга асосан, беморни даволашда аввало шу мизожни эътиборга олиб дори беришган. Масалан, агар касаллик иссиқлик мизожини олиб кетишдан пайдо бўлган деб топилса, совуқлик хусусиятига эга бўлган дори беришган ва аксинча, касаллик совуқлик олиб кетишдан келиб чиққан деб топилса, иссиқлик хусусиятига эга бўлган дорилар билап даволанган. Шунингдек, беморга бериладиган овқатни ҳам касаллик мизожини ҳисобга олиб тавсия этилган. Мизожларнинг мувозанати бузилишини касалликларнинг келиб чиқишида асосий омил деб тушунганлар. Мувозанатнинг бузилиши, яъни улардан бирининг еки бир нечасининг устун келиб қолиши сабабига келганда, бу одам организмга ноқулай иқлим, об-ҳаво, ёмон овқат, оғир жисмоний меҳнат, шомол тегishi (шамоллан) таъсирида вужудга келади, деб фараз қилганлар. Касалликларнинг келиб чиқишида бу омилларнинг таъсири ҳақидаги фикр умуман тўғри.

Шундай қилиб, Ўрта аср шарқ табобати касалликларнинг келиб чиқиши сабаби масаласида мизожлар назариясига асосланган. Касаллиқнинг ривожланиши ва касаллик вақтида организмда руҳ берадиган ўзгаришлар масаласида эса дискразия тушунчасига асосланганлар. Бу тушунчага кўра касаллик вақтида организмда маълум турт-

та суюқликдан бири ёки бир нечтаси бузилади. Шунинг учун барча шарқ табиблари беморни даволашдан олдин шу бузилган рутубатни (суюқликни) чиқариб юбориш мақсадида касал кишига сурги дори берганлар ёки қон олганлар. Бундан ташқари, қайт қилдирувчи дорилар ҳам берганлар, хўқна (клизма) ҳам қилганлар. Шу мақсадда баъзан зулук солиш тавсия этилган. Шундан сўнггина беморни даволашга киришганлар. Суюқликлардан саффо (жигар ўти) ва шилликча (балғам) алоҳида эътибор берилган. Табибларнинг фикрича, ички аъзолар касаллигида саффо бузилади ёки ошиб кетади. Шамоллаш касалликларида эса шиллик (назла-балғам) бузилади ёки ошиб кетади. Қонга ҳам эътибор берганлар, масалан, руҳий касалликлар ва тутқаноқ касалликларида қон бузилади. Шунинг учун бундай ҳолатларда табиблар албатта қон олишни буюрганлар.

Ўрта Осиё табобатида дори ўсимликларидан жуда кенг фойдаланилган. Ибн Сино даврида 800 дан ортиқ турли дори-дармонлар маълум бўлган. Дорилар турли шаклда — қайнатма, томчи, эритма, талқон (порошок), суртма дори сифатида ишлатилган. Дориларни қабул қилиш усуллари ҳам турлича бўлган (ичиладиган, тил тагига қўйилладиган, териға суртиладиган, хўқна қилиш, бурнаки қилиш, кўзга томпиш ва ҳоказо).

Даво чоралари ҳам турлича бўлган. Жароҳатларни боғлаш, чиққан, синганларни ўз жойига тушириш, аъзодан ёт нарсаларни олиб ташлаш, куйдириш (масалан, бавосилга чўддек қизигап темир босиш), риштани бадандан чиқариб олиш, йиринг йиғилган жойни кесиш, қон олиш, зулук солиш, қориқ солиш ва ҳоказо. Қовуқдан тош олиш, кўз катарактасини операция қилиш каби баъзи бир мураккаб операциялар ҳам қилинган. Ўрта асрда ёзилган табобат китобларида доялик ва аёллар ҳамда болалар касалликлари ҳақида ҳам маълумотлар берилади. Бинобарин, Ибн Сино даврида Ўрта Осиёда илмий-амалий медицина анча юксак даражада ривожланган эди.

Ўрта Осиёда илмий медицина қаторида халқ табobati ҳам кенг тарқалган эди. Халқ табobati вакиллари ўзларининг эмпирик тажрибаларига асосланиб, баъзан касалликларни тўғри аниқлаганлар. Масалан, ўзбек халқ табobatiда қизамиқ, босқи, милкак, ел, бўғма, оғиз оғриғи, чиллашир касалликлари маълум бўлган. Бундан ташқари, баъзи тери касалликлари — темиртки, қўтир, кал, гуш (экзема), ҳасмол, меъда касаллиги (гастрит), сариқ касаллиги, зотилжам ва бошқалар ҳақида ҳам тўғри тушуничага эга бўлганлар. Ўзбек халқ медицинаси ўша даврда ўлкамизга хос бўлган касалликлар — ришта, безгак, чечак, ёмон жароҳат, қора оқсоқ (бруцеллёз) ни билар эди. Бу касалликларга қарши даво чоралари ҳам ишлаб чиқилган эди.

Касалларни асосан туркана дорилар билан даволаганлар. Туркана дорининг асосини ҳар хил ўсимликлар ва қисман минерал моддалар ташкил этган. Халқ табobatiда ишлатилган дориларнинг хиллари ҳам кўп бўлган, масалан, анор пўчоғи қайнатмаси, ровоч, ялғиз, отқулоқ, исирик, жийда, наъматак, аччиқ дамланган чой ва бошқалар қўлланилган. Минерал моддалар ва кимёвий бирикмалар: симоб, гугурт, новшадил, ҳайвон маҳсулотлари ҳам ишлатилган. Чунончи, яллиғланиб қизарган жой (чипқон)га ёки ҳасмол чиққан бармоққа қўйининг думбасидан кичик бўлак кесиб олиб, иситиб қўйилган. Куйдиргини куйдириш усули билан даволанган. Халқ табиблари айрим касалликлар бўйича мутахассислашган эдилар. Масалан, ўша даврда ришта чиқарувчилар, қон олувчилар, (булар зулук ҳам солардилар), тиш олувчилар, тери касалликларини даволовчилар, чиққан-синганни даволовчилар (шикастбандлар), силоқчилар ва доялар, хатна қилувчи сартарошлар бўлган.

Бу ерда яна шуни айтиш керакки, халқ ўзининг кўп асрлик тажрибаси асосида бир қанча гигиеник қондаларни ишлаб чиққан. Ўзбек ҳаммомлари бу борада алоҳида ўрин тутди. Ҳаммомда ювиниш, озодалик тадбири бўли-

ши билан бирга саломатлик учун катта аҳамияти борлигини яхши билардилар. Дарҳақиқат, ҳаммомда ювиниш, айниқса унинг иссиқ хонасига кириб, яхшилаб буғланиб терлаш саломатлигини мустаҳкамлашнинг энг муҳим тадбирларидан бири эканлиги маълум. Ҳаммомларда ходимчилар (массажистлар) бўларди. Улар маълум система ва қонда билан бошдан оёқгача массаж қилардилар. Ўзбек халқи оғизни чайиш, овқат ейишдан олдин қўлини ювини, соч-соқолини ва бошқа жойдаги жўнни қириш каби гигиеник одатларга қатъий риоя қилган. Бироқ чуқур тиббий билимга эга бўлган тажрибали табиблар жуда оз бўлган. Шу сабабли, кишичи, дуохон, фолбишлар ҳам кўп бўлган. Буларнинг даво чоралари асосан, гўёки одам ичига кириб олган ҳар хил алвасти, ипсу жинс ва шу каби жоҳил махлуқларни «ҳайдаб юборишдан» иборат бўлган. Авранг усули кўпроқ бирор заҳарли ҳайвон (илон, чаён) чаққанда ишлатилган. Иситмали касалларни «амас-алас» қилганлар. Яъни касал кишини ёниб турган гулхан устидан сакратганлар.

Кучирик усули чолғу (дўмбира, чирмаңда) чалиш йўли билан «жоҳил махлуқни» унга ялиниб-ёлвориб ёки дўқ қилиб ҳайдаб юборишдан иборат бўлган. Дуохонлар шу мақсадда «чилла-ёсин» усулини қўллаганлар. Бу усул кўрбондан айрим суралар ўқиш йўли билан алвасти ва шайтонларни ҳайдашдан иборат бўлган.

«Кўз тепиши» ёки «суқ кириши» натижасида қорни ёки бош оғриғи пайдо бўлганда киши солпишган.

Тери касалликларини (масалан, темиртки) даволашда ҳар хил оятларни (баъзан эса умуман ҳеч қандай маънога эга бўлмаган сўзларни) шу терининг касалланган жойига сиёҳ билан ёзганлар. Маълумки, сиёҳ таркибда темир ва бошқа элементлар бор. Шунинг учун бу «дуолар» қисман фойда ҳам келтирган.

Ички касалликларни даволашда бундай дуолар бирор чинини идиш (лиёла, ликобча) ичига ёзилган. Беморга шу ёзувни чайиб ичирилган.

Ўрта Осиёда афсунгарлик ва париховлиқнинг энг қадимги усули—ишомонлик ҳам тарқалган эди. Бу усул чирмаңда чалиб дуо ўқиш, афсуни қилишга асосланган. Ўз-ўзидан маълумки, баъзи касалликларда (масалан, туш-хушликда) беморнинг руҳига шу йўл билан таъсир қилиш маълум даражада фойда келтиради.

Абу Бақр Розий табобатдан мутлақо беҳабар бўлгани ҳолда касалларни билар-билмас даволаб юрган ва кишиларнинг соғлиғига зарар келтирган «табиблар»ни ўз вақтида очиб фош қилиб ташлаган эди. У бундай деб ёзган эди: «Фирибгар-табибларда гўл одамларни алдаш учун ишлатиладиган ҳийла-найрашлар шу қадар кўпки, уларни ҳатто бутун бир китобда ҳам баён этиб бўлмайди. Баъзилар тутқаноқ касаллигини даволаш учун беморнинг гардошини тиладилар. Бошқалар беморнинг бурун катакларидан ўзлари тайёрлаб қўйган парсаларни «чиқариб» оладилар. Яна бошқа бировлари эса беморга ўзлари олдиндан тайёрлаб, беркитиб қўйган бир бўлак оқ нардани кўрсатиб, уни спзнинг қўзиниғиздан чиқариб олдим дейдилар. Бировлар оғизларида сув беркитиб туриб, уни бемор қўлоғига қўйиб юборадилар ва қўлоғиниғиздан сув олдим, деб ишоптирадилар. Баъзилари эса ҳатто бемор қўлоғида ва тиш қавағидан қўрт, қумурсқалар «чиқариб» оладилар». Бемор тишининг тагини кесиб у ердан кичкина бақа боласини «тортиб» оладилар». Булар албатта олдиндан тайёрлаб қўйилган бўлади. Ҳатто шу даражага ҳам бориб етадиларки, беморни суяк ютиб юборган деб ишоптириб, уни қайт қилдирадилар. Бунинг учун бемор томоғини нарданда пати билан қитқилаб туриб унга кичик бир суякни ўзлари тиқиб юборадилар. Шундай йўл билан бу муттаҳамлар беморларнинг оғиз, томоқ, қўлоқ, бурун ва кўзларидан саноқсиз турли буюмларни «чиқариб» оладилар. Бу фирибгар-табиблардан баъзилари ҳаттоки қовуқдаги тошини ва бавосирини ҳам даволашга уришадилар. Лекин бунинг уддасидан чиқмай беморга ўзлари тайёрлаб қўй-

ган тошни кўрсатадилар. Ёки эса йўқ бавосирни «даволайман» деб беморга кўп азоб берадилар.

Шундай қилиб, **фирибгар-табибларнинг** ҳийла-пай-рангига ишонган бечора беморлар учун бу «даволаш» усуллари жуда қимматга тушган. Баъзилари эса бу «даволаш» чоралари натижасида ўлиб кетадилар»¹. Абу Али ибн Сино ҳам Абу Бакр Розий сингари халқ табобати усулларини синчиклаб текширган ва фойдали ҳамда зарarli томонларини аниқ фарқ қилган.

Ривоятларга кўра, Ибн Сино Жўржонга келганида шу шаҳарда беморнинг фақат сийдигини кўрибгина касалини аниқлаб берадиган табиб борлигини эшитади ва шу табибнинг олдига бориб, узоқдан туриб унинг усулини кўздан кечиради. Навбат чодрага ўралган бир аёлга келади. У индамай табибга ишпадаги сийдигини узатади. Табиб сийдикни кўздан кечириб, бундай дейди: «Бу аёл шаҳарнинг Паст маҳалласида яшайди, ўзи яҳудий миллатидан, у иккетар касаллигига дучор бўлган. Бунинг давоси нарҳез ва ич қотирувчи дорилардир». Ибн Сино ҳайрон бўлиб, одамлар сийраклашганидан сўнг табибнинг олдига бориб, унда қандай қилиб аёлни қайси маҳаллада яшагини, ўзи қимлигини ва касалини аниқлаб берганини сўрайди. Шунда табиб Ибн Синога тикилиб қолади ва бир озда сўнг: «Бошқаларга айтмас эдим, лекин улуг табиб Ибн Сино жанобларига айтаман»,— дейди. Ибн Сино бундан яна ҳам кўпроқ ҳайратга тушади. Бунинг сабабини табиб аста-секин тушуштириб беради: «Аввало менга шу нарса аён бўлдики, бу аёл озодаликка риоя қилмайдиган, искирт одам экан, чунки унинг сийдиги жуда ифлос эди. Сийдигида туқлар сузиб юрганини кўриб, мен бу аёлни яҳудий эканига амин бўлдим. Чунки мусулмон аёлларида туқ бўлмайди (уни юлиб танилайдилар). Яҳудийлар эса асосан Паст маҳаллада яшайдилар. Шундай қилиб, мен унинг қимлиги ва қай ерда яшагини осон аниқладим. Энди касалига келсак, аёлни сийдигига ахлат ара-лашган эди, унда иккетар касаллигида учрайдиган шилимшиқ мод-далар бор эди. Шунга асосан мен у иккетар касаллигига учрагани-гини аниқладим. Энди мен сизни қандай таниганим масаласига келсак, «мапа буни ўқинг»,— деб табиб Ибн Синога бир варақ ёзилган қоғоз беради. Ибн Сино ўқиб қараса, унда ўзининг тани-қи қиёфаси жуда батафсил кўрсатилган эди. Маълумки, Султон Маҳмуд Ибн Синони топиш ва уни куч билан бўлса ҳам ўз са-

ройига олиб келиш учун шундай варақаларни ўз айғоқчиларига тарқатиб, барча шаҳарларга жўнатган эди. Шулардан бир нусха-ни юқорда биз айтган табиб кўчириб олган эди. Ибн Сино вара-қани ўқир экан, рапги қув ўчиб кетади. Табиб: «Қўрқманг устоз, мен бу варақани сизни топиб олиш ва сиздан дарс олиш учун кўчириб олган эдим»,— деб уни тинчлатади¹.

(Ибн Синогача Ўрта-Осиё ва бошқа шарқ мамлакатла-рида кўнгина йирик табиблар яшаган. Улар ҳам Ибн Си-нонинг улуг табиб бўлиб шаклланишида ўз таъсирини кўрсатган. Шулардан бири машҳур Абу Бакр ар-Розий эди.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Закарийя ар-Розий (865—925) Эроннинг Рай шаҳрида туғилган. Лекин кўп вақт Хуросон ва Ироқда яшаган. Хуросонда у Абу Солиҳ Мансур ибн Исроқнинг саройида хизмат қилди ва ўз асар-ларидан бириш унга атаб, китобга «Китоб ат-тибб ал-Мансурий» («Мансурга бағишланган тиб китоби») деб ном берди. Тарихчиларнинг ёзишича, Розий дастлаб кимё (химия) илми билан шуғулланган, сўнг табобат илмини ўрганган.)

Абу Бакр ар-Розий кўп мамлакатларда яшадн, бир қанча ҳукмдорлар қўлида сарой табиби бўлиб ишлади. Бир қанча вақт Боғдоддаги машҳур Адудий касалхонаси-да бош табиблик вазифасини бажарди. Бу касалхона қу-рилишида Розийнинг ўзи қатнашган эди. Розий касал-хонада беморларни даволаш ишини жуда юксак даражага кўтарди. Бу ерда бемор устидан доимо текшириш ишлари олиб бориладн, ҳар бир касалликнинг белгилари, унинг кечилиши ва натижалари кузатиб бориладн. Бунинг нати-жасида турли касалликларнинг сабаблари, кечилиши ва оқи-бати ҳақида хулоса чиқарилар ва уларни умумлаштириб, муҳим қоидалар ишлаб чиқиларди.

Шуниси муҳимки, Розий шу касалхонада шарқ табо-

¹ Абу Али ибн Сино ҳақида ёзилган жуда кўп китоб ва рисо-лаларда Султон Маҳмуд Ибн Синонинг расмини тарқатган деб кўрсатилади. Бу тўғри эмас, чунки мусулмон дини тирик жон-ворнинг, айниқса, одамнинг расмини чизишни қатъиян ман этган.

¹ Freind, Hist. de la medicine, per Coulet, Leiden. 1727, II. p. 33.

батида биринчи бўлиб, ҳар бир бемор учун «касаллик тарихи» тузишни жорий қилди.

Баъзи маълумотларга кўра, Розий бир қанча вақт Бухорода ҳам яшаган ва бу ерда Муҳаммад ибн Йунус исмли шогирди ҳам бўлган.

Розий табиб ўз билим ва тажрибасини ошириши учун беморларни сичиклаб кўздан кечириш ва текширишдан ташқари, ўздан илгари ўтган табибларнинг асарларини қўнт билан ўргатиш керак, деб ўқтиради. У бундай деб ёзган эди: «Мингларча табиблар мингларча йиллардан бери табобат илмини такомиллаштириш устида меҳнат қилганлар. Шунинг учун қимки ўтмишдаги табибларнинг асарларини қўнт билан ўқиб ўрганса, у ўзининг унча узоқ бўлмаган ҳаёти давомида минг йиллаб беморлар кетидан югуриб юриш натижасида орттирган тажрибасидан кўра кўпроқ нарсани кашф этади»¹ ва Розий ўз фикрини давом эттириб таъкидлайди: «Табибнинг билими фақат ўқини билангина эмас, балки ўқиган нарсаларини мулоҳаза қилиш ва улардан керакли хулоса чиқариш билан такомиллашади»².

Розий қадимги Шарқ ва Ғарб табибларининг асарларини қўнт билан ўргатди. У Гипократ, Гален, Сушрута, Орибазийларнинг асарлари билан чуқур таниш эди. Розий бу буюк олимларнинг асарларини умумлаштирди. улардаги энг муҳим хулосаларни ўз тажрибалари билан бойитди.

Шуниси муҳимки, Розий табобат фақат беморларни даволаш билангина чекланиб қолмай, аҳолини соғломлаштириш иши билан ҳам шуғулланиши керак деб ўқтиради. Бу фикр бизнинг ҳозирги замон медицинамизга тамоман мос келади. У шифохоналарни кўпайтириш, беморларни касалхона шароитида даволаш ишини кўпроқ ривожлантириш зарурлиги ҳақида қайғулар эди.

¹ Freind, Hist. de la medicine, per Caulet, Leiden, 1727, II. p. 33.

² Шун жойида.

Касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари масаласида Розий ўз замонасида ҳукмрон бўлган гуморал назариясига асосланарди. Касаллик ҳолатининг моҳияти ҳақида у дискразия тушунчасида эди. Яъни, турли касалликларда организмнинг суяқ қисмлари ўзгаради, деган тушунчани эътироф этар эди. У касаллик пайдо бўлишида асосий ролни таниқ табият омиллари—иқлим, ҳаво, йил фасли, кишиларнинг яшаш шароити, овқатланиш усуллари ва бошқалар ўйнайдиган деб ўқитган эди.

Шарқ табобатида кенг тарқалган диагностика усули бемор томирини ушлаб кўриш бўлган. Розий ҳам бу усулни жуда мукаммал билар эди. У томир уришини фақат касаллик ҳолатидагина эмас, балки турли эмоционал ҳолатларда ҳам ўзгартирилиши яхши билган. Бундан ташқари, томир уриши кишининг ёши, жинси ва бошқа ҳолатларига қараб ҳам турлича бўлишини кўрсатган.

Абу Бакр Розий жуда катта илмий мерос қолдирган. Табиб ва тарихчи ибн Абн Усайбанинг берган маълумотига кўра, Розий 236 та асар муаллифидир. Шулари кўпи табобатга оид. Булардан бизга маълумлар қуйидагилардир. «Китоб ал-хави фит-тибб» («Мукаммал табобат китоби»). «Китоб ат-тибб ал-Мансурий» («Мансурга бағишланган табобат китоби»), «Китоб ал-жадари ва ал-ҳисба» («Чечак ва қизамиқ ҳақида китоб»). Булардан ташқари, Розийнинг «Табобатдан ҳикматли сўзлар», «Табобат тўнлами», «Касалликларнинг турлари», «Табобатдан подир китоб» ва «Қамбағаллар табobati» номли асарлари бўлган. Абу Бакр Розий ўзининг «Қамбағаллар табobati» номли китоби ҳақида сўзлаб, бундай дейди: «Етарли сармоисин бўлмаган беморлар кўпинча ҳар хил тасодифий шахсларга мурожаат қилишга мажбур бўладилар. Лекин улардан ҳеч қандай наф қурмайдилар. Шунинг учун оддий халқ ўқиб, фойдалансин деган мақсадда шу китобни жуда содда, ҳар ким тушуна оладиган қилиб ёздим. Бу китобда кўпроқ учрайдиган касалликлар ва уларни осон даволаш чораларини баён этдим»,— дейди.

Абу Бакр Розийнинг табобатга оид китоблари орасида энг муҳимлари учтадир. Булар «Мукаммал табобат китоби», «Мансурга бағишланган табобат китоби» ҳамда «Чечак ва қизамиқ ҳақидаги китоб»дир. «Мукаммал табобат китоби» (буни кўпинча «Ал-ҳави» деб юритилади) 25 жилдан иборат бўлиб, у табобат илмининг барча соҳаларини ўз ичига олади. Китобда қадимги олимларнинг фикр ва мулоҳазалари умумлаштирилган ва Розийнинг ўз тажрибалари билан бойитилган.

«Мансурга бағишланган табобат китоби» ўн том (китоб) дан иборат. Бу асарда ўша вақтда маълум бўлган табобат билими ва тажрибасининг энг муҳим соҳалари баён этилган. Биринчи китобда одам организмнинг тузилиши (анатомия) баён этилган. Иккинчиси, табобатнинг назарий масалаларига бағишланган. Учинчисида диететика (парҳез) ва дори моддалари ҳақида мукаммал маълумот берилади. Тўртинчи китобда гигиеник қоидалар ва уларнинг соғлиқни сақлаш учун аҳамияти кўрсатиб берилган. Бешинчи китоб косметикага бағишланган. Олтинчи китобда сайёҳларга йўлда саломатликни сақлаш чоралари ҳақида маслаҳатлар берилади. Еттинчи китоб жарроҳияга бағишланган. Саккизинчи китобда турли заҳарланишлар ва уларга қарши чоралар баён этилган. Тоққизинчи китобини патология дарслиги деса бўлади. Бунда турли касалликларнинг белгилари, уларни аниқлаш ва даволаш усуллари жуда муфассал баён этилган. Бу китоб Розийнинг ўзи тирик вақтидаёқ юқори даражада баҳолашган эди. Китоб «*Notus Almanzorins*» номи билан Европа мамлакатларида катта шухрат қозонган. Учинчи китобда иситмалли касалликлар баён этилган. Умуман бу асарни табобат қомуси деса бўлади.

Абу Али ибн Сино табобат илмини ўрганишга киришиб, бошқа китоблар қатори биринчи ўрида Розийнинг асарларини ўқиб чиққан. Ибн Сино ўз асарларида кўп жойда Розийни эслаб ўтади. Ибн Сино «Ал-ҳави» ни айниқса синчиклаб ўқиганлиги маълум. Бинобарин, Абу

Али ибн Синонинг табиб бўлиб шаклланишида Розийнинг таъсири катта бўлган.

Абу Али ибн Синонинг тақдирда маълум роль уйнаган олимлардан бири Абу Мансур Қамарий (Қумрий) эди.

Абу Мансур Хасан ибн Нух ал-Қамарий (бу олим Абу Мансур Бухорий номи билан ҳам маълум) табобат соҳасида кенг ва чуқур маълумотга эга бўлган. Бу олим Ибн Синодан олдин Бухорода сарой табиби бўлиб хизмат қилган. Баъзи маълумотларга кўра Ибн Сино Қамарийдан дарс олган, унинг табобатдаги тажрибасини ўрганган, ёзган асарларида ундан фойдаланган. Қамарийнинг табобатга оид «Касаллар ва касалликлар ҳақида», «Оддий дори-ларнинг катта тўплами», «Қуқрак қафаси органлари касалликларининг давоси ҳақида рисола», «Истиско касаллиги ҳақида мақола» номли асарлари бўлган.

Абу Мансур Қамарий қадимги Шарқ ва Ғарб машҳур табибларининг асарлари билан таниш бўлган. Чунки у ўз асарларида ўша олимларни кўп жойда эслаб ўтади. Масалан, Қамарий қадимги олимлардан Гиппократ, Гален, Сушрута ва Розийларни тилга олади.

Абу Мансур Қамарийнинг яна «Ғино ва муно» номли асари ҳам маълум. Қамарий бу асарда ўша вақтда маълум бўлган касалликлар, уларни аниқлаш ва даволаш чораларини баён этади. Асар уч қисмдан иборат. Биринчи қисмида ички органлар касалликлари ва уларга даво қилиш кўрсатилган. Иккинчи қисмда сиртқи органлар (тери) касалликлари, учинчисида эса, иситмалар баён этилган.

Абу Али ибн Синога таниш бўлган машҳур табиблардан яна бири марвалик олим Али ибн Раббон ат-Табарий (808 йилда туғилган). Бу олим ҳақида бизда етарли маълумот йўқ. Табарийнинг табобатга оид «Фирдавс ал-ҳикма» («Донолар жаннат боғи») номли асари маълум, холос. Бу китоб ўрта осийлик табиблар ўртасида кенг тарқалган.

қалган эди. Абу Али ибн Синонинг ҳам бу китобдан етарли фойдаланганлиги маълум.

Абу Али ибн Синога ўз таъсирини кўрсатган олимлардан яна бири Али ибн ал-Аббос ал-Мажусий ал-Ахвазийдир. Бу табиб Ироқда яшаган ва машҳур Адудий (Адуд ад-Давла) касалхонасида ишлаган. Ибн Синонинг яқин ўтмишдошларидан Жабрил ибн Бухтейшу (Бахтишу), Ибн Масавайх, Хуейн ибн Исҳоқ, ал-Жаҳиз каби олимларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Жабрил ибн Бухтейшу ва Ибн Масавайх манихур Жундишопур медицина мактабининг кўзга кўринган намойендаларидан эди. Ибн Масавайхнинг муҳим хизмати шундаки, у антик давр медикларининг асарларини таржима қилиб, кенг тарқатди. Хуейн ибн Исҳоқ ҳам таржимон эди. Улар Гиппократ, Гален, Цельс каби юнон ва рим олимларининг медицинага оид асосий асарларини таржима қилдилар. Шу туфайли ўрта аср шарқ табиблари, шу қаторда Ибн Сино ҳам антик табобати билан танишини имкониятига эга бўлганлар.

Абу Али ибн Синонинг замондошлари қаторида ҳам кўзга кўринган йирик табиблар оз эмас эди. Булардан Абу Саҳл Масихий, Абул Хайр Ҳаммор, Шарафуддин Абу Абдуллоҳ Илоқий (Айлоқий) каби олимларни келтириш мумкин.

Абул Хайр Ҳаммор ўз замонасининг йирик табибларидан эди. У Хоразмда шох саройида сарой табиби бўлиб хизмат қилган. Шарафуддин Абу Абдуллоҳ Илоқий асли ўзи тошкентлик эди. У Тошкент яқинидаги Овлин қишлоғида туғилган (туғилган йили маълум эмас, 1068 йилда вафот этган). Олимнинг тулиқ номи Шарафуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал-Илоқий (Айлоқий)дир. Илоқий дастлаб Тошкентда, сўнгра Бухорода таҳсил қилган. Илоқий Ибн Синонинг шогирдларидан бири бўлган. У Хоразмда ҳам яшаган бўлса керак, чунки унинг номини Хоразмдаги олимлар жамияти — «Маъмур академияси» аъзолари рўйхатида учратамиз.

Илоқийнинг табобатга оид қўлгина асарлар ёзгани маълум. Лекин улар бизгача етиб келмаган. Бизга маълумлари «Китоб ал-асбоб вал-аломат» («Касалликларнинг сабаблари ва белгилари ҳақида китоб»), «Қўллийети тибби Илоқи» («Илоқийнинг тиббий ҳақидаги тўплами»), «Фусули Илоқи фи қўллийети тибб» («Табобат ҳақидаги тўпландан кучирма»), «Муолажатп Илоқи» («Илоқийнинг дало усуллари»), «Мухтасар ал-қонун» («Қисқартirilgan қонун»). Бу китоб «Мухтасар ал-Илоқи» («Илоқий қисқартмаси») номи билан ҳам маълум.

Шарафуддин Абу Абдуллоҳ Илоқий ўз даврининг йирик ва тажрибали ҳакимларидан бўлган. У ўз билими ва тажрибаси билан Ибн Синодан қўлишмаган. Илоқий Ибн Синонинг «Ал-Қонун» китобини фойдаланишга осон қилиб қисқартирган ва ундаги энг муҳим бобларни ихчам қилиб тушунарли ифодалаган. Шу туфайли, Илоқийнинг бу китоби кенг тарқалган ва табиблар ундан кўпроқ фойдаланишган. Олимнинг бошқа асарлари ҳам кенг мунаффақият қозongan. Булардан «Касалликларнинг сабаблари ва белгилари» ҳақидаги китоби алоҳида уриш тутади. Бу китобни ҳозирги замон ички касалликлар пропедевтикаси дарслигига таққослаш мумкин. Бу китобда Илоқий ички касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг белгилари ва диагностика (аниқлаш) усулларини жуда аниқ, қисқа ҳамда содда тилда баён этади. Шунинг учун унинг китоблари Абу Бакр ар-Розий ва Абу Али ибн Сино асарлари билан бир қаторда табиблар ўртасида кенг тарқалган эди. Абу Али ибн Сино замонасидаги ҳакимлар ҳақида сўз борганда Абу Райҳон Берунийни эслаб ўтмаслик мумкин эмас.

Абу Райҳон Беруний ўзи табиб бўлмаса ҳам, табобат илмида сезиларли нз қолдирган. У табобат илмига жуда қизиққан. Хусусан, Абу Райҳон Беруний фармакологияни, айниқса, доривор ўсимликларни яхши ўрганган. У дориларни китоблардангина ўрганиб қолмай, ўзи доривор ўсимликларни даладардан, тоғлардан қидириб тошган ва

уларни текширган. Бунинг натижасида Беруний доричилликка оид «Китоб ас-Сайдана фит-тибб» («Тиббий фармакогнозия китоби») номли катта асар ёзган. Берунийнинг уш ташкидлашича, бу китобни у Ғазнада, Муҳаммад ан-Нахший билан биргаликда ёзган.

Китобда мингдан ортиқ дорилар ҳақида тулиқ маълумот берилган. Унда ўсимликлар, минераллар ва ҳайвонлардан олинган дорилар тасвирлаб берилган. Беруний асарларининг муҳим томони шуки, унда дориларнинг номи уша даврдаги энг асосий тилларнинг ҳаммасида — араб, ҳинд, эрон, сўғдий, қадимги хоразм, сурин, турк ва япон тилларида берилади. Бинобарин, шу тилларда сўзловчи халқлар вакиллари бўлмиш табиблар бу китобдаги дориларни ўз тилларида ўқиб, ундан бемалол фойдаланиш имкониятига эга бўлганлар. Шундай қилиб, Абу Райҳон Беруний ўрта аср табобатининг хусусан доричиллик илмининг ривожланишида муҳим ҳисса қўшган.

Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўрта аср шарқ олимлари фаннинг кўп соҳаларини мукаммал эгаллаган эдилар. Кўпгина олимлар фаннинг бошқа соҳалари қатори табобат илмини ҳам урганганлар. Масалан, машҳур Ўрта аср файласуфи Абу Наср ал-Фаробий ҳам Беруний спигари табобат билан қизиқиб, «Назарий ва амалий табобат» номли асар ёзган.

Шундай қилиб, Абу Али ибн Сино яшаган мамлакатлар Осиё ва Эрон узоқ ўтмишда ҳам, Ибн Сино даврида ҳам фан ва маданиятнинг турли соҳаларида, жумладан, табобат илми соҳасида материалларга бой ва жуда ривож топган эди. Бу ерда қанчадан-қанча буюк олимлар, файласуфлар, табиблар, санъат ва адабиёт намояндalари ижод қилганлар. Ибн Сино даврига келиб антик дунё олимларининг барча асосий асарлари ҳам таржимма қилиниб тарқалган эди. Бинобарин, Ибн Синонинг зўр илмий қобилиятини ҳисобга олганда шу даврда унинг ҳақиқатан ҳам буюк олим ва табиб бўлиб етишгани учун барча зарур шароитлар мавжуд эди.

ИБН СИНОНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Абу Али ибн Сино унчалик узоқ бўлмаса ҳам, жуда шонли ҳаёт йўлини босиб ўтди.

К. Маркс ва Ф. Энгельс ўз вақтида Ибн Синонинг ижодига юксак баҳо берган эдилар. К. Маркс ўзининг «Немис идеологияси» асарида Ибн Синонинг номини ўрта асрнинг бошқа буюк олимлари қаторида тилга олади.

Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти уша даврда буюк жасорат эди. У гоҳ буюк давлат арбоби, гоҳ қувгинд бўлиб яшад.

Абу Али ибн Сино жаҳонда аввало буюк табиб сифатида танилди. Унинг ҳаёт йўли ва илмий фаолиятини ёритиш фақат тарихий аҳамиятгагина эга бўлиб қолмай, балки тарбиявий аҳамиятга ҳам эга.

Абу Али ибн Синонинг таржима ҳол олимнинг ўзи ва унинг шогирди Абу Убайд ал-Жузжоний¹ томонидан ёзиб қолдирилган. Ибн Абн Усайбанинг ёзишича бу маъба «Тарих аҳвол ан-Шайх ур-Раис» номи билан маълум. Унинг бир нусхаси ЎзССР Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг китоблар фондида сақланмоқда.

¹ Абу Убайд ўзи асли Жузжон (Хиротга яқин жойда бўлган) шаҳрида туғилган. Шунинг учун баъзи олимлар (Ю. П. Заводонский) ўз асарларида уни Абу Убайд Жузжоний деб атайдилар. Олимнинг тулиқ исми Абу Убайд Абдул Воҳид ибн Муҳаммад ал-Жузжонийдир.

Бу таржиман ҳол бизгача турт вариантда етиб келган: биринчиси Зоҳириддин Абул Ҳасан ал-Байҳақийнинг (1105—1169) «Донишмандлик хазинасининг давоми» номли асарида келтирилади. Иккинчи варианты Ибн ал-Қифтининг (1172—1248) «Донишмандлар ҳақида олимларнинг ахбороти» номли асарида баён этилган. Учинчиси Усайбанинг «Табиблар даражасини белгилан учун манбалар» ва туртинчи варианты эса Абу Бакр ибн Халликаннинг «Машҳур зотларининг ҳаёт йўли ва помлари абадийлаштирилган ўғлонлар ҳақида ахборот» номли асарида келтирилади. Бу тарихчилардан биз ибн Абн Усайбани танлаб олдик, чунки унинг ўзи ҳам табиб, ҳам тарихчи бўлгани учун бизга яқиндир. Ибн Синопнинг Ибн Абн Усайбна ёзиб қолдирган таржиман ҳоли 1882 йилда Қоҳирада босилиб чиққан эди, уни арабчадан ўзбекчага А. Ирисов таржима қилиб «Гулистон» журналининг 1979 йил 6-сонига босиб чиқарди. Биз шунга асосландик.

Абу Али ибн Сино (Абу Алл ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Сино 980 йилда (370 ҳижрий йилда) Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида дунёга келди. Таълиқли тарихчи Абу Бакр Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» номли китобда кўрсатилишича, Афшона бир вақтлар каттагина шаҳар бўлган. Унда катта бозор бор эди. Жума куллари эса шаҳарнинг жомеъ масжидига атроф қишлоқлардан кўп кишилар йиғилар эди. Вақт ўтиши билан Афшона ўз мавқеини йўқотиб, аҳоли яшайдиган кичик бир пункт бўлиб қолган ва Исфана қишлоғи деб атала бошлаган.

Ибн Синопнинг отаси Абдуллоҳ ибн Ҳасан асли балхлик бўлган. У Бухоро амрлигида Ҳурмайсан (ҳозирги Ромитон) қишлоғида бож йиғувчи бўлиб ишлаган. Бу қишлоқ Афшонага яқин жойда бўлган. Абдуллоҳ шу афшоналик бир қизга уйланган. Унинг номи Ситора (Юлдуз) эди. Бу оилада кетма-кет икки ўғил туғилади. Буларнинг бирига Маҳмуд, иккинчисига Ҳусайн (бўлғуси

Ибн Сино) деб ном қўйдилар. Кўп ўтмай Ибн Синоплар опласи Бухорога кўчиб келади. Уша замонда яшаган тарихчиларнинг ёзишча, Бухоронинг қиёфаси шундай бўлган: шаҳар икки қисмдан—қалъа ва Шаҳристондан иборат эди. Қалъа сулбий усулда яратилган тепалик устига қурилган бўлиб, баланд ва қалин деворлар билан ўраб олинган эди. Қалъа ичида сарой бинолари, аслаҳахона ва зиндон бўлган. Саройда бир неча хонадан иборат бўлган катта кутубхона бор эди. Уни «Суввон ал-ҳикмат» («Донишмандлик хазинаси») деб атардилар. Қалъани ғарбдан шарққа томон тош ётқизилган кўча кесиб ўтган эди. Бу кўча қалъанинг шарқ ва ғарб дарвозаларини бир-бирига боғларди. Ғарбий дарвозалардан Регистон майдонига чиқиларди. Шарқий дарвоза эса Шаҳристонга қараган эди.

Шаҳристон текисликка жойлашган бўлиб, чор атрофи девор эди. Шаҳарнинг ўн бир дарвозаси бўлган. Шаҳар ўртасидан оқиб ўтган анҳор тиниқ ва тоза эди. Шаҳристон атрофда бир-бирларига ёндашган жуда кўп ҳовли, уй-жойлар жойлашган эди. Шаҳристон ўртасида катта бозор жойлашган бўлиб, унда турли ҳунармандлар ва савдогарларнинг расталари беҳисоб эди. Масалан, заргарлар растаси, гиламфурушлар, кийим-бош сотувчилар, пойабзалчилар, бош кийим сотувчилар, дурадгорлар, темир буюмлар, қурол-аслаҳа ишловчилар расталари бор эди. Бу ерда алоҳида китоб расталари ҳам бўлган. Шаҳристонда кўп карвон саройлар, масжид, мадрасалар, ҳаммом ва касалхоналар қурилган эди. Уша замондаги муҳташам бинолардан бири Исмоил Сомоний мақбараси ҳозиргача сақланиб қолган.

Бухоро IX—XI асрда уша замондаги мусулмон Шарқининг сиёсий-маъмурий, савдо-сотиқ ва маданий марказларидан бири бўлган. Сиёсий-маъмурий жиҳатдан Бухоро уша вақтда ҳукм сурган Сомонийлар сулоласининг пойтахти эди (874—999 йиллар). Савдо-сотиқ масаласида Бухоро уша замондаги Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакат-

лари ўртасида олиб борилган савдо-сотиқ ишларининг маркази ролини ўйнади. Бухорода шойидан туқилган снгил матолар, турли гиламлар, заргарлик буюмлари, тери моллари ишлаб чиқариладди. Бухорога қарам бўлган қишлоқларда бугдой, шол, пахта экиладди, боғдорчилик ва чорвачилик ривожланган эди.

Маданий жиҳатдан Бухоро ўрта аср Шарқининг энг ривожланган шаҳарларидан бири эди. Бу ерда жуда кўп олимлар, файласуфлар, табиблар, шоирлар ва санъаткорлар яшар ва ижод қилар эдилар. Сомонийлар ўз шон-шуҳратларини ошириш мақсадида ялм аҳллариини қўллаб-қувватладилар. Саройда хизмат қилувчи олим, шоир, табиб ва созанда-хонандаларга катта маош тўланарди. Бухорога бошқа юртлардан келган олимлар бу ерда бошлана топар эдилар.

Бу даврда Бухорода маданий ҳаёт қайнаган эди. Батъи маълумотларга кўра Бухоро ҳокимлари саройида маҳсус фан маркази — Академия ҳам бўлган. Чупончи, йирик медицина тарихчиларидан бири К. Шпрингельнинг ёзишича «Бухорода сарацинлар ташкил этган Академия бор эди».¹ Ўша вақтда Ўрта Осиёда, хусусан Самарқандда, қоғоз ишлаб чиқарувчи корхоналар бўлиб, улар кўп шаҳарларини қоғоз билан таъминлар эди. Бунинг натижасида фаннинг турли соҳаларидаги асарлар кўнлаб кўчирилиб, кенг тарқатилар эди, бу эса илм-фаннинг ривожланишини янада тезлатарди. А. Мурадовнинг «Ўрта Осиё каллиграфияси тарихидан» (1967 й.) деб аталган диссертациясида курсатилишича, бу ерда қўлёзмаларини кўчириш иши билан шуғулланувчи хаттотлар кўп бўлган. Бу иш касб ҳисобланган.

Абу Али ибн Сино шундай қулай шароитда ўқиди, услб улғайди ва камолга етди. Ибн Синонинг такрорланмас зўр истеъдоди жуда эрта намоён бўлди. Кўнчилик тарихчиларининг ёзишича, Ибн Сино беш ёшидаёқ ўқини

¹ С. Коввер. Ўрта аср медицинаси тарихи. Киев, 1893 й. 173-бет (рус.).

ва ёзишни ўрганган. Дастлаб у мусулмонча диний мактабда ўқиб, тез орада қуръонни мукаммал ёдлаб олади ва араб адабиётига оид китобларни ҳам ўқиб чиқади. Ибн Синонинг билимга бўлган зўр қобилияти ҳаммани ҳайратга солган эди. Бу ҳақда Ибн Синонинг ўзи шундай ёзади: «Мени қуръон ва араб тилини ўқитадиган муаллимга топширдилар. Бу пайтда ёшим 10 га тўлган эди. Қуръонни ва адабиётга оид китоблардан кўпни ўзлаштириб олган эдим. Хатто одамлар менга ажабланадиган ҳам бўлдилар».¹

Шундан сўнг Ибн Сино бошқа дунёвий фанларни ўрганишга киришади. Хусусан, у математика ва физика (қонуностилик)дан таълим олади. Сўнг философияни чуқур ўрганади. Бу ҳақда Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида бундай дейди: «Отам ҳисобини ўргатиш мақсадида мени ҳинд ҳисобини биладиган бир резоворфурушга юборди. Мен ундан ҳинд ҳисобини ўрганишга киришдим; кейин Бухорога Абдуллоҳ ан-Нотилий келиб қолди. У кишини файласуф деб аташарди. Ўғлим Абу Абдуллоҳдан таълим олсин, деган умидда отам у кишини уйимизга кўчириб келди. Бу киши келишидан олдин мен физика билан шуғулланиб, Исмоил Зоҳид деган муаллимникига қатнаб юрардим... Бу соҳани яхши биладиганлардан бўлиб қолгандим... Ан-Нотилийдан «Исагучи» (Порфирий Тирскийнинг «Мантиқа асослари» китобининг кириш қисми) китобини ўргана бошладим».²

Шундай қилиб, ёш Ибн Сино дастлаб билимни айрим муаллимларидан ўрганди. Аммо у ўзининг ўткир зеҳни ва зўр қобилияти туфайли тезда ўз устозларидан ўтиб кетди ва фанларни мустақил ўрганишга киришди. У ўз фикрларининг мантиқий кучи билан ҳаммани лол қолдирарди. Бу ҳақда Ибн Сино шундай ёзади: «Муаллимим Абу Аб-

¹ Абу Али ибн Сино. Таржимаи ҳол. «Гулистон», 1979 й., 6-сон, 8-бет.

² Ўша жойда.

дуллоҳ ан-Нотилий менга жипсининг таърифни ҳақида «жипс нима? деб сўрасалар, турли навлардан иборат кўп нарсаларга жипс деб айтілади, деб жавоб бергин» деганида, мен шундай таъриф билан жавоб бердимки, бундай таърифни ҳали ан-Нотилийнинг ўзи ҳам эшитмаган экан. У менинг жавобимдан жуда ҳайратга тушди... У қайси масалани сўрамасин, мен бу хусусда ундан кўра дурустроқ тасаввур қилардим. Ундан мантиқнинг оддий масалаларини ўқидим, лекин мантиқнинг нозик томонларидан у беҳабар экан.

Мантиққа онд китобларни ўзимча ўқингга киришдим, унга битилган шарҳларни муталаа қила бошладим ва ниҳоят мантиқ илмининг пухта билиб олдим. Ан-Нотилий билан бирга Уқлидус (Эвклид) китобининг кириш қисмидаги беш олтига масалани ечдик. Ундан кейин китобининг қолган қисмидаги масалаларни ўзимча ечишга киришдим. Сўнгра «Мажастий»га (Птоломейнинг «Алмагеста» китоби) ўтдик. Унинг муқаддимасини ўқиб бўлиб, ҳақдаса шакллариغا етганимизда Ан-Нотилий менга бундай деди: «Энди уни ўзинг ўқиб, ўзингча ечишга ҳаракат қилавер, кейин менга қандай етганингни айтиб берарсан, мен сенга жавобинг турри ёки нотуррилигини кўрсатаман»... Мен бу китобни ўзимча ўзлаштиришга киришдим. У кишига қанчадап-қанча шакллари тушунтириб бердим, шунга қадар у булардан беҳабар бўларди.

Кейин Ан-Нотилий мени қолдириб Гургачга жўнаб кетди. Мен «Фусус» китобини (Абу Наср ал-Форобийнинг «Фусус ал-ҳакам» асари) табиئيёт ва илоҳиётга онд шарҳларини ўргатиш билан шуғулландим ва мен учун пилм дарвозалари кенг очилиб кетди».¹

Ниҳоят, Ибн Сино табобат пилмига қизиқиб қолиб, шу билим билан шуғуллана бошлайди ва кўп ўтмай табобатини мукаммал ўзлаштириб олиб, кўп шухрат қозонади.

¹ Абу Али ибн Сино. Таржимаи ҳол. «Гулпстон», 1979 й., 6-сон, 8-бет.

Ибн Сино ёш бўлишига қарамай, беморларни даволашда жуда зўр муваффақият қозонади. Табобат Ибн Синонинг асосий касби бўлиб қолади.

Абу Али ибн Синонинг табобатини ўзининг асосий касби қилиб тапполишнинг сабаби ҳақида қуйидаги ривоят бор. Қушлардан бирида Ибн Синолар уйига одатдагидек олимлар, шоирлар ва машшоқ-хонандалардан иборат меҳмонлар чақирилади. Улар орасида ўша вақтда таниқли табиблардан бири Абу Саҳл Масиҳий ҳам бор эди. Гап орасида Масиҳий ёш Хусайннинг жуда зўр истеъдодга эга эканлигини эшитиб, у билан суҳбат боғлайди:

— Хусайн, катта бўлганингда ким бўлиб етишмоқчисан?

— Ҳозирча билмайман, мен ҳамма нарса билан қизиқаман, ҳамма нарсани билишни истайман.

— Хусайн фақат «мантиқ асосларини»гина эмас, у бу китобдаги барча шарҳларни ҳам ўзлаштириб олган — деб гапга аралашди ан-Нотилий — менимча бу шаҳарда Уқлидус теоремасини Хусайндан кўра ҳар томонлама аниқ тушуштириб берадиган одам бўлмаса керак.

— Фақат риёзиёт, мантиқ ва илмий иужумнинггина билиш етарли эмас,— деди Масиҳий,— ихшисеп, табобатни танла... Табобат энг олийжаноб касб. Табиб ҳамма учун — амирга ҳам, дарвешга ҳам, аялсёларга ҳам, гўдакларга ҳам керак. Умуман, ҳамма одамлар табибга муҳтож бўладилар».

Сўнг Масиҳий машҳур табиб Абу Бакр ар-Розий руҳий касалликка учраб, икки ойги шол бўлиб қолган бир амрини жуда моҳирлик билан даволаб, оёққа турғазиб юборганини ҳикоя қилиб берди¹. Масиҳийнинг бу ҳикояси Ибн Синога жуда таъсир этади ва у табиб бўлишга қарор қилади. Шу кеч Масиҳий Ибн Синога ал-Форо-

¹ Розий ҳақидаги бу ҳикоя бизнинг 1963 йилда нашр этилган «Абу Бакр Розий» номли рисоламизда тулиқ келтирилган (авторлар).

бийнинг «Назарий ва амалий табобат» номли асарини тақдим қилади, Ибн Сино уни шу кечанинг ўзидаёқ ўқиб чиқади.

Шундай қилиб, Ибн Сино табобат илминини ўрганишга киришади.

Абу Али ибн Синонинг ўзи айтишича, табобат илминининг учун унчалик қийин кўринмайдиган. У бу илминини осон ва тез ўзлаштириб олади. Бу соҳада Ибн Сино шу қадар юксак обрў қозонадики, ҳатто кўзга кўринган табиблар ҳам қийналганларида Ибн Синодан маслаҳат сўрайдиган бўладилар.

Бу ҳақда Ибн Сино шундай ҳикоя қилади: «Кейин тиб илми билан шуғулланганим келиб қолди. Унга оид китобларни ўқишга киришдим. Тиб ўзи қийин илмлардан эмас, шу сабабли қисқа муддат ичида бу соҳада шундай натижаларга эриша олдимики, ҳатто фозил табиблар ҳам ҳузуримга келиб, мендан тиб илминини ўрганадиган бўлдилар».¹

Абу Али ибн Сино фақат тиббий китоблар ўқиш билангина чекланиб қолмай, беморларни ҳам даволар, уларнинг касалликларини синчиклаб кўздан кечириб эди. Бунинг натижасида унинг билим ва тажрибаси янада ошиб кетди. У касалларни даволашда «муъжиза» кўрсатарди. Бунинг натижасида унга мурожаат қиладиган касалларнинг сон-саноғи бўлмай қолди. Бу ҳақда Ибн Сионинг ўзи бундай ёзади: «Беморларни ҳам кўриб турардим. Эришган тажрибаларим туфайли мен учун даволаш йўллари шундай кенг очилдики, бунинг таърифлаб бериш қийин... Бу вақтда мен энди ун олти ёшга тўлган эдим».² Демак, Абу Али ибн Сино ун олти ёшидаёқ машҳур табиб бўлиб танилган эди. Бу албатта ўз-ўзидан бўлмаган, балки жуда сабот-матонат билан ўқиш, кечалари уйқунини тарк этиш ва зўр тиришқоқлик нати-

жасидир. Ҳақиқатан ҳам Ибн Сино жуда тиришқоқ, ўз олдига қўйган мақсадига эришмагунча тинчимайдиган одам эди. Бу ҳақда Ибн Сино шундай ёзади: «Ўша кезларни бирон кеча тўйиб ухламасдим, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланмасдим... Ҳар бир масалани ўрганаётганимда бир қанча қўлсиз масалаларни солиштириб, шу масалалар нуқтани назардан ўша дастлабки масала ҳақида ҳулоса чиқарар эдим... Ниҳоят бу масаланинг асл моҳиятини менга аён бўлиб қоларди. Масалалардан бошим қотиб, қўлсиз таърифини солиштириб олмасам, жомеъ масжидига борардим ва намоз ўқиб, яратувчига ёлборардим. Натижада қоронғи нарсалар менга яна ойдишлар, мушкуллар осон бўлар эди.

...Ана шу замида ҳамма билимларни мустаҳкам эгаллаб олдим. Бир писонининг имконияти даражасида уларни ўзлаштирдим».¹

Абу Али ибн Сионинг тиришқоқлиги ва сабот-матонатчилигини яна қуйидаги мисол яққол кўрсатади. У бундай ёзади: «Машиқ, табиёт ва риёзиёт билимларини пухта ўрганиб олдим. Кейин влоҳиётни ўрганишга ўтиб, «Мо баъда ат-табиа» китобини ўқидим. Бу китобни ўқирдим, лекин унда нималар дейилганлигини тушуна олмасдим: китоб ёзган кишининг мақсади мен учун қоронғи эди. Ҳатто уни қирқ бор қайта ўқидим, китоб менга ёд бўлиб кетди. Лекин шунда ҳам мен китобни ва унинг мақсадларини тўла тушуна олмасдим. Ниҳоят умидимни узиб, «бу тушуниб бўлмайдиган бир китоб экан», деган ҳулосага келдим. Аммо, кунлардан бир кун аср вақтида китобфурушларнинг олдига бориб қолдим. Бир китобфуруш муқоваланган бир китобни қўлида тутганча уни мақтарди. У мени ҳам чақириб, китобни кўрсатди... Лекин китобни сотиб олишни рад қилдим. Китобфуруш менга: «Бу китобни ол, нархи арзон, уч дирҳамга сота-

¹ Абу Али ибн Сино. Таржимаи ҳол. «Гулистон», 1979 й., 6-сон, 8-бет.

² Ўша жойда.

¹ Абу Али ибн Сино. Таржимаи ҳол. «Гулистон», 1979 й., 6-сон, 8-бет.

ман, эгаси пулга мухтож», деди. Китобни поилож сотиб олдим. Қарасам, бу Абу Наср Форобийнинг ўша «Мо-баъда ат-таба» китоби ҳақида ёзган асарин экан. Ўйга қайтиб дарров уни ўқишга киришдим... «Мо баъда ат-таба» дилимда ёд бўлиб қолгани сабабли тезда бу китобнинг мақсадларини тушуниб олдим. Бундан ўзимда йўқ жуда хурсанд бўлиб кетдим. Тангри таолога шукр қилиб, ўша куннинг эртасигаёқ камбағалларга анча нарсаси улашдим»¹.

Бу ерда биз икки муҳим нарсанинг гувоҳи бўламиз. Биринчидан, Ибн Сино билим ўргатиш борасида жуда ҳам тиришқоқ бўлган, иккинчидан, ўша даврда Бухорода илм-фан ва маданият ниҳоятда юксак даражага кўтарилган.

Абу Али ибн Синонинг жуда тажрибали ва моҳир табиб эканлиги ҳақидаги хабар подшо саройига ҳам бориб етади. Бу вақтда амр Нух ибн Мансур касал эди. Уни даволаш учун Ибн Синони ҳам саройга чақирадилар. Ибн Сино амирни даволашда иштирок этиб, ўзининг ўткир билими билан касални англашга ёрдам беради. Шундай қилиб, у амирнинг ишоначига сазовор бўлади ва саройга яқин кишилар қаторига киради. Бунинг натижасида Ибн Синонинг обрўси яна ҳам ошиб кетди. Саройда нодир китобларга бой катта кутубхона борлигини Ибн Сино биларди. У амирнинг ишоначидан фойдаланиб, шу кутубхонадаги тибга оид китобларни қўл билан ўқиб чиқади. Бошқа фаилар соҳасидаги китоблар билан ҳам танишади. Бу ҳақда Ибн Синонинг ўзи бундай деб ёзиб қолдирган: «Бу вақтда Бухоронинг подшоҳи Нух ибн Мансур эди. Иттифоқо у шундай бир касалликка дучор бўлиб қолибдики, унинг касали ҳақида табиблар бир фикрга келиша олмадилар. Ўқишга қаттиқ киришганим сабабли номим улар ўртасида машҳур бўлиб қол-

ган эди. Подшоҳ ҳузурида менинг ҳақимда гапиришиб, ундан мени ҳам чақиритиб сурашди. Мен табиблар билан биргаликда шохни даволашда иштирок этганим учун обрўйим ортиб кетди.

Бир кун Шохдап кутубхонасига киришга ва тибга оид китобларни мутолаа қилишга рухсат сурадим. Шох менга рухсат берди. Мен кўп хоналардан иборат кутубхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоб сандиқлари турарди, улардаги китоблар эса устма-уст тахлаб қўйилган эди... Ҳар бир хонада фаннинг маълум соҳасига оид китоблар тўпланган эди. Мен биздан олдин ўтган олимларнинг китобларини рўйхатини ўқиб чиқдим ва ундан зарурларини ахтардим. У ерда шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик ҳатто уларнинг номларини ҳам эшитмаган бўлса керак. Ўзим ҳам бундан олдин уларни кўрмаган эдим, кейин ҳам учратмадим. «Ўша китобларни ўқиб, улардан баҳраманд бўлдим»¹. Кутубхонага амирнинг катта ўғли Ибн Нух Мансур ҳам келиб турарди. Ибн Сино билан улар шу ерда учрашиб, яқинлашиб қолишган эди.

Ибн Сино кутубхонадан чиқмасди. Амирнинг касали хуруж қилиб, у Ибн Синони чақиртиргандагина китоб ўқишдан бир оз вақтга бош кутарарди. Фақат шундай матонат натижасидагина Ибн Сино оз вақт ичида бу ердаги барча китобларни ўқиб чиқа олди.

Шундай қилиб, бу ердаги нодир китобларни қўл билан ўқиб натижасида Ибн Синонинг билими янада кенгайди ва чуқурлашди. Ибн Синонинг ўзи ёзишча, 18 ёшга етганида у табобат илми билан бир қаторда ўз замонасида маълум бўлган барча бошқа фанларни ҳам мукаммал ўзлаштириб олган эди.

Абу Али ибн Сино жуда эрта ўзи ҳам асарлар ёзишга киришди. Аввало у бу ишни ўзинга яқин бўлган ки-

¹ Абу Али ибн Сино. Таржиман ҳол. «Гулистон», 1979 й., 6-сон, 8—9-бетлар.

¹ Абу Али ибн Сино. Таржиман ҳол. «Гулистон», 1979 й., 6-сон, 8—9-бетлар.

шиларнинг илтимоси билан бажарди. Ёш бўлишига қарамай, Ибн Сино Бухорода учта йприк асар ёзган эди. Булардан бири «Ал-мажмуъ» («Туплам»), иккинчиси «Ал-ҳосил ва ал-маҳсул» (Хулосалар ва натижалар), учинчиси эса «Китоб ал-бирр ва ал-исм» («Саҳоват ва жипоят ҳақида китоб»). Бу китобларнинг ёзиллини тарихини Ибн Сино бундай таърифлайди: «Уша пайтларда мен ўзим ўқиган илмларни ёдда сақлаб қолардим... Қўшимиз Абдул Ҳасан ал-Арузий мен билган илмларнинг ҳаммасини ўз ичига оладиган китоб ёзиб беришимни илтимос қилди. «Мен унга «Ал-мажмуъ» деган китоб ёзиб бердим. Китобнинг номини ҳам шундай «Туплам» деб қўя қолдим. Унга риёзётдан бошқа барча илмларни киргиздим. Ушанда йигирма бир ёшда эдим»¹.

Баъзи тарихчиларнинг кўрсатишича, Ибн Синонинг бу асари Бухорони қорахонийлар босиб олиши пайтида саройга ўт кетиб, кутубхонадаги китоблар ёниб кетганини сабабли ёзилган. Кутубхонага ўт кетиб, кўнчилиқ нодир китоблар ёниб кетгандан сўнг Бухоронинг обрўи кишиларидан бири бўлмиш Абул Ҳасан ал-Арузий Ибн Синонинг зўр қобилиятини ва уша кутубхонадаги китобларнинг ҳаммасини деярли мазмунини мукаммал биллишини ҳисобга олиб, унга шу китобларни тиклаш мақсадида уларнинг мазмунини бир китобда баён этиб беришни илтимос қилган. У Ибн Синога: «Сенинг меҳнатинг буюк олимларнинг ёниб кетган китоблари учун эсдалик бўлсин. Мен, сен билан иккаламиз кўлимиздан келган қадар унда ёниб кетган асарларнинг асосларини бўлса ҳам сақлаб қолишни истар эдим. Келгуси авлодлар сенинг китобнинг орқали инсоният тафаккурининг ривожланиши йўлини тикласинлар. Халқимиз ўтда ёнган дурдоналарнинг қадрига етсин», — деди.

Абул Ҳасан ал-Арузийнинг Ибн Синога мурожаат қи-

¹ Абу Али ибн Сино. Таржимаи ҳол. «Гулистон», 1979 й., 6-сон, 9-бет.

лини табиийдир. Юқорида Ибн Синонинг ўзи ўқиган китобларини бутунлай деярли ёдда қолдириб қобилиятига эга эканлигини айтиб ўтган эдик. Арузий бундан хабардор бўлган, албатта.

Шундай қилиб, Ибн Сино амир кутубхонасида ўқиган нодир китобларнинг «мажмуи», яъни унинг туплами тайин бўлган. Қолган икки асар ҳақида Ибн Сино шуни ёзади. «Хоразмда туғилган Абу Бакр ал-Барқий деган бир қўшим бор эди. Табиатан у фақиҳ (қонушунос) эди... Шу киши мендан фиқҳ китобларига шарҳ ёзиб беришини сўради. Мен унга йигирма жылча келадиган «Ал-ҳосил ва ал-маҳсул» деган китоб ёзиб бердим. Бундан ташқари, ахлоққа оид яна бир китоб ёзиб бердим. Номини «Китоб ал-бирр ва ал-исм» деб атадим»¹.

Баъзи маълумотларга қараганда Ибн Сино Бухорода юқорида кўрсатилган учта китобдан ташқари, ўзининг табобатга оид биринчи асари «Табобат лугати»ни ёзган. Эҳтимол, бу китобни у ўзи учун тузгандир. Лекин тарихчиларнинг ёзишича, китобдан кўп табиблар нусха кўчириб олаётган бўлиши мумкин.

997 йилда Нух ибн Мансур вафот этди. Унинг тахтига катта ўғли Ибн Нух Мансур II ўтиради. Ибн Нух Мансур II Ибн Сино билан дўст эди. Олимнинг ўзи ёзишича, Ибн Нух Мансур Ибн Синони саройдаги вазифалардан бирига тайинлаган. Шундай қилиб, Ибн Сино сарой табиби вазифасидан ташқари, у ерда давлат хизматчиси вазифасини ҳам бажарган. Лекин, кўп ўтмай Ибн Нух Мансур ўлдирилиб, унинг ўринини укаси Абдул Малик Ибн Нух эгаллайди. У олимга унчалик дўстлик қўзи билан қарамайди. Шунинг учун Ибн Сино сарой хизматидан кетиб, ўз илмий-иқодий ишлари билан машғул бўлади.

Абу Али ибн Синонинг Бухородаги тинч илмий ҳа-

¹ Абу Али ибн Сино. Таржимаи ҳол. «Гулистон», 1979 й., 6-сон, 9-бет.

ети узоқ давом этмади. Ибн Сино 21 ёшга етганида унинг отаси вафот этди. Бунинг натижасида Ибн Сино оғир аҳволга тушиб қолди. Чунки унга моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам берадиган бошқа яқин кишиси йўқ эди. Бунинг устига мамлакатда катта сиёсий ўзгаришлар юз бериб, сомонийлар хонадонига яқин бўлган кишилар таъқиб қилина бошлади, бу Ибн Сино учун ҳам хавфли эди.

999 йилда Бухоро қорахонийлар томонидан босиб олинди. Сомонийлар сулоласи тугатилди. Бухоронинг янги ҳукмдори Илекхон Носир Сомонийлар саройида хизмат қилган кишиларни қувғин қила бошлади. Ибн Синонинг ҳаёти ҳам хавф остида қолди. Шу сабабдан у Бухорони тарк этишга мажбур бўлди.

1002 йилда Ибн Сино узоқ ва машаққатли йул босиб ўтиб, Хоразм давлатининг пойтахти Гурганиж (қўҳна Урганиж) шаҳрига етиб келди.

Ўша даврда Хоразм ҳам Шарқнинг ҳар томонлама ривож топган йирик мамлакатларидан бири эди. Унинг пойтахти Гурганиж эса ўз маданий ҳаёти ва маълум фанларнинг ривож жиҳатидан Бухоро, Самарқанд каби шаҳарлардан қолишмасди. Бу ерда ҳам турли ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш корхоналари, савдо-сотиқ ишлари ва бошқа ўлкалар билан алоқалар жуда ривожланган эди. Хоразм усталари ишлаб чиқарган гиламлар, мўйиналар, ҳар хил безак буюмлари, тери ва матолар дунё бозорида юқори баҳоланарди. Хоразмда металл буюмлар, шу жумладан, қурул-аслаҳалар кўплаб чиқарила эди. Тарихчилар Хоразмда қўллар сотиладиган махсус бозорлар ҳам бўлганлигини кўрсатадилар.

Гурганиж ўша даврда катта карвон йўллари туташган жойда урналишган эди. Шу сабабли, у жуда тез ривожланиб кетди. Шаҳарда кўплаб карвон саройлар, масжид-мадрасалар, бозорлар, ҳаммомлар қурилди. Бу ерга узоқ ўлкалардан савдогарлар ва сайёҳлар кўплаб келиб турар-

дилар. Шаҳарда кўнгиша олимлар, файласуфлар, табиблар, меъморлар, шоирлар ва санъаткорлар яшардилар.

Хоразм подшоҳлари ҳам сомонийлар каби фан ва маданият намоёндаларини қўллаб-қувватлардилар. Саройда улар учун қўлай шароит яратиб берилган эди. Бу ерда олимлар жамияти танини тошган эди. У тарихда «Матъмун академияси» номи билан машҳур бўлган.

Абу Али ибн Синони Хоразмда жуда яхши кутиб олдилар. У саройда хизмат қилувчи олимлар қаторига киритилди ва «Академия»га қабул қилинди. Ибн Синога бошқа олимлар қатори катта маош тайинладилар. Абу Али ибн Сино ўз таржиман ҳолида Хоразмда жуда яхши қабул қилинганлигини миннатдорчилик билан эслаб бундай деб ёзган эди: «Кейин зарурат юзасидан Бухорони тарк этиб, Гурганиж томонга кўчишимга тўғри келди. У ерда намини севувчи Абул Хусайн ас-Саҳлий вазир эди. У ернинг амри ҳузурига бордим. Амир Али ибн Матъмун эди. Мен у пайтда суфилар ридосини кийиб олган эдим. Менга етарли миқдорда ойлик тайин қилишди».¹

Абу Али ибн Сино шундай қилиб «Матъмун академияси»да ишлаб бошлади. «Академия»да бир қанча кўзга кўришган олимлар хизмат қилар эдилар. Шулар жумласидан Абул Хусайн ас-Сухайлий (Саҳлий), Абу Саҳил Масхуий, Абул Хайр Хаммор, Абу Наср ибн Арроқ, Абу Мансур Муҳаммад ас-Салабий, Абу Абдуллоҳ ан-Найсабурий, Насоқ ибн Аҳмад ал-Бухорий, Абул Ҳаким Муҳаммад ас-Салих Косий, Абу Муҳаммад Ҳамид ибн ал-Ҳидр Хужандий, Абу Абдуллоҳ ибн Иброҳим ан-Нотиллий, Шарафуддин Абу Абдуллоҳ ибн Юсуф Илоқий ва бошқалар. Кейинроқ «Академия»га бошлиқ қилиб улуғ мутафаккир олим Абу Райҳон Беруний тайинланган эди.

Абу Али ибн Сино Хоразмга келганида у ерда Абу Райҳон Беруний йўқ эди. Бу вақтда Беруний Эроннинг

¹ Абу Али ибн Сино. Таржиман ҳол. «Ғулистон», 1979 й., 6-сон, 9-бет.

Рай шаҳарида яшарди. Бунга сабаб қуйидагича. Аввалда Хоразм икки мустақил давлатга — Шимолий ва Жанубий Хоразм давлатларига бўлинган эди. Гурганж Шимолий Хоразм давлатининг пойтахти эди. Жанубий Хоразм давлатининг пойтахти эса Қиёт шаҳари эди. Абу Райҳон Беруний Қиётда яна ва шу шаҳар ҳукмдорининг саройида хизмат қиларди. 996 йилда Шимолий Хоразм давлатининг ҳукмдори — Ибн Муҳаммад Маъмун Қиётни забт этади ва у Жанубий Хоразм ерларини ўз ерларига қўшиб олиб, ўзини бутун Хоразм давлатининг подшоҳи деб эълон қилади. Масаланинг бундай зўрлик билан ҳал қилинишидан норози бўлган Беруний «босқинчи подшоҳ»га ишлашни истамай, Хоразмни ташлаб кетади ва бир оз вақт Журижонда тўхтаб, сўнг Райга кўчиб боради ва шу шаҳарда яшай бошлайди.

Ибн Муҳаммад Маъмун вафот этганидан сўнг унинг тахтига ўғли Али ибн Маъмун ўтиради. Али ибн Маъмун ўзи чуқур билимли, одил шоҳ эди. Илм аҳллариини қадрларди. Шунинг учун у Берунийга катта ҳурмат билдириб, унга хат ёзади ва ўз саройига таклиф этади. Шу хатга асосан Беруний 1005 йилда Хоразмга қайтади ва подшоҳ саройига хизматга киради. Али ибн Маъмун ўз саройидаги олимларга бошлиқ қилиб Берунийни тайинлайди. Беруний «Академия»га раҳбар бўлиб қолади.

Шундай қилиб, Ибн Сино билан Беруний бир-бирлари билан 1005 йилда Гурганжда учрашадилар. Аммо улар бундан илгари ҳам бир-бирлари билан хат орқали танишган эдилар.

Бу ёзишмалардан бири 1950 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходимлари А. Расулов ва Абдурахмоновлар томонидан ўзбекчага таржима қилиниб, нашр этилган.

Хоразмда Ибн Сино Абу Райҳон Беруний раҳбарлигида илмий ишлар олиб борди.

Абу Райҳон Беруний билан Абу Али ибн Сино жуда дўстлашиб қолган эдилар. Ибн Сино Абу Райҳон Беруний

олдига тез-тез бориб турарди. Улар кўп илмий тадқиқот ишларини бирга олиб борардилар. Хусусан, улар самовий jismlar (планеталар)нинг ҳаракати, математика масалалари ва философия муаммоларини ечишда бир-бирларига ёрдам берардилар. Химияга оид масалаларни ўрганиш учун биргаликда ўша даврнинг йприк кимёгарларидан бири бўлган Абу Наср Арроқ лабораториясига борардилар. Бу олим яхши рассом ҳам эди¹.

Али ибн Маъмун Саройида Ибн Синодан ташқари табиблардан яна Абул Хайр Ҳаммар ва Абу Саҳил Масихийлар ишлардилар. Абул Хайр Ҳаммар шохнинг шахсий табиби эди. Ибн Сино кўпинча Абу Саҳл Масихий билан бирга ишларди. Баъзи маълумотларга кўра, улар биргаликда бир неча мураккаб операция усулини амалга оширганлар.

Шундай қилиб, Ибн Сионинг Хоразмдаги ҳаёти унинг учун жуда фойдали бўлган.

Абу Али ибн Сино Хоразмда 9—10 йилча яшади. Сўнг у бу ердан ҳам кетишга мажбур бўлди. Бунинг сабаби шуки, кўшни мамлакат ҳукмдори Султон Маҳмуд Хоразмни босиб олиши хавфи туғилган эди. Ибн Сионинг Султон Маҳмуд қўлига тушиши хавфли эди.

Ғазна ҳукмдори Султон Маҳмуд Хоразмшохнинг куёви эди (у шохнинг сиплсига уйланган эди). Шундан фойдаланиб ва ўзининг ҳарбий кучига ишониб Али ибн Маъмунга нома юбориб, ундан саройдаги олим ва фозилларни Ғазнага, унинг саройига юборишни талаб қилди. Абу Райҳон Берунийдек жаҳонга машҳур олим ва Ибн Синодек буюк табибни ҳар қандай ҳукмдор ҳам ўз саройида бўлишини истар эди. Султон Маҳмуд ҳам бундан мутасно эмасди, албатта. Маҳмуднинг талабини бажар-

¹ Ривоятларга кўра, Султон Маҳмуд Абу Наср Арроқни Ибн Сионинг расмини ёддан чиқиб бершга мажбур қилган ва Ибн Сионни тутиб олиш мақсадида шу расмларни кўпайтириб, ҳамма шаҳарларга тарқатган эмиш. Бу ҳақиқатдан анча узоқ.

маслик Хоразм учун уруш деган сўз эди. Шунинг учун Абу Райхон Беруний, Абу Наср Арроқ ва бошқа бир неча олимлар Ғазнага боришга мажбур бўдилар. Абу Саҳл Масихий билан Абу Али ибн Сино хоразмлик бўлмаганликлари сабабли Али ибн Матмун уларни чақириб, Ғазнага бориш ёки бормаслигини ҳал қилишни уларига ҳа-вола қиладди. Абу Саҳл Масихий ғайри дин (несториан) эди. Ибн Сино эса ўзининг илгор фикрлари билан «дахрий» («диисиз») деган ном олган эди. Шунинг учун уларнинг Султон Маҳмуд ҳузурда бўлиши хавфли эди, чунки Маҳмуд жуда ҳам диндор бўлиб, мусулмон динига шак келтирганларни қаттиқ таъқиб этарди. Буни яхши билган Ибн Сино билан Абу Саҳл Масихий Хоразмдан чиқиб кетишга ва Султон Маҳмуднинг қўли етмайдиган жойга бориб яшашга қарор қилдилар. Уларнинг йўлида даҳшатли Қорақум чўллари ётарди. Бу чўлдан ўтишда Абу Саҳл Масихий йўл азоби ва чанқоқдан касалликка учраб ҳалок бўлди. Ибн Сино эса оғир қийинчиликларни бошидан кечириб, Писо шаҳрига етиб олади (бу шаҳар Ашхобод шаҳарига яқин жойда бўлган). Бир оз вақтдан сўнг Абивард (Биверд) шаҳрига ўтади. Аммо бу шаҳарда ҳам узоқ вақт қола олмайди. Чунки Султон Маҳмуднинг айғоқчилари уни топиб олиши мумкин эди. Ибн Сионинг Ғазнага боришдан бош тортганигидан дарга-заб бўлган Султон Маҳмуд кўн шаҳарларга ўз айғоқчиларини юбориб, уларга Ибн Сионни топиш ва зўрлик йўли билан бўлса ҳам уни Ғазнага олиб келишни буюр-ган эди.

Шунинг учун Ибн Сино турар жойини тез-тез ўзгар-тириб, шаҳардан-шаҳарга кўчиб юришга мажбур эди.

Абу Али ибн Сионнинг ўзи ёзишича, у Абиварддан Тус шаҳрига, ундан эса Шекан (Шикан)га кўчади ва сўнг Самниқон ва Жожурумда бир оз вақт яшаб, ниҳоят Журжонга бориб етади. Абу Райхон Берунийнинг мас-лаҳати билан у Журжон шаҳарида Қобус саройида хиз-мат қилиш ишатида эди. Баъзи тарихчиларнинг кўрсати-

шича, Абу Райхон Беруний Ибн Сино қўлига Қобус номига хат ҳам ёзиб берган эди.¹ Аммо, Ибн Сино Жур-жонга етиб келганида бу ерда Қобус тахтдан туширилиб, намаб қўйилган эди. Қобус қамоқда вафот этди. Шу са-бабли, Ибн Сино Журжонда тўхтамай, бошқа шаҳарга кетишга мажбур бўлади. У Дехистонга жўнайди. Аммо у ерда ҳам узоқ яшай олмай, яна Журжонга қайтади. Бу ерда Ибн Сино ўзининг бўлғуси содиқ шогирди Абу Убайд ал-Жузжоний билан учрашиб, у билан дўстлашади ва ўзининг ёрдамида шаҳарда дурустроқ турар жой топиб, янгай бошлайди.

Шу ерга келганида Ибн Сионнинг ўзи ёзиб қолдирган таржимаи ҳоли тугайди. Олим ўз таржимаи ҳолини ки-чик бир қасида билан тугатади. Унда шундай сўзлар бор эди:

Мен улуг бўлганимда катта шаҳарлар
ҳам тор бўлиб қолди менга.
Қимматим ошаганида харидорим
ҳам топилмади қолди менга.

Абу Али ибн Сионнинг бундан сўнгги ҳаёти унинг шогирди Абу Убайд ал-Жузжоний томонидан ёзиб қол-дирилган.

Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишича, Журжонда илм-фанни қадрлайдиган Абу Муҳаммад аш-Шерозий деган бадавлат одам бўлган. У Ибн Сионнинг мухлисларида эди. Шу киши Ибн Синога бўлган зўр ҳурматиини ифода-лаб, ўз ҳовлисига яқин жойдан бир уй сотиб олади ва унга олямини кўчириб олиб келади. Абу Али ибн Сино бу орттирган дўстларининг ёрдами туфайли Журжонда бир қадар хатарсиз ва дуруст яшай бошлайди. Баъзи та-рихчиларнинг ёзишича, Абу Муҳаммад аш-Шерозий Ибн Синога моддий жиҳатдан ҳам ёрдам бериб турган. Абу Али ибн Сино ҳам Шерозийнинг яхшичилигини унутмай,

¹ Бир вақтлар Абу Райхон Беруний ўзи шу шаҳарда яшаб, Қобус саройида хизмат қилган эди.

униги учун «Китоб ал-Мабда ва ал-Маод» (Нарсаларнинг бошлангичи ва аслига қайтиши ҳақида китоб») ва «Китоб ал-арсод ал-куллия» («Умумий кузатиш китоби») номли иккита китоб ёзиб беради. Кўп ўтмай, Ибн Синонинг Журжонга келганлиги ҳақидаги хабар подшоҳ саройига бориб етади. Журжон ҳукмдори Манучехранинг жияни номаълум касалликка мубтало эди. Бу ердаги табиблар униги касалини тузата олмаган эдилар. Манучехра Ибн Синонинг дарагини эшитиб, касал жиянини кўрсатиш учун уни саройга чақиртиради. Ибн Сино касаллик сабабини аниқлайди ва йигитни дарддан қутқариш йўлини кўрсатиб беради.

Бир ривоятда айтилишича, Манучехранинг жияни севги дардига мубтало бўлган ва бунинг натижасида емай-ичмай, озиб, ҳолдан кетиб, оғир аҳволга тушиб қолган. Лекин ўз дардининг сабабини ҳеч кимга айтмаган, чунки у севган қизнинг отаси кичикроқ мансабдаги одам эди. Бинобарин, йигит дардининг сабабини айтганда ҳам бу оиладан бўлган қизни олиб беришликларини билар эди. Шу сабабли, у ўз дардига ўзи қовурилиб, шундай ҳолга бориб етган эди.

Абу Али ибн Сино йигитни жуда спичиклаб текширди, лекин бирор аъзосида касаллик аломати топмади. Аммо, йигитнинг аҳволи жуда танг эди. У жуда озиб кетган, ранги рўйи кетган ва ҳолидан кетган ўридан ҳам туролмасди. Бунинг кўрган Ибн Синода бир фикр пайдо бўлди: «Юқори табақадан бўлган ва бирор нарсага муҳтожлиги бўлмаган, ҳамма аъзолари соғлом бу йигитни севги дардидан бошқа нима бундай аҳволга солиб қўйиши мумкин?» Ибн Сино ўзининг бу тахминини жуда донолик билан аниқлаб олди: Ибн Сино шу шаҳардаги ҳамма кўчалар ва уйлари яхши биладиган одамни топиб келишларини сўрайди. Шундай одамни топиб келдилар. Шундан сўнг Ибн Сино «беморнинг» томирини ушлаб туриб ҳалиги одамдан шаҳар кўчаларининг номини бирма-бир айтишини сўради. У киши айта бошлади. Шу тариқа саройга яқинроқдаги бир кўчанинг номи айтилганда йигитнинг томири ўриши сезиларли даражада тезлаша бошлайди. Шунда Ибн Сино шу кўчадаги ҳовлиларнинг эгалари номини айтишини сўради. Маақур кўчадаги ҳовлилардан бирида яшовчи бир кичик амалдорнинг номи тилга олинганда йигитнинг томири яна ҳам тез ура бошлади ва униги ҳаяжон ортиб кетди. Ниҳоят, Ибн Сино шу ҳовлида яшайдиган била аъзоларининг номини бирма-бир айтишнинг натижасида қилди. Ота-она ва акалардан кейин шу оиланинг

қизининг номи тилга олинганда «бемор» йигитнинг томири шу қадар тез уриб кетдики, ҳатто уни санаб ҳам бўлмасди, йигитнинг ўзи ҳам ҳушдан кетиб қолди. Шундай қилиб, Ибн Сино «касал»нинг сабабини аниқлади.

Ибн Синонинг маслаҳати билан йигитнинг шу қизга уйланишига розилик бердилар ва у тез кунда соғайиб кетди.

Бундан кўп мамнуи бўлган амир Манучехра Ибн Синога шаҳарда очик яшаб, бемалои ўз илмий ишлари ва табиблик фаолияти билан шугулланишига рухсат берди. Бу ҳодисани Ибн Сино ўз асарларида бирида келтириб, касаллик пайдо бўлишида руҳий ҳолатининг ролини кўрсатган эди.

Ибн Синонинг табиблик фаолиятида бундай мураккаб муаммоларни донолик билан ҳал қилганлиги ҳақида миқсолар жуда кўп. Шунлардан бирини келтирамиз.

Бир кун Ибн Сино руҳий касалликка учраб қолиб, ўзини ҳўкиз деб фарз қилган ва атрофдагилардан уни сўйиб, гўшг қилишни тўхтовсиз талаб қилаётган бир беморни даволаш учун чақирадилар. Бемор овқат емасди ва озиб кетган эди. Ибн Сино беморни кўздан кечириб бўлгандан сўнг ёрдамчиларига униги қўл-оёғини боғлаб сўйишга тайёр қилишни буюрди. Беморнинг қўл-оёғи боғланиб чуқур ёнига ётқизилгандан сўнг Ибн Сино қўлига катта пичоқ олиб униги олдига боради ва у ёқ-бу ёғини ушлаб кўриб бундай дейди: «Бу ҳўкиз жуда озгин экан, унда ҳеч ёғ йўқ, гўшти ҳам чақирдан бошқа нарса эмас, шунинг учун у ҳозир сўйишга арзаймайди. Аввал уни яхшилаб боқинглар, у семирсин, сўнг мен ўзим келиб уни сўймам»—дейди. Бунинг эшитган бемор шу кундан бошлан овқат талаб қила бошлайди. Овқатга эса Ибн Сино керакли дориларни қўшиб беради. Бунинг натижасида бемор тезда соғайиб кетади.

Бу ерда шунинг ҳам айтиб ўтиш кераки, Ибн Синонинг ҳаёти ва табиблик фаолияти ҳақида кўнгина ҳақиқатдан узоқ афсоналар ҳам тўқилган. Уларнинг кўпчилиги Ибн Синони мўъжизакор-шифокор сифатида ифодалайди. Абу Али ибн Сино Журжонда тўрт йилча яшади. Бу даврда у кўнгина асар ёзди. Ўзининг табобатга оид машҳур асари «Китоб ал-қонуи фит-тибб»ни ҳам шу шаҳарда ёза бошлаган эди. Бу ҳақда Абу Убайд Жузжоний бундай хабар беради: «Мен ҳар кунни устозининг олдига бориб турар эдим ва «Ал-мажастий» китобини ўқирдим. Мен у кишидан маъни айтиб турсангиз, мен қорозга ту-

тирсам, деган эдим, у киши «Ал-мухтасар ал-авсар фил-маптик» («Уртача кичка маптик»)ни айтыб бердилар, мен эзиб олдим... Шайх жуда кўп китоб тасниф этди. Булардан «Китоб ал-қонун»нинг бошлангич қисми, «ал-Мажастиийнинг қисқартмаси» ва кўп рисоалар уша шаҳарда ёзилган эди. Ундаи сўнг Жабал элида бошқа китобларни ёзди»¹.

Абу Убайд Жузжоний шу ерда Абу Али ибн Сино томонидан ёзилган 21 йприк ва 26 кичик китоблар (рисоалар) рўйхатини келтиради. Ибн Синонинг ҳар бир йприк асарини ўзи бир неча жилдан иборат эди. Масалан, «Китоб ал-ҳосил ва ал-маҳсул» ва «Китоб ал-нисоф»нинг ҳар бири 20 жилдан, «Китоб уш-шифо» 18 жилдан, «Лисон ал-араб» 10 жилдан, «Китоб ал-қонун фиттибб» 14 жилдан иборат эди. Шуларни ҳисобга олсак, Абу Али ибн Синонинг ақл бовар қилмайдиган даражада меҳнат қобилиятига эга эканлигига қўйил буламиз. Ҳақиқатан ҳам Ибн Сино жуда кам учрайдиган меҳнат қобилиятига эга киши эди. Бу ҳақда Жузжоний шундай ҳикоя қилади: «Устоз олдидаги тахта (хонтахта)да доим даста-даста қоғозлар турарди. У айрим қоғозларга ёзмакчи бўлган китобларининг номи ва мундарижаларини ёзиб қўларди (у бир вақтнинг ўзида бир неча асар устида ишларди). Сўнг шу мундарижага қараб китобларининг мазмунини ёза бошларди. Бунда баъзан у китоб, баъзан бу китобни қўлга оларди. У ҳар кунини 50 бетдан кам ёзмади, ёзаётганида деярли ҳеч вақт бошқа маъбаларни қидирмай, ёдида сақлаб қолганларига асосланарди»².

Ибн Синонинг ҳаддан ташқари иш қобилиятига эга эканлигини қўйидаги мисол яна ҳам яққол кўрсатади. Унинг «Ал-нажот» асарини ўқиган шерозлик олимлар китобнинг мазмунига тушуинмай, унга шарҳ ёзиб бериш-

ни натижасиз қилиб, хат билан мурожаат қиладилар. Ибн Сино бунини бир кечада ёзиб беради.

Абу Убайд Жузжоний бу ҳақда шундай маълумот беради: «Шайх Жузжонда «Ал-мухтасар ал-асгар фил-маптик» асарини ёзди. Худди мана шуни кейинчалик у «Ал-нажот»нинг бош қисмига киритди. Бу китобдан бир нусхаси Шерозда пайдо бўлиб қолган экан. У ердаги илм аҳллари уни ўқиб чиқиб, баъзи масалаларни тушуна олмай бошларди қотибди. Кейин улар шу масалалар юзасида тугилган саволларни бир даста қоғозга ёзганлар. Шероз қозиси ҳам худди уша олимлар ҳолига тушган экан. У саволлар ёзилган қоғозларни Абул Қосим ал-Қирмонийга¹ йўллаган... Абул Қосим шайхга саволлар ёзилган қоғозларни тошвириди. Шайх саволлар ёзилган қоғозларни ўз олдида ёйиб қўйди. У ерда ҳозир бўлганлар ўзаро гаплашиб ўтиришар, шайх эса уйга ботиб қоғозларга қараб-қараб қўярди. Сўнгра Абул Қосим чиқиб кетди. Шайх эса ментга оқ қоғоз келтиришини ва уни қирқиб, бир неча даста қилиб қўйишини буюрди. Мен унга беш даста қоғоз тайёрлаб бердим. Уларнинг ҳар бири ўн варақдан иборат эди. Биз ҳуфтон номозини ўқидик. Шам келтирилди. Шайх шароб суради, мен ва укасини ўтқизиб, «буни чачинлар» деб буюрди. Ўзи бўлса ҳалиги саволларга жавоб ёзишга киришди... Шу тариқа ярим кеча бўлди. Мени ва Шайхнинг укасини уйқу элтиб, мудроқ босди. Шунда Шайх бизга бориб ухлаб дам олишлар деди. Ўзи бўлса ҳамон ёзар эди. Саҳар пайти кўчмидир келиб эшигимни тақиллатди. Бу Шайхнинг ҳузуридан келган одам экан, у киши мени чақиртириб юборибди. Кириб келсам, Шайх жойномозда чўкка тушиб ўтирарди. Олдида жавоб ёзилган беш даста қоғоз турарди. Мени кўриб «мана буларни олгинда, Абул Қосим ал-Қирмонийга элтиб бер» деди... Мен жавоб ёзилган дас-

¹ Абу Убайд ал-Жузжоний. Ибн Сино ҳақида. «Гулистон», 1976 й., 6-сон, 9-бет.

² Абу Убайд ал-Жузжоний. Ибн Сино ҳақида. «Гулистон», 1979 й., 6-сон, 12-бет.

¹ Абул Қосим ал-Қирмоний Жузжонийнинг кузга кўринган фозилларидаи бири эди.

та-даста қоғозларни Абул Қосимга олиб борганимда, буларни кўриб у даҳшатга тушди (қандай қилиб бир кечаду шунча қоғозга жавоб хат ёзиш мумкин!). Жавобни Шероздан келган чопарга бериб, у ердаги олимларга жўнатди. Бу воқеани уларга хабар қилиб, жавоб қандай ёзилганини маълум қилди. Ана шу тариқа бу гаплар халқ ўртасида тарқалиб, тарихий воқеа бўлиб қолди...»¹.

Ҳақиқатан ҳам шу воқеадан сўнг Ибн Сино ҳақида кўп афсонавий эртаклар тарқалган экан.

Шу кунларда «Султон Маҳмуд Журижонга юрнин қилар эмиш» деган гап тарқалди. Ибн Сино буни эшитиб Журижондан чиқиб кетиб, Рай шаҳарига жўнайди. Райда Сайида номли аёл киши ҳоким эди. Журижонийнинг ёзишча, Ибн Синонинг қўлида Сайида номига ёзилган нома бор эди. Журижоний бундай деб ёзади: «Улар Шайхнинг кимлигини ўзи олиб келган хатидан билишди. Хатда Шайхнинг обрў-эътибори, таърифи баён этилган эди»². Аммо Журижоний хат ким томонидан ёзилганлигини кўрсатмайди. Бизнингча, бу номани Абу Райҳон Беруний ёзиб берган бўлиши керак. Маълумки, Беруний бир вақт Райда яшаган эди. Бинобарин, Рай ҳукмдори Сайида билан Берунийнинг муносабатлари яхши бўлган бўлиши керак.

Рай ҳам ўша вақтда анча ривож топган шаҳарлардан бири эди. Бу ерда кўпгина олимлар, файласуфлар, табиблар ва санъат намояндалари яшардилар. Абу Бакр Розий ҳам шу шаҳарда туғилиб ўсиб, камолатга эришган эди.

Сайида Ибн Синони ҳурмат билан кутиб олади ва унинг учун зарур шароит яратиб беради. Сайиданинг Маждуд Давла исмли ўғли бўлиб, у қандайдир руҳий касалликка дучор эди. Абу Али ибн Сино уни муваффақчи-

ятли даволайди. Бундан кўп хурсанд бўлган Сайида Ибн Синога нисбатан яна ҳам ҳурмат билан қарай бошлайди. Ибн Сино Райда ҳам ўз ижодий ишларини давом эттириб, бир неча асар ёзди. Масалан, Журижонийнинг кўрсатишича, Ибн Сино бу ерда «Китоб ал-маод» («Манзилгоҳ ҳақида китоб») номли асарини ёзган.

Аммо, Султон Маҳмуд Ибн Синони таъқиб этишни тўхтатмади. Ибн Синонинг Райдалигини билиб, Сайидадан уни Ғазнага юборишни талаб қилди. Акс ҳолда Райга қарши уруш очишини билдирди. Аммо, зўр ақл-идрокли ва тadbиркор Сайида урушнинг олдини олган.

Ривоятларга кўра, Сайида Султон Маҳмудга қуйидаги мазмунда хат ёзган: «Агар уруш натижасида сиз менни енгсангиз, одамлар Султон Маҳмуд фақат ожиз аёллигига енгди дейдилар, холос. Агар мен енгсам, сиз учун жуда катта номус бўлади»¹. Шундай қилиб, Султон Райга ҳарбий юришни тўхтатади. Лекин барибир Ибн Сино Райдан чиқиб кетишга мажбур бўлади.

Ибн Сино учун яна бир умидли жой бор эди. Бу Ҳамадон эди. Ибн Сино бир оз вақт Ҳазвинда яшаб, сўнг Ҳамадонга келди. Ҳамадон ҳукмдори Шамсуддавла тез-тез хуруж қилиб турадиган пача касаллигига мубтало эди (унда хроник колит бўлган бўлса керак). Шунинг учун у доим тажрибали табиб ёрдамига муҳтож эди. Шу сабабли Шамсуддавла Ибн Синони яхши қабул қилган.

Шамсуддавла Ибн Синони ўз ҳузуридан узоқлаштирмас эди. Ибн Сино унинг учун энг яқин киши бўлиб қолди. Абу Али ибн Синонинг ҳуқуқшунослик билими ва давлат тузилиши масалаларини яхши билишидан хабардор бўлган Шамсуддавла уни ўзига вазир қилиб олади.

Ибн Сино вазирлик вазифасига ўтгандан сўнг ўз замонасининг энг илғор кишиси сифатида халқ манфаати-

¹ Абу Убайд ал-Журижоний. Ибн Сино ҳақида, «Гулистон», 1979 й., 6-сон, 11—12-бетлар.

² Абу Убайд ал-Журижоний. Ибн Сино ҳақида, «Гулистон», 1979 й., 6-сон, 9-бет.

¹ Султон Маҳмуд Райни Сайида ўз ажали билан вафот этгандан сўнг босиб олган.

ни кўзлаб кўнгина тadbирларни амалга оширадди. Хусусан, мамлакат ободончилиги, халқнинг моддий ва маънавий аҳволини яхшилаш каби ишларга аҳамият бера бошлайди. Фан, санъат ва адабиётни ривожлантириш чораларини кўрди. Ибн Сино давлат ишлари билан банд бўлишга қарамай, ўзининг ижодий фаолиятини тўхтатмайдди. Ҳар бир бўш фурсатдан фойдаланиб, ўқини ва ўзини давом эттирадди. Абу Убайд Жузжонийнинг кўрсатишича, Ибн Сино Ҳамадонда «Ал-қонун»нинг биринчи иккидан тугатади. Бундан ташқари, «Китоб уш-шифо»нинг ҳам асосий қисмларини ёзди. Баъзи маълумотларга кўра, Ҳамадонда Ибн Сино ўз шоғирди Жузжоний билан биргаликда бир беморни операция қилиб, унинг қовуридан тошни олиб ташлайди. Бошқа бир беморни операция қилиб, ундаги полиппни кесиб ташлайди.

Ҳамадонда Ибн Сионинг ҳаёти аввалгиса жуда яхши шароитда ўтди. У давлат арбоби ва буюк олим-табиб шифатида жуда катта обрўга эга эди. Ўзи ҳам илм аҳлилари, санъаткорлар, шоирлар ва ҳар хил ҳунар соҳибларини жуда ҳурматлар, уларни қўллаб-қувватларди. Уларнинг кўпи билан дўст эди. Кўпинча ўз уйига олим ва санъаткорларни таклиф этиб, улар билан суҳбатлар, мунозаралар ўтказарди. Бу ҳақда Жузжоний ёзади: «Деярли ҳар кеч Шайхнинг уйига илм аҳллари йиғилишарди. Мен улар олдида «Дар уш-шифо» китобидан айрим бобларни ўқирдим. Бошқа талабалар «Ал-қонун»нинг айрим қисмларини ўқирдилар. Китоблар ўқиб бўлишгандан кейин меҳмонларга ҳар хил ширинликлар ва таомлар тортиларди. Уларга қадаҳларда шароб келтириларди. Машшоқлар саз чалар, хонадалар кўннинг айтардилар»¹.

Аммо, Жузжонийнинг ўзинича, бир ҳодиса руи бериб, Ибн Сионинг тинч ҳаёти бузилади. Ибн Сино ҳар-

бий бошлиқлар молия ишларини суйинистеъмон қилганлигини билиб қолиб, уларга маош тўлашни тўхтатиб қўяди. Бундан порози бўлган ҳарбий бошлиқлар ўз павбатда аскарларини Ибн Синого қарши гиж-гижлайдилар. Улар Ибн Сионинг уйига бостириб кириб, уйдаги ҳамма нарсаларини талон-тороғ қиладилар; асарларини ва қўлёмаларини ёқиб юборадилар. Ибн Сионинг ўзини тутиб келиб, амирдан уни қатл қилишни талаб этадилар. Аммо, амир Ибн Сионни ўлдирishга ботинолмайдди. У олимни давлат ишларидан четлатади, ҳелос.

Бир оз вақт ўтгандан сўнг Шамсуддавла Ибн Сионни яна саройига чақирishга мажбур бўлади, чунки унинг касали яна хуруж қилиб, Ибн Сионинг ўрдамига муҳтож бўлади. Бу ҳақда Жузжоний шундай хабар беради: «Бу орада амр Шамсуддавланинг санчиқ касали яна тутиб, у Шайх Абу Алини топиб келишни буюрди. Шундан сўнг Шайх амр хузурига келди. Амр юз берган ҳодиса ва воқеалар учун Шайхга ҳар томонлама ўзр баён этди. Шайх эса амрини даволашга киришди. Бу билан амр Шайхнинг ўзига булган ҳурмат ва эҳтиромини яна қайтадан қозонган бўлди. Шу тариқа вазирлик лавозими иккинчи марта Шайхга қайтиб келди»¹.

Шундай қилиб, Ибн Сино яна вазирлик лавозимини эгаллайди. Аммо у тинч, осойишта ижодий ҳаёт кечира олмайди. Шамсуддавла жуда урушқоқ ҳоким эди. У кўннинг давлатларга тез-тез ҳарбий юриш қилиб турарди. Шуларнинг ҳаммасига Ибн Сионни ўзи билан олиб кетарди. Шундай ҳарбий юришларнинг бирида амр Шамсуддавла вафот этди ва Ибн Сионинг ҳаёти яна оғирланди. Бу ҳақда Жузжоний ёзади: «Кейин Шамсуддавла Торим томонга юриш бошлаб, у ерининг амири билан урушмоқчи бўлди. Лекин у ерга яқин келганда амрининг санчиги яна тутиб қолди. Бу гап унинг дарди жуда

¹ Абу Убайд ал-Жузжоний. Ибн Сино ҳақида. «Гулистон», 1979 й., 6-сон, 10-бет.

¹ Абу Убайд ал-Жузжоний. Ибн Сино ҳақида. «Гулистон», 1979 й., 6-сон, 10-бет.

оғирлашган, касалига бошқа дардлар ҳам қўшилган эди. Чунки амир тартибсиз турмуш кечирар, Шайхнинг режаларига қарамас, маслаҳатларига қулоқ солмасди... Аскарлар Ҳамадон томонга қайтдилар. Амир йўлда тахтиравонда вафот этди»¹.

Шамсуддавла вафот этгандан сўнг тахтга ўтирган унинг ўғли Самоуддавла Ибн Синога унчалик ҳурмат билан қарамади. Шу сабабдан, у саройдан кетди ва Жузжонийнинг ёзишча, Абу Ғолиб ал-Аттор номли кишининг уйига кўчиб бориб, ўша жойда яшай бошлади. Бу ерда Ибн Сино ўз илмий-иждодий ишларига яна берилиб кетди. Жузжонийнинг кўрсатишча, бу ерда у «Китоб уш-шифо»нинг «табиёт» ва «илоҳидёт» ҳақидаги бобларини ёзиб тугатади ва унинг «мантиқ» қисмини ёзишга киришади.

Аммо Ибн Сино учун Ҳамадонда хавfli вазият вужудга келди. У амалга оширган тadbирлардан порози бўлган сарой амалдорлари Ибн Синодан ўч олиш мақсадида унга нисбатан душманлик қила бошладилар. Бундай шароитдан қутулиш мақсадида Ибн Сино қўшни Исфahон амири Алоуддавлага хат ёзиб, ундан ўзини қабул қилишини сўрайди. Бироқ хат қандайдир йўл билан Самоуддавланинг вазирларидан бири Тождул-мулк қўлига тушади. У хатни Самоуддавлага етқизади. Шайхни тутиб олиб Фардажон қалъасига қамаб қўядилар. Жузжонийнинг ёзишча, Ибн Синони қамоқхонага олиб келар эканлар, у ўз аҳволининг оғир эканлигини сезиб бундай шеър айтади:

Кирмагим бунга аён,
Мисли ўзинг кўрган каби.
Лек бу ердан чиқмоғим,
Шак-шубҳали амри маҳол.

¹ Абу Убайд ал-Жузжоний. Ибн Сино ҳақида. «Гулстон», 1979 й., 6-сон, 10-бет.

Ибн Сино қамоқда тўрт ой чамаси ётади. Аммо у тушқуликка тушмайди. У қамоқда ҳам ўз иждодий фаолиятини давом эттиради. Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишча, Ибн Сино бу ерда тибга онд ўзининг машҳур «Китоб ал-қулунж» («Ичак санчиқлари») номли асарини ёзган. Бундан ташқари, у шу ерда иккита фалсафий асар— «Ҳайй ибн Яқзон» («Тирик ўғли уйғоқ») ва «Китоб ал-ҳидоят» («Тўғри йўл ҳақида») китобларини ёзган.

Бу вақтда Исфahон амири Алоуддавла Ҳамадонни босиб олиб, бир қанча вақт уни ишғол қилиб турди. Бунинг натижасида Ибн Сино қамоқдан қўтилди. Аммо, барибир унинг Ҳамадонда яшаши хавfli эди. Шу сабабдан у яширинча Ҳамадондан чиқиб кетади ва Исфahонга жўнайдди. Исфahон амири Алоуддавла Ибн Синони яхши қабул қилади. Олим учун бу ерда жуда яхши шароит яратиб берилади.

Бу ҳақда Жузжоний шундай маълумот беради: «Аммо кейинроқ Шайхнинг яширинча Исфahон томонга жўнашига тўғри келди. Ушанда, мен Шайхнинг укаси ва икки хизматкор Шайх билан биргаликда сўфилар кийимида шаҳардан чиқиб кетдик. Исфahон дарвозаси бўлиши Табаристонга кўп қийинчиликлар билан етиб келгач, бизни Шайхнинг у ердаги дўстлари, яқин кишилари ҳамда Алоуддавла юборган махсус кишилар кутиб олдилар. Улар Шайхга махсус кийим-кечак ва уловлар тортиқ қилдилар. Шайхни Қунигунбаз деган маҳаллада Абдуллоҳ ибн Бобий деган кишининг уйига жойлаштирилди. Бу жойда тирикчиликка зарур барча ашё-анжом мавжуд бўлиб, хоналарга гилам ва палослар тўшалган эди»¹. Абу Али ибн Сино сарой олимлари қаторига киригилади. Саройда бўлиб турадиган олимларнинг мунозараларида қатнашиб туради. Жузжонийнинг айтишча, бу мунозараларда ҳеч бир олим Ибн Синодан ўтиб кета олмас эди.

¹ Абу Убайд ал-Жузжоний. Ибн Сино ҳақида, «Гулстон», 1979 й., 6-сон, 10-бет.

Шундай қилиб, Ибн Сино ҳаётида яна бахтпёр кунлар бошланди. У бутун вужудин билан ижодий ишга берилиб кетди. Бу ерда оз вақт ичида «Китоб ал-асоний» асарини ёзди. «Уш-шифо»нинг барча асосий қисмларини тугатди. Жузжонийнинг кўрсатишича, бу ерда Ибн Сино ўзи асарлар ёзиш билан бирга философия, математика, астрономия соҳасидаги машҳур асарларга шарҳлар ёзди, уларнинг баъзи камчиликларига аниқликлар киритди ва ўз таъриба ҳамда фикрлари билан уларни тўлдирди. Масалан, Ибн Сино «Ал-мажаастий» («Алмагест») га қўшимча унта ҳандасавий шакллар киритган. Унинг астрономияга оид қисмини ҳам янги гипотезалар билан тўлдирди. Уқлидус (Эвклиднинг) китобига янги тенгламалар қўшди.

Шу билан бирга ўз асарларини ҳам тугатини устидан олиб борди. Уларни такомиллаштирди. «Уш-шифо» китобининг муҳиқа назариясига оид қисмига ўзидан олдинги олим ва санъатшуносларга маълум бўлмаган янги қонда ва усулларни қўшди. Унинг рибзипёт қисмига ҳам қўшимчалар киритди.

Ибн Синонинг Исфаҳондаги ижодий ҳаётида юз берган муҳим ҳодисалардан бири бу ердаги астронимик кузатишлари эди. Жузжонийнинг ёзишича, бу ишни унга Алоуддавланинг ўзи сайёралар (планеталар) жадвалига аниқлик киритиш мақсадида топширган эди. Ибн Сино ўз шогирди Жузжоний ва бошқа олимлар билан биргаликда бундай текширишлар учун янги кузатини асбоблари кашф этиб, улардан фойдаландилар. Бунинг натижасида сайёраларнинг жойлашини ва уларнинг ҳаракат йўли масалаларига бир қанча аниқликлар киритилди.

Тарихчиларнинг берган маълумотига кўра, Исфаҳонда Ибн Сино раҳбарлигида бир касалхона барпо этилган. Бу касалхонанинг қурилиш тарихи қизиқ бўлган. Ибн Сино томонидан тузилган касалхона лойиҳасида касалхона «Даволаш уйи» деб ёзиб қўйилган эди. Алоуддава лойиҳани тасдиқлашда бу сўзни «Беморлар уйи»

деб ўзгартириб қўяди. Шунда Ибн Сино жуда ҳам мулоимчани ва одоб билан Алоуддавага касалхонани «Даволаш уйи» деб аталиши мақсадга мувофиқ эканлигини, чунки «Беморлар уйи» дейилганда умидсизлик юзата келиши, мақсад эса, беморларни даволаб, уларни дарддан озод қилиш эканлигини тушунтиради. Яна Ибн Сино — «Менинг кузатишларимга кўра ҳасталикдан қутилиш умиди беморлар учун энг яхши табибдир», — деб қўшиб қўяди. Шунда Алоуддава Ибн Синога қараб бир оз ўйлаб қолади ва сўнг «Беморлар уйи» деган сўзни кескилик билан ўчириб, «Даволаш уйи» деб ёзиб қўяди.

Исфаҳонда Ибн Синонинг ўз мақсади йўлида нақадар қаттиқ турлиши ва сабот-матонатли эканини кўрсатувчи яна бир қизиқ ҳодиса юз берган.

Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишича, Алоуддава саройида тез-тез бўлиб турадиган илмий мупозаралардан бирида араб тили қондалари ҳақида сўз борарди. Бу ерда йирик тилишунос Абу Мансур ал-Жаббон ҳам бор эди. Бошқалар қатори Ибн Сино ҳам бу масалага писбатан ўз фикрини баён қилди. Шунда Абу Мансур ал-Жаббон дарҳол Ибн Сино томонга ўгирилиб: «Ростини айтсам, сен умуман ёмон файласуф ва ҳаким эмассан, аммо, тил илминини чуқур билмайсан, шунинг учун сенинг фикринг бизни қониқтира олмайди», — деди. Шайхга бу гап жуда қаттиқ ботади. Шундан сўнг у уч пил давомида тилга оид китобларни жуда қўнт билан мутолаа қилади. Хуросондан Абу Мансур ал-Азхарийнинг машҳур асари «Таҳзиб ал-луға» («Тилининг тозаллиги») помли луғатини сураб олиб, уни ҳам чуқур ўрганиб чиқади. Бунинг натижасида у тил илминини мукаммал билиб олади ва уч хил мураккаб усулда унга қасида ёзди. Уларни эскирган муқовага қоплатади ҳамда эскирган тус беради. Сўнг бу китобларни Алоуддавага олиб бериб, масаланинг моҳиятини тушунтиради ва уларни Абу Мансур ал-Жаббонга кўрсатишни илтимос қилади. Ал-Жаббон китобларининг мазмунини айтиб бериши керак эди. Амир Ибн

Синонинг илтимосини қабул қилиб, галдаги олимлар йиғилишида уни Ал-Жаббонга кўрсатади ва бундай дейди: «Биз бу китобларни овга чиққанимизда ўрмондан топиб олдик, бу китоблар тил соҳасида бўлса керак. Унда ёзилганларнинг маъносини бизга тушуштириб беринг». Ал-Жаббон китобларни қўлига оладию, лекин у ерда ёзилганларнинг кўпини тушунолмаي қийналади. Шунда яқинроқ жойда турган Ибн Сино Ал-Жаббоннинг олдига келиб, «Сиз тушунолмаётган сўзлар фалон китоб, фалон лўғатларда бор» деб тилга оид бир қанча китобларнинг номини санаб беради. Шунда Ал-Жаббон бу китобларни Ибн Синонинг ўзи ёзганлиги ва улар Ал-Жаббоннинг Ибн Синога қилган киноясига жавоб эканлигини тушунади. Ал-Жаббон ўшанда Ибн Синони менсимай, ножўя гапириб қўйганидан ҳижолат бўлади.

Бу ерда шунини ҳам кўрсатиб ўтиш керакки, Ибн Синонинг уч йиллик меҳнати бекор кетмади. У ўзининг шу меҳнати туфайли тил илмига оид «Лисон ал-араб» номи катта асар яратди.

Бундан ташқари, Ибн Сино Исфахонда «Китоб ал-инсоф» номи асар ҳам ёзди.

Умуман олганда Ибн Сино ўзидан илгари ўтган ва ўз замондоши билан бирор нарсада албатта ажралиб турарди. Масалан, С. Қовнернинг ёзишича, Ибн Синони Ал-Қиндий билан таққослаш мумкин, аммо ундан Ибн Сино ўз фикрларининг чуқурлиги билан ажралиб туради. Розий билан таққосланганда Ибн Сино ундан практикада (тиббий практика) бир оз қуйроқ ўрин эгаллайди, аммо бунинг ҳисобига Ибн Сино Розийдан философияда устун туради. Абдул Малик ибн Зоарга келганда бу олим фақат табибдир, холос. Ибн Сино эса ҳам табиб, ҳам философдир. Ибн Сино ўз фалсафий билими билан Ибн Рошдга тенг келади, аммо табибликда ундан ўтиб кетади.

Алоуддавла ҳам тинч яшамас эди. У ҳам тез-тез ҳарбий юришлар қилиб турарди. Шу сафарларда Ибн Сино

ҳам қатнашишга мажбур эди. Шу сабабли у кўпгина асарларини сафарларда, йўлда ёзган эди. Масалан, Жузжонийнинг кўрсатишича, Ибн Сино «Уш-шифо» китобининг «Ан-набот» («Ўсимликлар») ва «Ал-ҳайвон» («Ҳайвонлар») қисмларини Алоуддавла Собурхостга юрини қилганида йўлда ёзиб тугатган. Бундан ташқари, Ибн Сино ўзининг машҳур фалсафий асари «Ан-нажот» («Ўзтириш») ни ҳам сафарда бўлган пайтда ёзиб тугатган.

Шундай қилиб, Абу Али ибн Сино Исфахонда ҳам унчалик тинч ҳаёт кечирган эмас. Доимо унинг олдида бирор кўнгилсиз ҳодиса чиқиб турарди. Масалан, Ибн Сино Исфахондаги вақтида шаҳарга Ғазна ҳукмдори Султон Маъсуднинг¹ аскарлари бостириб кириб, аҳолини талон-тарож қиладилар. Бу тўполонда Ибн Синонинг кўп асарлари ва қўлёзмалари йўқ бўлиб кетади. Масалан, Жузжонийнинг ёзишича, бу талон-тарож вақтида Ибн Синонинг «Китоб ал-инсоф» асари бутунлай ном-нишонсиз йўқолган. Баъзи тарихчиларнинг кўрсатишича, Ибн Сино бу асарларини яна ёддан тиклаган.

Улуғ шифокор олимнинг бундай доимий нотинч бўронли ҳаёти ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Шаҳар-ма-шаҳар кўчиб юришлар, қувғинлар, қамоқлар ва ҳатто ҳаёт оқибат-натигада унинг саломатлигига путур етказди ва у 1037 йилда Ҳамадонда 57 (ҳижрий ҳисобида 58) ёшида оламдан ўтди.

Абу Али ибн Сино ҳаётининг сўнгги кунлари ҳақида Абу Убайд Жузжоний қуйидаги маълумотни беради: «Шайх Абу Али мижози кучли одам эди. Ўз қуввати ва мижозига қаттиқ ишонарди. Бу кайфият унда Қараж дарвозаси олдида Алоуддавла билан Абу Аббос Тошфаррош ўртасида уруш бўлганда² унда санчиқ пайдо бўлгунга қадар давом этди... Шайх тезроқ тузалиб кетини мақсадда ҳар кунни ўзига ўзи ҳўқна қила бошлади. Натижада

¹ Султон Маҳмуднинг ўғли.

² Бу уруш 427 (ҳижрий) йилда бўлиб ўтган эди.

униги ичаги тирналиб, яллиғланиб кетди. Шайх шундай насал ҳолда ҳам Алоуддавла билан бирга сафарда бўлишга мажбур эди. Улар Изожга томон жўнадилар. Аммо, бу ерда Шайхни хала тутиб қолди. Шайх бундан тузалиш мақсадида ўзига ўзи ҳуқна қилишни давом эттирди. Аммо, бунинг натижасида пчагида пайдо бўлган яллиғланиш санчиқни зўрайтирди. Шайх ҳуқнада ишлатиладиган дорига бир гал икки дирҳам карфас (кашнич) уруғи қўшишни буюрди. Бу билан санчиқ вақтида пайдо бўладиган пчак дам бўлишни йўқотмоқчи бўлган эди. Уни даволаётган табиблардан бири ҳуқнага икки дирҳам урнига беш дирҳам солиб юборибди. Табиб бунни атайлаб қилдими, ёки янглишиб дорини кўп солиб юбордими — бунишни мен билмадим, чунки ўшада мен буни устида йўқ эдим. Шу тариқа карфас уруғининг зўрлигидан Шайхнинг ичагидаги яллиғланиш баттар зўрайиб кетди. Шайх хала тутишнинг даф қилиш мақсадида мусрузитус (митридат) дорисини ҳам қабул қилди.

Хизматкорлардан бири ичиладиган дорига афъюнни кўп қўшиб қўйган экан. Бунинг Шайх билмай ичиб юборибди. Хпёватининг сабаби шу эдики, ўша хизматкор Шайхнинг анчагина маблағини ўғирлаган эди. Шайх тузалиб кетса, бу қилишни учун жавоб беришнинг билиб, у Шайхнинг улимни истар эди.

Шайхни шу аҳволда тахтиравонда Исфохонга олиб келдилар. Бу ерда у ўзини ўзи даволади... Бунинг натижасида у анчагина қувватга кириб, Алоуддавланинг йўғилишларида ҳам иштирок этадиган бўлиб қолди. Аммо, кўп ўтмай, унинг касали яна хуруж қила бошлади. Шу вақт Алоуддавла Хамадон томон юрши бошлади. Шайх у билан бирга сафарга жўнади. Йўлда Шайхнинг аҳволи жуда оғирлашиб қолди. У бутунлай кучдан қолган эди. Шайх энди соғайиш умиди бутунлай йўқлигига ишонди ва бундай деди: «Вужудимни идора қилаётган куч менга нажот беришдан ожиздир. Энди бундан буён муолажа фойдасиздир».

Шундай қилиб, Шайх даволашнинг тўхтади ва бир неча кундан сўнг тағри даргоҳига кучди. У эллик сакиниз йил умр кўрди. Бу воқеа 428 ҳижрий йилнинг 18 июнида содир бўлган эди¹.

Шундай қилиб, бу буюк сиймонинг ҳаёт риштаси узилди. Минг-минглаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолган бу буюк табиб ўз ҳаётини сақлаб қолишдан ожиз эди.

Кўп тарихчилар Ибн Сино қулунж (колит) касаллиги билан оғирган эди, деб ёздилар. Бизнинг фикримизча, колитнинг ўзи эмас, балки унинг пчаларида ўсма касаллиги (рак) пайдо бўлган бўлиши керак. Чунки Ибн Синодек буюк табиб колит касаллигини тузата олар эди. Фикримизни яна шу нарса тасдиқлайдики, Ибн Синола касаллик бошлангандан сўнг у роппа-роса бир йил, яъни рак касаллигига учраган касалларнинг умрига тенг умр кўрган.

Абу Али ибн Сино ўша даврда энг буюк табиб бўлишга қарамай, улим олдида ўзи ҳам ожиз эканлигини тан олиб, бундай байт ёзиб қолдирган эди:

Қаро ер қаъридан то авжи Зухал—
Койнот мушкулун барин қилдим ҳал.
Кўп мушкул тугунни англадим, ечдим.
Ечилмай қолгани биргина ажал.

Дарҳақиқат, бу улўғ довишманд билмаган фан ва ҳаёт сирини қолмаган эди. Аммо, Ибн Сино қанчалик буюк табиб бўлмасин, улим сирини унинг учун ҳам маълум эмас эди.

Абу Али ибн Сино дастлаб Хамадон шаҳрининг жанубий девори яқинидаги қабристонга қўмилган эди. Бу жой кўп асрлар давомида кишилар учун зиёратгоҳ бўлиб хизмат қилди. 1952 йилда Абу Али ибн Синонинг ҳижрий йил ҳисобида ўтказилган минг йиллик юбилейи

¹ Абу Убайд Жузжоний. Ибн Сино ҳақида. «Гулистон», 1979 й., 6-сон, 12-бет.

муносабати билан унинг ҳоки маҳсус қурилган янги мақбарага кўчрилди.

Мавзолейнинг гумбази 12 устун (колонна) устига жойлаштирилган. Архитекторнинг фикрига кўра бу устунлар рамзий маънога эга. Улар Ибн Сино даврида маълум бўлган ва у мукаммал ўзлаштириб олган ўша замондаги асосий 12 та фан соҳаларини ифода этади.

ИБН СИНОНИНГ ТАБИБЛИК ФАОЛИЯТИ

Абу Али ибн Сино ўз давридаги фанларнинг ҳаммасини мукаммал ўзлаштирган бўлса ҳам, ўз касбини асосан табиблик деб билар эди. Айнан шу табиблик соҳасида унинг таланти ва қобилияти айниқса яққол намоён бўлди.

Ибн Сино табобат илмининг назарияси ва амалиёти соҳасида жуда чуқур билимга эга эди. Ўзининг ниҳоятда ўтқир зеҳни ва чуқур билими туфайли Ибн Сино табобат илми соҳасида ўз давридан анча илгарилаб кетди. У медицинанинг мақсад ва вазифасини бошқалардан кўра чуқурроқ ва кенгроқ тушунарди. Чунончи, Ибн Сино ўша замондаёқ медицинанинг асосий вазифаси кишиларнинг саломатлигини сақлашга қаратилган тadbирларни амалга оширишдан иборатдир, деб билган. Бу фикр ҳозирги замон медицинасининг асосий тушунчасига тамомла мос келади. Ибн Синонинг бундай профилактик фикри унинг медицинага оид деярли ҳамма асарларида ўз ифодасини топган.

Абу Али ибн Сино табиб сифатида улуг гуманист эди. У инсон манфаатини доимо ҳамма нарсадан юқори қўяр ва ўз шогирдларидан ҳам шуни талаб қиларди. Бу унинг медицинага берган таърифидан маълум. Масалан, Ибн Сино ўзининг медицинага оид машҳур назмий асари «Уржуза» («Уржуза фит-тибб»)да бундай дейди, «Та-

бобат—бу саломатлиқни сақлаш ва касалликларни даволашдан иборат». Бу фикр олимнинг шох асари «Китоб ал-қонун фит-тибб»да айниқса, яққол ўз ифодасини топган.

Ибн Сино ўзининг бу китобини шундай сўзлар билан бошлайди: «Тиб шундай илмки, у кишиларнинг саломатлигини сақлаш ва касалликларни даволаш мақсадида одам танасини соғ ва касаллик чоғида ўрганади»¹.

Бундан кўриниб турибдики, Ибн Сино киши саломатлигини сақлашни, яъни профилактикани биринчи ўринга қўйган. Олимнинг ўз фаолияти умр бўйи шу мақсадга хизмат қилишга бағишланган эди. Унинг бутун ҳаёти медицинанинг шу асосий вазифаси билан ҳамбарчас боғлиқ бўлган.

«Қонун»да медицина фанининг вазифасига бағишланган махсус мақола бор. Ибн Сино ёзади: «Ҳар бир ҳодисанинг моҳияти унинг сабабини аниқлаш йўли билан очилади. Шунинг учун тибда соғлиқ ва касалликнинг сабабини биллиш керак. Соғлиқ, касаллик ва уларнинг сабаблари тоғо очиқ (аниқ), тоғо аса ёппиқ (поаниқ) бўлиши мумкин. Бу сабаблар ўз кўринишларига қараб фақат ўқиш билангина эмас, балки фикр қилиш йўли билан тушунилади. Шунингдек, табобатда соғлиқ вақтда ҳам, касаллик чоғларида ҳам содир бўладиган ҳолисаларни биллиш керак»². Бундан келиб чиқадиган, табиб ўз фаолиятида дастлаб соғлиқни йўқотишга олиб келган сабабни аниқлаб олиши зарур. Бундан олдин эса, саломатлиқни сақлаш учун нималар қилиш кераклигини биллиш муҳим. Буниш учун Ибн Сино «Соғлиқ» деганда нимани тушуниш кераклигини ҳақида гапириб бундай дейди: «Соғлиқ шундай ҳолатки, бунда органлар ўз вазифасини тўла бажариш қобилиятига эга бўлади»³. Бу иборада

шунга эътибор берили керакки, Ибн Сино бу ерда соғлиқни фақат касаллик йўқлиги деб тушунмайдиган, балки у ёни бу аъзоннинг ўз функциясини тўла бажара олиш қобилияти деб билади. Ибн Синонинг бундан минг йил муқаддам айтган бу фикрлари юксак даражада ривожланган ҳозирги замон медицинаси ва унинг профилактик принципларига тамоман мос келади. Ўрта асрда яшаган олимнинг бу фикрлари ўзининг илғорлиги ва юксаклиги билан кишини ҳайратда қолдиради.

Ибн Сино амалий табобатни иккига бўлади. Булардан бири, соғлом тананинг режими, яъни саломатлиқни сақлашга қаратилган тадбирлар, бўлса, иккинчиси эса носоғ (касал) тананинг режими. Бунда организмнинг ўзини нормал ҳолатига қайтаришни кўзда тутди. Бу ишнинг Ибн Сино даволаш билими деб атади.

Ўз фикрларига содиқ бўлган Ибн Сино изчиллик билан бутун умр организмни турли йўللار билан чиқиштириш тадбирларини тавсия этди. Масалан, жисмоний машаққатлар, спорт, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, оптимал ҳаёт, нормал овқатланиш, ёмон оdatлардан сақланиш ва ҳоказо. Олим чиниқлини ёш болаликдан, хусусан гудакликдан бошлаш зарурлигини уқтиради.

Ҳар қандай тиб олими спигари Ибн Сино ҳам медицинанинг асоси бўлган одам анатомиясини синчиклаб ўрганган. Бунда Ибн Сино одам организмнинг тузилишини шундайгина ўрганиб қолмай, уни ўзининг асосий мақсади — кишиларнинг соғлигини сақлаш ва касалликларни муваффақиятли даволаш учун зарур бўлган тадбирларни аниқлаб чиқишни кўзда тутган. Одам анатомияси «Қонун»нинг биринчи ва учинчи китобларида баён этилган. Биринчи китобда суяклар, мушаклар, нервлар, қон томирлари (артериялар, веналар) баён этилган. Иккинчи томдан иборат бўлган учинчи китобда эса икки аъзолар ва жинсий аъзолар баён этилган. Улар айрим органлар

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари, 1954 й. 1-китоб, 5-бет.

² Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари, 1954 й. 1-китоб, 6-бет.

³ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари, 1954 й. 1-китоб, 6-бет.

касалликларини баён этишдан олдин берилган. Олим одам организми «табиатини» синчиклаб текширган. У одам организмининг тузилишини текшириб кўриб, Галеннинг фикрини тасдиқлайди ва органларни икки—оддий (бир хилли) ва мураккаб (кўп хилли) турга бўлади. Оддий органларга суяклар, мускуллар, пайларни киритади. Мураккаблар қаторига жигар, талоқ, ўпкалар ва шулар каби паренхиматоз аъзоларни киритади. Умуман олганда Ибн Сино одам организми тузилишини ифодалаганда Галеннинг фикрларига асосланади. Лекин ўзидан ҳам кўп нарсалар қўшади ва аниқликлар киритади. Масалан, биз айтиб ўтганимиздек, Ибн Сино кўз мушакларини Галендан кўра аниқроқ ва мукамалроқ тасвирлаб берган. Шунингдек, томirlарнинг тузилишини ҳам тўлиқроқ ёзган. Ибн Сино бурун суякларини алоҳида, юқори жағ суягидан ажратиб баён этган. Ҳатто ундан 500 йил кейин яшаган машҳур анатом А. Везалий бу суякни юқори жағга қўшиб баён этган эди. Ибн Сино ўрта аср тиб олимлари қаторида биринчилардан бўлиб ўмров суяк фақат одамда бўлишини кўрсатган. Гален билак мускулини фақат бир қоринли мускул деб ёзган эди. Ибн Сино унинг икки қоринли эканини кўрсатиб берган. Гален одам ошқозонини қорин бўшлиғининг ўртасида жойлашган деб ёзган эди. Ибн Сино бу хатони тўғри-лаб, ошқозон чапга томон қийшиқ жойлашишини кўрсатиб берган. Ўпканинг тузилишида ҳам Ибн Сино бошқа ўрта аср анатомларига нисбатан тўғрироқ маълумот беради. Масалан, А. Везалий ўпканинг ҳар иккала томонини иккитадан бўлакка бўлинган деб ёзади. Ибн Сино эса бундан кўп аср илгари ўнг ўпка уч бўлакдан иборатлигини кўрсатиб берган. Юракнинг жойланиши ҳақида ҳам Ибн Сино Галенга нисбатан аниқроқ маълумот беради. Гален одам юраги кўкракнинг ўртасида жойлашган деб ёзган эди. Ибн Сино бундай деб ёзади: «Юрак кўкракнинг ўртасида жойлашган, лекин бир оз чапга эн-

гашиб туради»¹. Ибн Сино нерв системасининг анатомик тузилишига ҳам аниқлик киритган. Масалан, Ибн Сино орқа миёна бош миёнанинг давоми эканини кўрсатиб, унда сезувчи, ҳаракатлантирувчи ва аралаш толалар борлигини кўрсатиб берган. Силлиқ толалли мускул билан скелет мускулининг функцияларини аниқ кўрсатиб берган. Медицина тарихчиси Б. Д. Петров эса «Везалий лорак илампанларини тасвир этиб бериб, қон айланиши ўпка доирасининг кашф этилишига асос солди»,— дейди. Бу тўғри эмас. Бу сўзни Ибн Синога нисбатан айтиш керак.

Шуларга асосан Ибн Сино одам анатомиясини шахсан ўзи текширган деган хулосага келиш мумкин. Ибн Синонинг ўзи бундай деб ёзган. эди. «Табиб аъзолар ва уларнинг функцияларини билишга сезги ва анатомик текширишлар ёрдамида етишади»². Бу ҳақда таниқли совет анатом ва медицина тарихчиси В. Н. Терновский бундай дейди: «Қонун»нинг анатомияга оид қисмлари ислом дини маъни қилишига қарамай Ибн Синонинг антиқ анатомлар сингари мурдадан ёриб кўриб анатомик текширишлар ўтказганига шубҳа қолдирмайди»³.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ибн Сино бирор органнинг анатомиясини баён этишда унинг функциясини ҳам кўрсатиб ўтади. Шундай қилиб, олим ҳар бир органнинг анатомиясини унинг физиологияси билан боғ-лайди.

Абу Али ибн Сино организмда содир бўлувчи ҳаётний процессларнинг ташқи муҳит билан боғлиқ эканини таъкидлайди. Бу боғланиш организмдаги суоқликлар, хусусан, томirlлардаги қон орқали амалга ошишини кўрсатиб берган. Шу сабабли,— деб уқтиради Ибн Сино — ҳар қандай касаллик бутун организмнинг хасталигидир.

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб қонушлари. 1958 й., III китоб, I том, 526-бет.

² Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1954 й., I китоб, 8-бет.

³ Терновский В. Н. Ибн Сина. М., 1969 й., 52-бет (русча).

Ибн Сино организмдаги бошқа системаларнинг аҳамиятини ҳам камситмайди. У касаллик вақтида органларда морфологик ўзгаришлар ҳам келиб чиқишини таъкидлади.

Абу Али ибн Сино ўзининг назарий тушунчаларига мос равишда саломатликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар системасини ишлаб чиққан. Бунда гигиена қоидалари ва жисмоний машғулотларга алоҳида ўрин берилган. Жисмоний машғулоти тавсия этилганда беморнинг умумий аҳвали, жинси, ёши ва бошқа ҳолатларини эътиборга олди зарурлигини уқтирган. Масалан, ёшларга тавсия этиладиган жисмоний машғулотларни катта ёшдагиларга, шунингдек, эркакларга тавсия этиладиган жисмоний машғулотларни аёлларга тавсия этиш мумкин эмас, деб уқтиради.

Ибн Сино табиб сифатида жуда ҳам синчков киши эди. У эринмай ҳар бир беморни бошдан-оёқ текшириб, куздан кечирарди. Бунинг натижасида турли касалликларнинг кечиши, узига хос хусусиятлари ҳамда унда бўладиган ўзгаришларни аниқлар ва уларни умумлаштириб хулосалар чиқарарди. Шу йўл билан Ибн Сино таъбабат илмиини янги диагностика ва даволаш усуллари билан бойитди.

Ибн Сино клиник медицинада дифференциал диагностика усулини такомиллаштирди. У биринчи бўлиб тоун билан вабони, плеврит билан ўпка яллиғланишини, гемолитик ҳамда механик сарик касаллигини бир-биридан фарқ қилиш кераклигини кўрсатиб берди. Олим моҳов касаллигини оёқнинг йўқолиши билан касаллигидан ажратиб берди. Илгариги олимлар бу икки касалликни фарқ қилмас эдилар. Ибн Сино биринчи бўлиб менингит касаллигининг аломатларини аниқ баён этди.

Ибн Сино ҳар бир беморнинг узига хос хусусиятга эга бўлишини унутмаслигини таъкидлайди. У бемор организмини бир бутун ва ташқи шароит билан боғлиқ ҳолда текширишни тавсия этади. Бунда унинг ҳаёти ва тур-

муш тарзний эътиборга олиш зарурлигини кўрсатади.

Ибн Сионинг медицинага оид назарий фикрларидаги унинг касалликка нисбатан берилувчанлик ҳақидаги фикри айниқса, диққатга сазовордир. Унинг касаллик олди ҳолати ҳақидаги фикри ҳам муҳим. Бу масалага ҳозирги замон медицинасида ҳам катта аҳамият берилди.

Абу Али ибн Сино клиник медицина соҳасида ҳам муҳим кашфиётлар қилган. Масалан, у диабет касаллиги билан оғриган одамларнинг сийдиғи ширин бўлишини ҳамда бу сийдик қайнатиб, буғга айлантрилганда ядидида оқ чуқма қолишини биринчи бўлиб кўрсатиб берди. Худди шу фикрини Ибн Синодан етти аср ўтгач Англия врачси Томас Уиллис ҳам айтган. Афеуски, бу кашфиёт шу олимнинг номи билан аталади, аслида эса уни Ибн Сино кашфиёти деб атагани тўғридир.

Ибн Сионинг жуда ҳам чуқур билимли ва тажрибали табиб эканлиги унинг хавфли ўсмалар ҳақидаги фикрларида айниқса яққол намоён бўлди.

Ибн Сино клиник сифатда киши соғлиғи ёки касаллигида нерв системасининг муҳим роль ўйнашига алоҳида аҳамият берган. Олим касаллик пайдо бўлишда салбий ҳиссиётларнинг катта роль ўйнашини аниқ кўрсатган. У бундай дейди: Невр системаси узоқ давом этган салбий ҳиссиётлар таъсирида жуда ҳам тараңлашиб, бутун организмни ҳолдан тойдиради, бунинг натижасида турли касалликлар юзага чиқади. Ибн Сино бу фикрни тажриба йўли билан исботлаб берган.

У икки қўзичоқ олиб, уларнинг бирини одатдагидек шаронгта сақлаган. Иккинчисини қафасга солиб, ёпидаги бошқа қафасга оч бўрини қўйиб қўйган. Ҳар иккала қўзичоққа бир хилда ем-хашак бериб боқилган. Маълум бир вақт ўтгандан сўнг қафасдаги қўзичоқ бўрининг ҳамталаридан қўрқа бериб, озиб кетди ва касалликка йўлиқиб ўлади. Олдин шаронгтаги қўзичоқ эса, яшай беради. Шу йўл билан Ибн Сино қафасдаги қўзичоқнинг

ҳалок бўлишда унинг бўридан қўрқа бериб перв системаси ишдан чиқишига сабаб бўлганлигини кўрсатди.

Абу Али пбн Сино бош миёда айрим перв марказлари мавжуд бўлиши ҳақидаги фикрини ҳам биринчи бўлиб олдинга сурди. Масалан, у миёанинг айрим қисмларида психик фаолият айрим соҳаларининг маркази жойлашган, деб тўғри кўрсатади. Ибн Синонинг фикрича, миёанинг олд қисмида сезиш маркази, ўрта қисмида сезгирлиги умумлаштирувчи марказ, орқа қисмида эса ёлти сақлаб қолиш маркази жойлашган.

Шуниси муҳими, Ибн Сино касалларни даволашда уларда шартли рефлекс ҳосил қилиш йўли билан таъсир қилишга ҳам уринган. Масалан, шогирдларидан бири унга мурожаат қилиб, бир беморда содир бўлган доимий қабзиятни ҳеч қандай дори билан даволай олмаётганлигини айтади ва уни қандай қилиб даволашни сўрайди. Шунда Ибн Сино шогирдига бундай маслаҳат беради: ўша касалга айтиш: ҳар кун маълум бир вақтда ўз ичидан бўшатилганга уринсин. Бир қанча вақт ўтгандан сўнг бу одатга кириб қолади ва у қабзият касаллигидан қутулади. Бу деган сўз беморда шартли рефлекс пайдо қилиш демакдир.

Йиприк совет медицина тарихчиси профессор Ф. Р. Бородулиннинг ёзишича, Ибн Синонинг бу кашфиёти фақат клиник медицинадагина эмас, балки умуман, медицина тарихида энг муҳим кашфиётлардан бири бўлган.

Умуман олганда, Ибн Синонинг перв системасининг тузилиши ва унинг функцияси ҳақидаги фикрлари кўп жиҳатдан ҳозирги замон тушунчасига мос келади.

Касаллик пайдо бўлиш сабаблари масаласида Ибн Сино ўша даврда кенг тарқалган гуморал назариясида турар эди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу назарияга биноан касаллик организмдаги тўртта суюқлик — қон, ўт, қора ўт ва шиллиқнинг миқдорий ёки сифат жиҳатдан ўзгариши натижасида келиб чиқади. Бунда киши организмда нормал ҳаётий процесслар ўзгариб, патоло-

гик ҳолатлар пайдо бўлади. Бу тушунча ўз навбатида бутун борлиқ бирламчи тўрт элементдан иборатдир, деган фалсафий назарияга асосланган.

Бу ҳақда Ибн Сино ўзи бундай деб ёзади: «Унсурлар (элементлар) оддий моддалардир. Улар одам организми ва бошқа нарсаларнинг бўлинмайдиган заррачаларидир. Оддий жисмларнинг ўзаро бирикиши натижасида турли шаклга эга бўлган нарсалар пайдо бўлади»¹.

Ибн Сино бу элементлардан иккитаси (ер ва сув) оғир элементлар, иккитаси (ҳаво ва олов) эса енгил элемент эканини таъкидлайди. Демак, бу ерда ҳам қарама-қарши хусусият борлигини кўрсатади. Шундан сўнг бу элементларни таърифлаб, ер совуқ-қуруқ хусусиятга, сув совуқ-нам хусусиятга эгаллигини таъкидлайди. Шунингдек, ҳаво иссиқ-нам, олов эса иссиқ-қуруқ хусусиятга эгаллигини кўрсатади. Одам организмнинг асосини шу элементлар ташкил этгани учун кишининг табиатида уларнинг хусусияти намоён бўлган, яъни организмда иссиқ, қуруқ, совуқ ва нам сифатлар аралашмаси мавжуд.

Ибн Сино ёзади: «Одам мизожи қарама-қарши сифатларга эга бўлган жуда майда бўлақларнинг ўзаро таъсири натижасида келиб чиққан хусусиятдир»². Шу ерда Ибн Сино таъкидлаб ўтадики, кўрсатиб ўтилган элементлардаги бирламчи хусусиятлар (кучлар) тўртта бўлади. Булар иссиқлик, совуқлик, қуруқлик ва намлик. Ўз фикрини давом эттириб, Ибн Сино ёзади: «Бир хил ҳолда киши мизожи мувозанатда бўлади. Бунда қарама-қарши сифатлар аралашмасидаги кучлар бир-бирларига баробар бўладилар. Бундай мувозанат киши табиатида ўз ифодасини топади»³. Бошқа бир ҳолатда табиат баробар қарама-қарши кучларининг ўзаро таъсири маҳсули бўлмай, бирор кучнинг устун бўлиб қолиши натижасида келиб чиқади.

¹ Абу Али пбн Сино. Тиб қонунари, 1954 й., 1-китоб, 9-бет.

² Абу Али пбн Сино. Тиб қонунари, 1954 й., 1-китоб, 11-бет.

³ Абу Али пбн Сино. Тиб қонунари, 1954 й., 1-китоб, 11-бет.

Маълумки, ўтмишнинг буюк табиии Гипократ одам организмда қайси суюқликнинг устун туришига қараб кишиларни тўрт типга (темпераментга) бўлган эди. Шарқ табобатида шунга мос тўрт хил мизож тушунчаси келиб чиққан. Бу тушунчага асосан кишилар иссиқ, совуқ, қуруқ ва нам мизожли кишилар деб тўрт сифатга бўлинадилар. Одатда, асосан икки мизожга — «иссиқлик» ва «совуқлик» мизожига кўпроқ аҳамият берилган. Фақат киши табиятига эмас, балки озиқ-овқатлар ҳам, ҳатто дорилар ҳам «иссиқлик» ёки «совуқлик» хусусиятига эга бўлади, деб фараз қилганлар. Ҳар бир нарсдаги «иссиқлик» ёки «совуқлик» хусусияти турли даражада бўлиши мумкин. Масала, жуда иссиқлик, ўрта даражадаги иссиқлик, кучсиз совуқлик ва ҳоказо.

Абу Али ибн Синонинг фикрича, мизожнинг мувозанатдан чиқиши икки хил — оддий ва мураккаб бўлади. Оддий мувозанат бузилишида тўрт хил мизождан бири устун бўлиб қолади, яъни ё иссиқлик, ё совуқлик, ё қуруқлик, ёки эса намлик устун келади. Иссиқлик ва совуқлик мизожлар актив мизожлардир. Қолган иккитаси — қуруқлик ва намлик мизожлар эса пассивдир.

Мураккаб мувозанат бузилишида икки хил мизож бирданига устун келади. Масала, иссиқлик билан қуруқлик ёки иссиқлик билан намлик, бўлмаса, совуқлик билан қуруқлик ёхуд совуқлик билан намлик. Шундай қилиб, Ибн Синонинг белгиланишича саккиз хил мураккаб мувозанат бузилиши мавжуд бўлиб, улар яна ҳам кўпроқ вариантида учраши мумкин.

Ибн Синонинг фикрича, мизож сифати фақат бир бутун организмгагина эмас, балки ҳар бир орган ва системага ҳам ҳосидир. Масала, унингча юрак, қон, жигар, ўпкалар, мушаклар, талоқ, буйрак, артериялар, веналар, қафт териси иссиқ мизожли бўлади. Суяклар, пайлар, шиллиқ, нервлар, тоғайлар бош ва орқа миё, чарви ёғ, тери (қафт терисидан ташқари) совуқ мизожли бўлади. Органлар яна қуруқлик-намлик нуқтаи назаридан ҳам

икки хил бўлади. Масала, Ибн Сино суяк, тоғайлар, пайлар, томирлар, перв томирлари, юрак, тери ва сочни қуруқ мизожли органларга киритади. Нам мизожли органлар қаторига шиллиқ, қон, ёғ, чарви ёғ, миё, эмчак массаси, ўпкалар, жигар, талоқ, буйраклар ва терини киритади.

Ибн Синонинг кўрсатишича, мизожнинг сифати булардан ташқари, яна кишиларнинг жинси ва ёшига қараб ҳам турлича бўлади. Масала, 40 ёшгача кишида иссиқ ва нам мизож устун бўлади. 40 дан 60 ёшгача ва ундан кейини совуқ ва қуруқ мизож устун бўлиб қолади. Жинсга келганда, Ибн Синонинг кўрсатишича, эркеклар иссиқ ва қуруқ мизожли, аёллар эса совуқ ва нам мизожли бўладилар.

Абу Али ибн Сино мизож табиий шароит ва иқлимга ҳам боғлиқлигини таъкидлайди. У ҳар бир қиёдаги одамлар учун алоҳида мизож ҳосидир, деб тушунилади.

Ибн Синонинг кўрсатишича, мизож асосан организмдаги суюқликларнинг ҳолатига боғлиқ. Уларнинг қайси бири кўп ёки озлигига қараб киши мизожли белгиланади. Бунда қон асосий ўринни эгаллайди. Ибн Сино қоннинг хусусиятларини жуда мукаммал текширган. Унинг фикрича, қон ўзи турли суюқликлар билан аралашган мураккаб моддadir. Агар қон томирдан чиқарилиб олиниб, бирор идишга солиб қўйилса, у ўша суюқликларга ажралиб чиқади. Бу ерда Ибн Сино қоннинг компонентларини кўзда тутди, албатта. Маълумки, қон идишга (пробиркага) солиб қўйилса, у плазма, шаклланган элементлар, фибрин ва лейкоцит қатламларга ажралади. Ибн Сино шуларни кўзда тутган. Масала, у қоннинг суяқ қисми организмни озиқлантиришда иштирок этади, деб тўғри мулоҳаза юритади. Унинг фикрича, қоннинг айрим компонентлари пластик материал ролини ўйнайди.

Шунини қизиқарлики, Ибн Сино ўша даврдаёқ жигар

билан талоқнинг қон ишлаб чиқишидаги ролини тўғри тушунган.

Қадимги табиблар организмнинг суюқ қисмлари деганда нимани кўзда тутганлари ҳозир биз учун унча аниқ эмас. Бу масалага Ибн Синонинг ўзи бир қадар аниқлик киритган. Унинг фикрича, тўрт суюқликнинг ҳаммаси қон томирда жойлашган ва қон билан аралашиб кетган. Бу ҳақда Ибн Сино ёзади: «Қон томирдан чиқариб олинса, у кўз ўнгимизда қуйидаги қисмларга ажралади: кўпиксимон моддага — бу жигар ўтидир, тухум оқисимон моддага — бу шиллиқдир, чўкмага ўхшаш моддага — бу қора ўтдир. Булардан ташқари, суюқ қисм ҳам ажралиб чиқади. Бу биз айтган тўрт суюқликнинг хусусиятига кирмайди, чунки овқат моддаси хусусиятига эга бўлмаган ичимликдан ҳосил бўлади ва ортиқча қисми сийдик билан чиқариб ташланади. Организм суюқлиқлари эса овқат моддаларидан ҳосил бўладилар»¹. Шундай қилиб, Ибн Синонинг фикрича, организмнинг тўрт тала суюқлигининг асосини қон ташкил этади. Иккинчидан, ҳамма суюқ қисмлар овқатдан ҳосил бўлади, яъни материал субстрат хусусиятига эга. Бу — гуморал патология назарияси идеалистик тушунчанинг ифодаланишидир, деган фикрнинг нотўғри эканини кўрсатади.

Ибн Синонинг қоннинг сифати ҳақидаги фикридан шу нарса маълум бўладики, қадимги врачлар қора ўт деганда эритроцитар массани тушунганлар. Унинг томирдан ташқарида идиш тубига чўкиб қолиши маълум. Лекин, унинг роли нотўғри тушунилган. Шиллиқ деб аталган нарса эса қон плазмасидир. Бунинг ҳам роли тўғри тушунилмаган.

Мизожнинг нима эканлиги ҳақидаги масала ҳам жуда мураккабдир. Бу масалада ҳам Ибн Сино баъзи аниқликлар киритади.

Абу Али ибн Синонинг «Қонун» китобида ёзилишича,

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1954 й., 1-китоб, 31-бет.

«иссиқлик» деганда турли физиологик процессларни активлаштирувчи нарсалар ва ҳолатлар кўзда тутилган. Масалан, модда алмашиши, иссиқлик алмашиши процессларини тезлатувчи факторлар. Бундан ташқари, қон айланиши, овқат ҳазм бўлиши, организмнинг реактивлиги ва муҳофаза қобилиятини оширувчи агентлар ҳам «иссиқлик» («иссиқ мизож») омиллари деб тушунилган. Аксинча, ҳаётий процессларни сустлаштирувчи агентлар «совуқлик» («совуқ мизож») омиллари деб аталган. Бошқача қилиб айтганда, организмда физиологик процессларни активлаштирувчи омиллар иссиқлик, бу процессларни пассивлаштирувчи омиллар эса совуқлик мизожлар деб фарз қилинган.

«Қуруқ ва нам» мизожлар масаласига келсак, бу тушунча унчалик аниқ эмас.

Физиологик ва патологик процессларнинг моҳиятини тушунишда Ибн Сино учун фалсафий космик элементлар назарияси, пневма ва гуморализм ҳақидаги тушунчалар асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Медицинада семиотика ва прогностика ҳамма вақт муҳим проблемалардан бири бўлиб келган. Бу соҳада Ибн Сино кўп кашфиётлар қилди.

Умумий даволаш усуллари масаласида Ибн Сино дискразия ва унинг мувозанатини тиклаш тушунчасига асосланган.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Шарқ табobatiда ҳар хил омиллар таъсирида организмдаги суюқлиқларнинг миқдор ва сифати жиҳатидан ўзгариши (дискразия) турли касалликларни келтириб чиқаради, деб фарз қилар эдилар. Масала, нотўғри овқатланиш, ташқи табиий шароитнинг зарарли таъсири, оғир жисмоний меҳнат, руҳий кечинмалар ва ҳоказо. Бунда қон ва қора ўтнинг ўзгаришига алоҳида аҳамият берилган. Шунинг учун касал организмдан бузилган қон ва қора ўтни чиқариб ташлашга ҳаракат қилганлар. Бу билан организмдаги суюқлиқларнинг нормал ҳолатга қайтарилиши кўзда

тутганлар. Шу сабабли беморни даволашга киришишдан олдин унга ич сурувчи, қайт қилдирувчи дорилар берилган. Шу мақсадда қон олиш усулини ҳам қўлланган. Беморнинг организми тозалангандан сўнг унга мизожига қараб дори-дармонлар берилган. Ибн Сино ўз практикасида шу усуллarning ҳаммасидан фойдаланган. Олим қон олишнинг моҳияти масаласида бошқачароқ фикрда бўлган. Ибн Синонинг фикрича, қон олиш усули ўпка истисқоси, тутқаноқ, руҳий касаллик, сакта (инсульт), бавосил ва юрак-қон томирлар касалликларида фойдалидир. Ибн Сино қон олишни апчагина мураккаб усул эканини таъкидлайди ҳамда йилининг жуда ҳам иссиқ ва совуқ фаслида, касалда иситма кўтарилган вақтда, озиб кетган ва ҳолдан тойган касалларда бу усулни қўлланмаслик кераклигини таъкидлайди. Қон олишда қуйидаги қоидага риоя қилиш керак, дейди: Қон оз-оздан бир неча мартада олиниши керак. Бунда томирга наштарни кўндаланг эмас, узунасига уриш зарур, дейди Ибн Сино.

Ибн Сино қон олишнинг уч усулини ишлатган. Биринчиси, томирни тилиш (узунасига), иккинчи усул — қонни қориқ ёрдамида сўриб олиш, учинчи усул — зулук солиш. Биринчи усулни амалга оширишда дастлаб қон олинадиган қўл ёки оёқ нашта уриладиган жойдан юқорироқдан боғланади. Демак, Ибн Сино пепа қон томирларида қон юқорига (марказга) томон оқибатини билган бўлиши керак. Ибн Сино қон олиб бўлгандан сўнг нашта урилган жойни босиб боғлаб қуйилиши кераклигини уқтиради.

Иккинчи усулда қон олиниши керак бўлган жойнинг териси бир неча жойдап сал-пал тилинади ва шу жойга қориқ қўйиб, қон сўриб олинади. Ибн Синонинг кўрсатишича, бу усулда қон олишганда маҳаллий самара беради. Учинчи усулда зулук ўзи бир оз миқдор қонни сўриб олади. Ибн Синонинг таъкидлашича, зулук терининг жуда юзасидан қонни сўриб олади. Шунинг учун бу усул кўпроқ тери касалликларида қўлланилади.

Абу Али ибн Сино ўз тажрибасида парҳез билан даволашдан ҳам кенг фойдаланган. Бу усул асосан бир оз вақт овқат емаслик ёки оз-оз миқдорда жуда енгил овқатлар (гуруч қайнатмаси, товук шурва, анор суви) истеъмол қилишдан иборат. Бундай парҳез даврида беморга сўрги дорилар бериб, унинг организми кераксиз хилтлардан (суюқликлардан) тозаланади. Шундан кейингича беморга одатдагидек овқатлар истеъмол қилишга руҳсат берилади. Ибн Сино ҳар бир касал учун ўзига хос парҳез тавсия этган. Ибн Синонинг фикрича, овқатнинг ўзи иссиқлик ёки совуқлик хусусиятига эга бўлганлиги учун маълум даражада даво таъсири кўрсатади. Ибн Синонинг кўрсатишича, ошқозон-ичак касалликларида парҳез ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ибн Сино иситмалли касалликларда парҳезга айниқса эътибор бериш зарурлигини таъкидлайди. Сил билан оғриган ва жуда озиб кетган касалларни даволаш учун янги соғилган илиқ сут, бол ва ипприликлар тавсия этади. Ич кетишда эса қайнатилган гуруч суви ва мева шарбатларини буюрган. Аммо, Ибн Сино таъкидлаганидек, асосий даволаш чораси бу — ҳар турли дори-дармонлардир. Беморларни даволашда Ибн Сино қадимги қонда — қарама-қарши қарама-қарши билан даволаш принципіга асосланган. Масалан, агар касаллик иссиқ мизож олиб кетгани сабабли келиб чиққан, деб фараз қилинса, совуқ мизожли дорилар ва овқатлар бериб даволаган. Ва аксинча, касаллик совуқ мизож устун бўлиб кетгандан келиб чиққан деб фараз қилинса, иссиқ мизожга эга бўлган дорилар ва таомлар берар эди. Қучли таъсир этувчи, заҳарли ва қитиқловчи (гиперемия пайдо қилувчи) дориларни Ибн Сино иссиқлик мизожига эга дорилар қаторига киритган. Ич сурувчи ва иситмалли насабтирувчи дориларни совуқлик дорилар қаторига киритган.

Абу Али ибн Сино дориларнинг иссиқлик ва совуқлик хусусиятига эга бўлишини эътироф қилса ҳам, у

дори моддалар аввало касалликнинг сабабига таъсирлайди. Шунинг эътиборга олиб ўз амалиётида кўпгина химиявий моддалардан фойдаланган.

Ибн Сино ўзининг врачлик фаолиятида аввало ўз билими ва тажрибасига асосланади. Лекин бошқа олимларнинг тажриба ва фикрларини ҳам инкор этмайди. Уларга ҳурмат билан қарайди. Усуллари исбот этилган ва тажрибада синаб кўрилган бўлса, уларнинг фикр ва усулларини ҳам қабул қилган. Масалан, Ибн Сино Гиппократдан унинг саломатликни сақлаш ва касаллик келиб чиқишида ташқи муҳитнинг роли катта эканлиги ҳақидаги таълимотини олган. Галеннинг даволаш системасига ҳам эътибор билан қараган. Ибн Сино ўздан илгари ўтган олимларнинг даволаш методларини қўллашдан олдин бу усуллари тажрибада текшириб кўрар ва шу йўл билан унинг фойдали эканлиги исбот этилганидан сўнггина касалларга қўлларди. Шу йўсинда у илгари кўпгина таниқли табиблар тавсия этган даво чоралари ва фикрларини инкор этди. Масалан, Гиппократнинг исботлари касалликларда криз даврининг келиб чиқиши ҳақидаги фикрларига қўшилмади. Гиппократ ички органлар сезиш хусусиятига эга эмас, деб ёзган эди. Ибн Сино ўз текширишларига асосланиб, ички аъзолар, хусусан, жигарнинг сезиш қобилиятига эга эканлигини исботлаб берди. Гиппократ ичаклар зарарланганида анжир баргидан тайёрланган дори билан даволашни тавсия этган эди. Ибн Сино буни текшириб кўриб, анжир баргнинг даво хусусиятига эга эмаслигини исботлаб берди.

Ибн Сино турли касалликларнинг табиати ва сабабларини синчиклаб текшириб чиққан. У ўша вақтда маълум бўлган кўпгина касалликларнинг юқумли хусусиятга эга эканлигини исботлаб берди. Масалан, у чечак ва қивамиқни юқумли касалликлар қаторига киритди. Ибн Сино бу касалликларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини таърифлаб, уларни бир-биридан фарқ қилиб берди. Бу ерда шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак-

ки, Ибн Сино юқумли касалликларни пайдо қилувчи жуда ҳам майда, кўзга кўринмайдиган жониворлар (микроблар — А. Қ.) мавжудлигини айтиб кетган. Олим баъзи касалликлар, хусусан, юқумли касалликлар мавсумий табиатга эга бўлишини ҳам кўрсатган. Ибн Сино бу ҳақда шундай ёзади: йилнинг ҳар фасли ўзига хос хусусиятга эга бўлганлиги каби, шу фаслда учрайдиган касалликлар ҳам шу фаслга хос хусусиятга эга бўлади.

Ибн Сино юқумли касалликлар мавжуд эканлигининг исботлаб қолмай, уларни бир кишидан иккинчи кишига юқиш ва тарқалиш йўллари ҳам кўрсатиб берди. Бу масалада Ибн Синонинг қутуриш касаллиги ҳақидаги фикри жуда характерлидир. Ибн Сино бу касалликнинг хавфли эканлигини кўрсатиб, унинг тарқалиши ҳақида бундай деб ёзади: «Қутуриш касаллигига учраган беморнинг белгиси шундан иборатки, у бошқа кишини тишлашга интилади. Агар у бирор кишини тишлаб олса, шу кишида ҳам тишлаган бемордаги касаллик пайдо бўлади. Бемордан қолган овқат ёки сувни бошқа киши истеъмо қилса, унда ҳам шу касаллик пайдо бўлади»¹. Ибн Сино даврида юқумли касалликлардан чечак, вабо, тоун, безгак, мохов, тиф, дизентерия, қизамик кўпроқ тарқалган эди. Юқумли касаллик бир кишидан бошқа кишиларга тарқалиб кетмаслиги учун Ибн Сино беморни дарҳол бошқалардан ажратиш ва уни алоҳида хонага жойлаштириш кераклигини уқтиради. Демак, профилактик чораларни ҳам кўрсатиб берган.

Ибн Сино касалга диагноз қўйишда ўхшаш касалликларни бир-бирига таққослаб кўрарди. Бир мисол келтирамиз. Ибн Сино қизилўнгачда учрайдиган касалликлар ҳақида мулоҳаза юритаркан, унинг торайиши белгилари ва сабабларини жуда батафсил баён этади. Бунда у торайиш белгисин икки асосий сабабдан келиб чиқади, деб кўрсатади. Бирини қизилўнгачнинг ўз касаллигида, иккин-

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунари, 1960 й., IV китоб, 482-бет.

чися эса атрофдаги органлардаги ўзгаришлар сабабни. Буларнинг ҳар бирини алоҳида ифодалайди. Қизилўнгач касалликларида ўсма, яллиғлашги уни торайтириб қўядиган ҳодисаларидир. Иситма ҳам қизилўнгачнинг торайишига оляб келиши мумкин. Шу ўсманнинг эсини натижасида қизилўнгач тораяди. Бу ўсма яқин жойда (масалан, умуртқа устунда) ёки узоқроқда (масалан, бўйин соҳасида) бўлиши мумкин. Шундай сабабларга бронхлар ва ютқундаги абсцесслар ҳам кирди. Бу мисоллар Ибн Синонинг нақадар синчков эканлигини кўрсатади.

Абу Али ибн Сино ошқозон-ичак йўллари касалликларини аниқлаш ва даволаш усулларини айниқса, яхши ишлаб чиққан. Ибн Сино яшаган Урта Осиё ва Эроннинг пестик иқлимли шароитида бундай касалликлар жуда кенг тарқалган эди. Шунинг учун олим бундай касалликларни жуда кўп учратган. Ошқозон-ичак касалликлари билан оғриган беморларни текширишда Ибн Сино биринчи талда касалнинг оғиз бўшлиғи ва тилини кўздан кечириш кераклигини уқтиради. Ибн Синонинг таъкидлашча, касаллик борлигини кўрсатувчи белгилардан таъм бўлиш хусусиятининг ўзгариши, тилининг қуруқлиги, унинг юзаси силлиқланиб кетиши каби аломатлардир. Бундан ташқари, оғиз ва лунжлар ипчлиқ пардасининг аҳволига ҳам аҳамият бериш керак. Ниҳоят, қоринда оғриқ бор-йўқлиги ва оғриқнинг табиатига эътибор бериш керак. Бундан маълумки, Ибн Сино касалга диагноз қўйишда уни ҳар томонлама текшириш зарурлигини таъкидлайди.

Ошқозон-ичак йўллари касаллигига учраган беморларни даволашда Ибн Сино дастлаб ички тозалаш зарурлигини уқтиради. Гипократ ҳам ишпи шундан бошлар эди. Бунда Ибн Сино қайт қилдирувчи дорини кўп миқдорда ва тез-тез бериш зарарли эканлини таъкидлайди. У даво чораларини танлашда жуда эҳтиёт бўлиш кераклигини уқтиради. Олим бундай беморларни даволашнинг жуда таъсирчан ва рацיוнал усулларини ишлаб

чиққан. Хусусан, у парҳез билан даволашда усталик билан фойдаланган. Масалан, жигар касаллигида ширин таомлар — анжир, узум, анор шарбатини тавсия этади. Маълумки, буларда жигар учун фойдали глюкоза, органик кислоталар ва витаминлар кўп.

Қўнниқ медицинанинг мураккаб ва қийин соҳаси ҳақида нерв системаси касалликларини аниқлаш ва даволаш бўлган. Бу соҳа антик Юнонистон ва Рим врачлари томонидан ҳам етарли ишлаб чиқилмаган эди. Ибн Сино бу масалага анча аниқликлар киритди. Аввало шунинг кўрсатиб ўтиш керакки, Ибн Синонинг кўрсатишича, руҳий касалликлар ўз келиб чиқиши нуқтан назаридан соматик касалликлардан фарқ қилмайди. Бу билан Ибн Сино руҳий касалликларни қандайдир ивсу жипселар ва жоҳил шайтонлар пайдо қилади, деган нотўғри тушунчаларни ишкор этди. У фалажлик (шол) ва парезларнинг нерв томирларининг зарарланиши натижасида келиб чиқишини кўрсатиб берди. Олим турли касалликларнинг келиб чиқишида марказий нерв системасининг иштирок этишини эътироф этади. Ибн Сино соматик касалликларнинг диагностикаси ва уни даволашда беморнинг психик аҳволини ҳисобга олиб тадбир қўрилса, табиб ўз вазифасини адо этиши анча осонлашади, дейди. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, ички органлардаги ўзгаришлар нерв системасининг ҳолатига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Шунда нерв системасида турли касаллик аломатлари пайдо бўлади. Бу билан Ибн Сино ички органлар билан нерв системаси ўртасида ўзаро боғланиш борлигини исбот этди. Шуниси эътиборга сазоворки, бунда Ибн Сино нерв системасининг, хусусан, бош миянинг етакчи роль ўйнашини кўрсатади. Масалан, у миё сесни марказидир, дейди.

Шарқ медицинасида кенг тарқалган диагностика усуллардан бири бемор томирини ушлаб кўриш методи бўлган. Ибн Сино бу усулни жуда мукамал ўзлаштириб олган. У пульс (томир уриши) жуда кўп омилларга боғ-

лиқлигини яхши билган. Масалан, томир фақат қасаллик чоридагина эмас, соғлом кишиларда ҳам ҳар хил эмоционал ҳолатлар, жинс, ёш, овқат ейишда ҳам ўзгаради. Эрталабки пульс билан кечки пайтдаги пульсда ҳам фарқ бўлади. Тинч туриш, юриш, чопишдаги пульслар ҳам турлича. Ҳаммомдан чиққандан кейин ҳам пульс анчагача тез уриб туради.

Абу Али ибн Сино ўз даврининг жуда моҳир жарроҳи ҳам эди. Масалан, Ибн Сино бир қанча операция усуллари, чунончи, жароҳатланган кишининг танасидан ўқни чиқариб олиш, синган суякларни даволаш, чиққан бўғимни солиш, қовуқдан тошни олиб ташлаш, ўсмани кесиб олиш каби операцияларни ўзидан олдин ўтган табибларга нисбатан мукамалроқ ёзади. Ибн Сино жароҳатлар тоза ва зарарланган бўлиши мумкинлигини билган. Унинг кўрсатишича, жароҳат йирингламай битса, у тоза ярадир. Йиринглаган жароҳатни Ибн Сино ачиб қолган қатиқ ёки чириган ҳўл мевага ўхшатади. Йиринглаган жароҳатда юз берадиган чирин процессини бундай тўғри тушуниш жарроҳлик тарихида ўша давр учун жуда катта ютуқ эди.

Ибн Сино чиққан-сипган суякларни даволашда ўзининг бир қанча усуллари жорий қилган. Масалан, елка бўғими чиққанда суяк бошини босиб солиш, қийшайиб қолган умуртқа устунини тахтакачлаш усули билан тўғрилаш ва ҳоказо. Бу усуллар ўрта аср медицина китобларида Ибн Сино усули деб аталарди. Синган суякларни даволаш учун уни тортиб боғлашда Гипократ усулидан фойдаланган. Шунини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарурки, Ибн Сино жарроҳлик операциялари вақтида оғриқсизлантирувчи дориюлардан ҳам фойдаланган. Масалан, у операция олдида беморларга алкоғолни мандрагора шарбатига қўшиб берган.

Ибн Сино ҳар гал операцияга жуда яхши тайёрланган. В. Қ. Жумаевнинг ёзишича, у ҳар қандай операцияни жуда моҳирлик билан бажарган. Ибн Сино томонидан

моҳирлик билан амалга оширилган операциялардан бирини келтирамиз. У ўзи бажарган қовуқдан тош олиш операциясини бундай таърифлайди: «Курси тайёрлаб, унга беморни ётқизиш керак. Ёрдамчи ходим (ассистент) ўа қўлини бемор тиззаси остига олиб бориб, уни маҳкам ушлаб туради. Шундан сўнг жарроҳ операцияга киришадди. Дастлаб у тошни қўли билан ташиқи томондан туриб топади ва уни босиб кесиладиган жойга суради. Бунинг учун қиз болалар ва эркекларнинг орқа тешикларига жарроҳ ўрта бармоғини киргизади, жувоуларнинг эса, жинсий қияига бармоқ киргизилади. Шу йўл билан қовуқдаги тош топилади. Уни иккинчи қўл билан юқоридан дастга томон босиб, сийдик қопчасининг оғзига томон олиб келинади. Шундан сўнг тош жойлашган жой бир оз қия қилиб кесилади. Бунда нерв томирларини кесиб юбормаслик учун жуда эҳтиёт бўлиш керак. Кесилган жой сийдик қопчасининг бўйин қисмига тўғри келиши керак. Агар тош кичик бўлса, баъзан уни босиб ситиб чиқариш мумкин. Тош катта бўлганда қовуқни каттароқ кесишга тўғри келади. Тош эса, илмоқ ёрдамида чиқариб олинади. Баъзан эса тош жуда ҳам катта бўлиши мумкин. Бунда қовуқни тошнинг катталигида кесиш мумкин эмас, албатта. Бундай ҳолда тошни қисқич билан майдалаб чиқариб олинади. Бунда тошнинг энг кичик бўлакларини ҳам битта қўймай чиқариб олиш керак. Чунки унинг заррачаси қолса ҳам, унинг ҳажми ортиб катталашади»¹. Бу операцияни бажаришда Ибн Сино оғриқсизлантириш усулидан фойдаланишни тавсия қилади. Бунинг учун у беморларнинг човига музлатиб оғриқни йўқотувчи дори суркашни буюради.

Абу Али ибн Синони педиатрия илмининг асосчиларидан бири, деб айтиш мумкин. У бола организми фақат

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1960 й., III китоб, II том, 310-бет.

узининг кичиклиги билангина эмас, балки ўз хусусиятлари билан ҳам катталарникидаги фарқ қилишини биринчилардан бўлиб кўрсатган эди. Ибн Сино ўз асарларида болаларни туғри овқатлантириш, тарбиялаш масалаларига алоҳида аҳамият беради. Шу билан бирга болалар касалликларининг муфассал ёритади. Ибн Синонинг ёш болаларининг саломатлигини кўздан кечириб туриш, уларни соғлом тарбиялаш усуллари ҳақидаги фикрлари жуда диққатга сазовордир. Бунда болаларни туғри ва рақнонал овқатлантириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ибн Сино акушерлик масалалари ва гинекологик касалликларни ҳам яхши ёритиб берган. Хусусан, у акушерлик усулларини (акушерлик омбири ва сиртмоқлар) кўрсатиб берган. У ҳомиладорлик физиологияси ва патологияси масалалари билан ҳам шугулланган. Аёллар кўрак безларининг касалликларини даволаш усулларини ҳам кўрсатиб берган.

Ибн Сино ҳомиладор аёлларнинг овқатланиш масалаларига ҳам эътибор берган. Ҳомиладорлар сабзавот маҳсулотлари, ҳул мевалар, янги баянқ еб туришни зарурлигини таъкидлайди. Ибн Синонинг кўрсатишича, бу овқатлар ҳомиладор аёлда турли касаллик ҳолатлари пайдо бўлишининг олдини олади.

Абу Али ибн Сино дориворлик илми соҳасида ҳам жуда йирик мутахассис эди. У ўз «Қонуни»нинг икки китобини шу соҳага бағишлаган. Бундан ташқари, фармакологияга бағишланган алоҳида асарлари ҳам бор. Олим ўз асарларида турли дориларни тайёрлаш усуллари, уларни сақлаш ва ишлатиш масалаларини муфассал баён этган.

Ибн Сино ўсимлик, минерал ва ҳайвондан олинadиган дорилардан фойдаланган. Олим ўзи кимёгар сифатида кимёвий йўл билан олинadиган дориларга алоҳида аҳамият берган.

Ибн Сино давридаёқ кимёвий йўл билан олинadиган

бир қанча дори моддалари ишлатиларди. Химиявий моддалар ҳақида гапириб, Ибн Сино алхимикларнинг табиётда қандайдир гайри табиий кучга эга бўлган тошлар бўлиши ҳақидаги афсонавий фикрларини инкор этади. Кимёвий моддаларни қўллашда у аввал уларнинг хусусият ва таъсирини шахсан ўзи текшириб кўрар ва дорининг фойдали таъсир этишига қаноат ҳосил қилгандан сўнг уни беморларга қўлларди. Бунда олим дориларнинг таъсирини дастлаб ҳайвонларда синаб кўрган. Баъзан бу билан ҳам киқояланиб қолмай, дорини касалхона шароитида ҳам ишлатиб кўрарди. Фақат шундан кейингина маъқур моддани дорилар қаторига киритарди. Ибн Сино дорининг энг самарали хусусиятидан фойдаланишга кўпроқ аҳамият берарди. Ибн Сино дориларни турли ҳолатда, масалан, қайнатиб, совутиб, қиздириб, сувда чайиб, текшириб кўрарди. Шу йўл билан Ибн Сино баъзи дорилар бошқа моддалар билан аралаштирилса, уларнинг кучи ортishi мумкинлигини аниқлади.

Ибн Сино табибларни дорилардан нотўғри фойдаланишдан сақлаишга чақиради. Шу муносабат билан у дори дозировкасига алоҳида эътибор берган. Ибн Сино дориларнинг маълум оптимал дозада фойдали таъсир қилиб, дозаси ошиб кетса, беморга зарар етказиб қўйиши мумкинлигини таъкидлайди. Бу ерда у қуйидаги образли мисолни келтирган: «...Агар ўн киши бир куп давомида маълум огирликка эга бўлган юкни бир тош масофага олиб борсалар, бу шу огирликдаги юкни беш киши ярим тош жойга олиб боришлари мумкин, деган сўз эмас»¹. Ибн Сино дори ўсимликларни йигиш, тайёрлаш ва сақлаш қоидаларини яхши билган. Ибн Сино даврида дори сифатида ўсимликларнинг барги, илдизи, уруғи, гули, мевалари ва мойлари ишлатилган. Баъзан ўсимликлар бутунича ишлатилган. Ибн Сино дори ўсимлигининг барги, у узига хос бўлган шаклини олиб, етарлича катталики

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунари. 1956 й., II китоб, 34-бет.

ка етгандан сўнг, бир оз вақт ўтгач, узпш керак, деб кўрсатади. Лекин барг ерга тўкилмасдан тунида турганда, унинг ранги ўзгармасдан юлиб олиш зарур. Уруғлари эса, пишиб етгандан сўнг йиғиб олинади. Ўсимлик ялди-зи дарахтлар барги тўкилмасдан илгари эрта кузда кавлаб олинishi керак. Ўсимлик гуллари, тамомила очилиб бўлгандан кейин, лекин улар сўлиб ерга тўкилмасдан олдин йиғиб олинади. Ўсимлик тули, у етилиб бўлгандан сўнг, лекин қуриб, қовикирамасдан олдин йиғиб олинади. Ўсимлик мевалари, улар пишиб етилгандан сўнг, лекин ерга тўкилмасдан олдин териб олинishi зарур. Бутунлигича ишлатиладиган доривор ўсимликлар, уларнинг суви қочмай, уруғи пишмасдан йиғиб олинishi лозим. Ўсимликнинг пидизи қанчалик кам буришган, тули қанчалик тирик (сўлмаган), уруғлари қанчалик тўла ва мойли, меваси қанчалик етилган ва оғир бўлса, шунча яхши. Ҳаво булут пайтида ва ёмғирдан сўнг териб олинган мевалардан кўра, ҳаво очик пайтида йиғиб олинган мевалар яхшидир. Ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларнинг мевалари, боғчада ўстирилган меваларникига қараганда қаттиқ ва майдороқ бўлади. Тоғ ўсимликларининг мевалари текис ердагига қараганда қаттиқроқ бўлади. Шунингдек, доим шабада эсиб турадиган жойдаги ва тоғ ёнбағирларидагиси ҳам анча қаттиқ бўлади. Ўз вақтида йиғиб олинган мевалар вақтидан илгари териб олинганларига қараганда қаттиқроқ бўлади. Меваларининг ранги туқ, узп мазалик ва ҳиди ўткир бўлса, шунча яхши. Ўсимлик мойи эса, қотгандан сўнг, лекин қуриб қолмасдан йиғиб олинishi зарур. Ўсимлик мойларининг хусусияти уч йилдан ортиқ сақланмайди.

Дори моддалари ёки ҳайвонлардан баҳор фаслида олинishi керак. Бунда энг соғлом ҳайвон танлаб олинishi шарт. Ҳаром ўлган ёки касал ҳайвондан олинган дорилардан фойдаланиш керак эмас деб ёзади.

Абу Али ибн Сино ўз тажрибасида кўпроқ мураккаб дорилар ишлатган. Бунинг сабаби ҳақида гапириб, олим кўпинча дорининг кучини зўрайтириш ёки эса шу доридан йўқ хусусиятнинг қушиш зарурлиги тутилади, дейди, яъни унда йўқ хусусиятларнинг қушиш керак бўлганда шундай қилинади. Бундай қилиш яна шунинг учун зарурки, табиатда мураккаб касалликларга ҳар томонлама таъсир этадиган оддий дори топиш қийин. Шу сабабдан, биз дорининг бирор хусусиятини кучайтириш мақсадида бошқа дори қушиб, дастлабки оддий асосий дорида етишмаган хусусиятнинг кучайтирамиз. Масалан, мойчечакда эритувчанлик кучи кўп, аммо буриштирувчи куч кам. Бунда унинг буриштирувчи кучини кўпайтириш учун бирор оддий буриштирувчи модда қўшилади. Бошқа бир ҳолатда эса биз танлаган дори шу биз даволамоқчи бўлган касаллик учун жуда яхши наф беради. Аммо у бошқа жиҳатдан бемор организмга салбий таъсир этиши мумкин. Бунда шу дорининг зарарли таъсирини йўқотувчи бошқа модда қўшинишга мажбур бўламиз. Яна бир ҳолатда эса дори бемор ошқозонига ёмон таъсир этиши мумкин, шунинг учун уни касаллар ича олмайдилар, қайт қилиб ташлайдилар, шунда ҳам биз ишлатмоқчи бўлган дорига унинг аччиқлигини ёки ёмон ҳидини йўқотиш учун бошқа моддалар қўшилади, деб кўрсатади Ибн Сино. Баъзан эса, биз дори бемор организмда узокроқ вақт сақланиб қолишини истаганимизда ҳам унга бошқа моддалар қўшамиз. Болалар учун кўпроқ суюқ дори тайёрланади ва уларга ширин модда қўшилади.

Ибн Сино биринчилардан бўлиб даволаш мақсадида минерал сувлардан фойдаланган.

Абу Али ибн Сино заҳарли моддалар ва заҳарланишга қарши даво чораларини ҳам яхши ишлаб чиққан. У 100 дан ортиқ заҳарли моддалар мавжудлигини кўрсатган. Ибн Сино заҳарли ҳашарот ва ҳайвонлар чақиниши ҳам заҳарланиш туркумига киритади. Масалан, илон, чаён,

қорақурт қақиши, қутурган бўри ва ит қоппишини ҳам заҳарланишга киритган. Олимнинг токсикология ҳақидаги асарларидан XVII асргача фойдаланиб келинган. Ибн Синонинг кўрсатишича, оч қоринга заҳарланиш айниқса хавфли.

Ибн Сино заҳарланишга қарши махсус даво система-си ишлаб чиққан. Бунда ҳаммадан аввал организмдан заҳарли моддани чиқариб ташлаш чорасини кўриш керак-литини уқтиради. Бунинг учун у дарҳол ошқозонни ювиш ва ич сурувчи дорилар бериш керак, дейди. Бундан таш-қари заҳарни ўраб олувчи моддалар (сўт, қаймоқ, мой), даволаш мақсадида пессик ванна, грелкалар ва оғриқ қол-дирувчи моддалар беришни тавсия этади.

Абу Али ибн Сино жуда катта амалий тажрибага ва чуқур билимга эга бўлганидан доимо ўз касалларига тўғ-ри диагноз қўйган ва уларни ҳақиқат муваффақиятли да-волаган. Шу туфайли у ўзи тирик чоғидаёқ кишилар ўртасида жуда катта обрў эътибор қозонган эди.

Абу Али ибн Сино турли касалликларнинг ўзига хос белгилари ҳақидаги маълумотларни тўплаб, уларни умум-лаштириб, хулосалар чиқарарди. Шунда асосан айрим касалликлар ҳақида янги диагностика ва даво чоралари ишлаб чиқарди. Бу ҳақда Абу Убайд Жузжоний шундай ёзган: «Шайх касалларни даволаш жараёнида кўп таж-риба орттирди, уларни ёзиб борди. Бу ёзганларини у ўзи-нинг тибга оид китобларига киритишни мўлжаллаб, айрим соҳаларга ажратиб қўйган эди»¹. Бунда Ибн Сино хатто ўзининг касал бўлганидан ҳам хулоса чиқарган. Масалан, у Султон Маҳмуддан қочиб юриб, Деҳистонга борганда бу ерда безгак касаллигининг оғир тури билан оғриб қо-лади. Шунда у ўзида бўлиб ўтган касаллик аломатларини ёзиб қўйиб, сўнг уни «Иситмали касалликлар» номли асарига киритади. Ичак санчиги билан оғриган касаллар-

¹ Абу Убайд Жузжоний. Ибн Сино ҳақида. «Гулистон», 1979 й., 6-сон, 10-бет.

ни, шу жумладан Шамсуддавлани узоқ вақт кўздан кечи-риб юриш натижасида у ўзи тўплаган маълумотларни умумлаштириб, «Китоб ал-қулунж» («Ичак санчиглари») номли асар ёзган. Бундай мисолларни кўп келтириш мум-кин.

Улуғ табиб ва мутафаккир олим Абу Али ибн Сино-нинг табиблик фаолияти қисқача шундан иборат.

Абу Али ибн Сино табобатга оид 40 га яқин (32 та) асар ёзган. Булардан бизга маълумлари қуйидагилар: «Тиб қонунлари китоби», «Ичак санчиглари», «Томир-лар ҳақида», «Ҳибсиҳхат ҳақида», «Дори моддаларидан фойдаланиш қондалари», «Иситмалар ва пишлар», «Асаб касалликлари ва фалажлар», «Табобатдан хикматли сўз-лар», «Табобат кўрсаткичи», «Саломатликни сақлаш тадбирлари», «Турар жойлар ҳақида», «Ташқи муҳитнинг салбий таъсирини йўқотиш ҳақида», «Юрак дорилари ҳақида», «Саҳоват ҳақида рисола» ва ниҳоят назм билан ёзилган «Табобат ҳақида Уржуза китоби». Бу охириги ки-тоб 1326 байт, яъни 2652 мисрадан иборат катта назмий асардир. Баъзи маълумотларга қараганда яна «Мажмуан ҳаёт ва тиб» номли асарини ҳам ёзган.

Биз унчалик катта бўлмаган бу китобда мазкур асар-ларнинг ҳаммаси устида тўхталиб ўтирмадик. Лекин олимнинг тибга оид шоҳ асари «Тиб қонунлари»га тўхта-либ ўтишни зарур деб биламиз.

«Тиб қонунлари китоби» Ибн Синонинг шоҳ асаридир. Шу китоб туфайли олим бутун жаҳонга машҳур бўлди. Бу китобнинг аҳамияти нақадар катта эканлиги ҳақида гапириб, Низомий Арузий бундай деган эди: «Қимки «Қо-нун» нинг фақат биринчи китобинигина ўзлаштириб ол-олса, унинг учун табобатнинг барча сирлари очиқ аён бў-либ қолади». Бу ҳақда Европа олимларидан Т. Мейер-Штейнинг ва К. Зудгофлар бундай деб ёзишган эди: «Ибн Сино философия, табиёт фанлари ва табобатга оид жуда кўп асар ёзган. Аммо бу асарларнинг барчасини қўшиб

олинганда ҳам «Қонун» уз эътибори ва мазмуни билан уларнинг ҳаммасидан устунлик қилади»¹.

Абу Али ибн Сино узининг бу асарини «Қонун» деб бежиз айтмаган. У ҳақиқатан ҳам Ўрта аср университетларида студентлар ва ўқитувчилар учун бир неча аср давомида асосий қонун вазифасини ўтаган. Китоб ҳатто юридик жиҳатдан ҳам қонунлаштирилган эди. Масалан, Краковдаги Ягелло университети уставига бундай деб ёзиб қўйилган эди: «Медицина билимини ўрганаётган ҳар бир студент «Тиб қонунлари»нинг биринчи китоби ва учинчи китобининг биринчи қисминини билиши шарт».

«Тиб қонунлари» ХІ асрдаёқ қадимги Европа тили — латинчага таржима қилиниб, кенг тарқалган эди. Китоб чоп этиш кашф этилганидан сўнг у инжил қаторида биринчилардан бўлиб босиб чиқарилди. Ҳаммаси бўлиб «Қонун» ўрта асрларда 30 мартадан зиёдроқ қайта босиб чиқарилган. Мусулмон шарқи мамлакатларида эса, «Қонун»нинг ўзи ва унинг айрим китоблари жуда кўп марта кўчириб ёзилиб тарқатилган. Шундай қўлёзмалардан 1081 ҳижрий йилда кўчирилган 4-китоби ^{KI} 2875 нифри остида Самарқанддаги республика санъат ва адабиёт тарихи музейи фондида сақланмоқда.

Москвада, П. А. Семашко номидаги Бутуниттифок социал-гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш институтининг подир китоблар фондида «Қонун»нинг 1593 йилда Римда араб тилида нашр этилган нусхаesi сақлапмоқда.

Ибн Синонинг жуда кўп асарлари Ўзбекистан ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг подир китоблар бўлимида сақлапмоқда.

¹ Мейер-Штейнинг Т., Зудгоф К. «История медицины», 1925 й., 154-бет (русча).



«Қонун» иккинчи китобининг титул varaқasi.
Латинча нашри, 1523.



«Қонуи»нинг араб тили нашри титул varaқаси.
Рим. 1593.



«Қонуи»нинг рус тилидаги тўла тўплами. Тошкент,
1954—1960 йиллар.

АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР
ИНСТИТУТ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ
ИМ. АБУ РАХИМА БЕРУНИ

АБУАЛИ ИБН СИНА

«АВИЦЕННА»

©
КАНОН
ВРАЧЕБНОЙ
НАУКИ

КНИГА

III

ТРЕТЬЕ ИЗДАНИЕ
ИЗДАНИЕ ВТОРОЕ

ИЗДАТЕЛЬСТВО «АКАД» УЗБЕКСКОЙ ССР
ТАШКЕНТ - 1979

«Қонун» учинчи китобининг титул варақаси:
(иккинчи наشري) Тошкент, 1979 й.

Абу Убайд Жузжонийнинг берган маълумотига қараганда «Тиб қонуллари» ни Ибн Сино 14 қисм қилиб ёзган. Сунг уни беш китобга бирлаштирган. Ҳозир бу асар узбек ва рус тилларида 5 китоб (6 томлик) қилиб чоп қилинган.

«Тиб қонуллари» катта тарихий аҳамиятга эга. Китоб ўз даврида табобат илмининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Ибн Сино ўз китобда фақат утмиш давр медицинасини умумлаштириб қолмай, балки уни ўз тажрибалари билан бойитган.

«Тиб қонуллари» ҳозирги ҳолатида 5 мустақил китобдан иборат. Уларнинг ҳар бири табобат илмининг айрим соҳасига бағишланган.

Биринчи китоб — табобат илмининг назарий масалаларига бағишланган. Бу китоб 4 қисм, 15 бўлим, 11 боб ва 256 фаслдан иборат бўлган катта асардир.

Унинг биринчи қисми табобат илмининг ўзи нима ва у нима билан шугулланади, деган саволни ифодалаб бериш билан бошланади. Шундан сунг, Ибн Сино киши организмнинг хусусиятлари ва функцияларини баён қилишга ўтади. Булар китобнинг кириш қисмини ташкил этади. Бу кириш қисмидан сунг Ибн Сино одам анатомияси ва физиологиясини баён этади. Хусусан, биринчи томда суяклар, мушаклар, бўғинлар, пайлар, нервлар ва томчилар баён этилган.

Биринчи китобнинг иккинчи қисми касалликларнинг сабаблари ва уларнинг аломатларига бағишланган. Бу ерда қисман патологик анатомиядан ҳам маълумот берилган. Ибн Сино бу ерда касаллик сабаби абстракт фикрлаш йўли билан эмас, балки соғлиқ ва касалликка доир фактларни ўрганиш йўли билан аниқланади, деб жуда тўғри фикр айтади. Ибн Сино микробиология фани шаклланишидан бир неча аср муқаддам касаллик, айниқса: юқумли касаллик пайдо бўлишида ифлос бўлган қўл ва сув ҳамда бошқа омилларнинг ролини кўрсатиб берган. Шунга асосан у касалликдан сақланиш учун қўл-

ни тоза сақлаш ва тоза сув ёки сувни қайнатиб ичиш зарурлигини таъкидлайди.

Касалликларни аниқлаш масаласига тўхталиб, бемор томирини текшириш усулининг муҳимлигини кўрсатади. Ибн Сино томир уриши (пульс) нинг турлари ва хилларини, уларнинг қандай ҳолатларда ўзгаришини баён этади.

Учинчи қисмда соғлиқни таъмин этувчи омиллар ҳақида маълумот беради. Бу масалада Ибн Сино гигиеник тадбирларга риоя қилиш кераклигини алоҳида кўрсатиб ўтади. Ниҳоят, шу учинчи қисмда организмни чиниқтириш масалалари баён этилган. Шу мақсадда у турли жисмоний машғулотлар — кураш, от миниб юриш, камондан ўқ узиш, қиличбозлик каби машғулотларни тавсия этган. Ибн Синонинг таъкидлашича, бу машғулотлар кишининг соғлиқ даражаси, ёши, жинси ва бошқа ҳолатларига қараб белгиланиши керак.

Тўртинчи қисм умумий даво принципларига бағишланган. Бу ерда олим беморларни даволашда дастлаб амалга ошириладиган умумий қондаларга тўхталади. Хусусан, бу қисмда ички тозалаш йўллари баён этилади. Масалан, сурғи дорилар бериш, ҳўқна (клизма) қилиш, қон олиш ва ҳоказолар. Шундан сўнг даво усуллари баён этилади. Абу Али ибн Сино бу ерда даволашнинг асосий уч принципини кўрсатади. Булар парҳез ва овқат режими, дори билан даволаш ва хирургия усули. Ибн Синонинг кўрсатишича, овқат моддалари озиқалик хусусиятидан таъқари даво сифатида таъсир этиш хусусиятига ҳам эга. Озиқ моддаларининг озиқалик хусусияти ҳақида сўзлаб, уларни аввало юқори даражада ҳамда кучсиз даражада озиқалик хусусиятига эга бўлган овқатларга бўлади. Масалан, Ибн Сино сабзавотлар ва ҳўл меваларни кучсиз озиқалик моддаларга, тухум, гўшт маҳсулотларини эса юқори озиқалик хусусиятига эга бўлган овқатларга киритган. Бундан ташқари, олим овқатларни тез ҳазм бўладиган, яъни ичакларда тез шимиладиган (масалан, випо ва шарбатлар) ва секин ҳазм бўладиган (масалан, қовурма тўшти

ва умуман қовурилган) турларга бўлади. Ибн Синонинг фикрича, овқат моддалар беморнинг қувватини тиклаб, унинг тезроқ тузалишига ёрдам беради. Дорилар билан даволаш масаласига келганда, уч қондага риоя қилиш зарурлигини таъкидлайди. Биринчи қонда — бу дорининг сифатига қараб танлаш, яъни иссиқлик, совуқлик, қуруқлик ҳамда намлик хусусиятидан фойдаланиш. Иккинчи қонда — дорининг миқдорини белгилаб олиш, яъни дозировка қилиш. Учинчи қонда — бу дорини қабул қилиш вақтини белгилаш. Булардан ташқари, Ибн Сино беморга дори тайинлашда унинг органларининг табиати, касаллик даражаси, жинси, ёши, куч-қуввати, касби ва органларининг табиати ҳам ҳисобга олиниши зарурлигини таъкидлайди. Ибн Синонинг кўрсатишича, дори беморга унинг қайси минтақада яшаш ва йил фаслига қараб ҳам турлича таъсир қилади. Шуниси диққатга сазоворки, Ибн Сино бемор организмни, унга берилаётган дорига нисбатан ўрганиб қолиши ва бунинг натижасида унга шу дори таъсир этмай қолиши мумкинлигини кўрсатади. Шу сабабли, у беморга бериладиган дориларни ўзгартириб туриш зарурлигини уқтиради. Ибн Сино наркотик дориларга нисбатан айниқса, эътибор беришни таъкидлайди. У бундай деб ёзади: «Бемор танасидаги оғриқни йўқотиш зарур бўлиб қолганда сен кўкнори каби (наркотик) моддаларни кўн ишлатма, чунки улар оғриқни пасайтириш билан бирга беморга ўрганиш бўлиб қолади»¹. Бу ерда Ибн Сино психотерапияга ҳам алоҳида эътибор берган. Бу ҳақда олим бундай деб ёзади: «Билгинки, беморнинг руҳини кўтарувчи ва унинг жисмоний кучини мустаҳкамловчи воситалар, чунончи, хурсандлик, ўзи ёқтирган киши билан учрашиши, уни шод этувчи кишилар билан доимо бирга бўлиш энг яхши ва таъсирчан даво чо-

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1954 й., 1-китоб, 368-бет.

раларидап биридир»¹. Шундай даво чоралари қаторига Ибн Сино иқлимни ўзгартириш, бошқа шаҳарга кўчиб кетиш, шаронти ўзгартиришни ҳам киритган. Агар бу чоралар ёрдам бермаса, беморни кўл ёрдамида, яъни жарроҳлик усули билан даволашни тавсия этади.

«Қонун»нинг биринчи китоби даволашни нимадан бошлаш керак, деган масалани баён этиш билан якунланади. Бу ерда Ибн Сино аввало касалликнинг асосий сабабини бартараф қилиш кераклигини уқтиради. Шундан сўнг касалнинг ўзини даволашга киришилади. Бунда биринчи галда касалликнинг энг оғир белгиларини йўқотиш чорасини кўриш керак. «Қонун»нинг биринчи китоби пропедевтика дарслиги деса бўлади. Бу китоб Ибн Сино давридаги одам анатомияси, физиология, диагностика ва терапия масалаларини тўла ўз ичига олган.

Иккинчи китоб — оддий дорилар ҳақида. Бу китобда 785 та турли ўсимлик, минерал ва ҳайвонлардан олинadиган дорилар баён этилган. Бу китоб икки қисмдан иборат. Биринчи қисмининг ўзи икки бўлимга бўлинади. Биринчи бўлимда «иссиқлик», «совуқлик», «қуруқлик» ва «намлик» сифатига эга бўлган дориларнинг хусусиятлари баён этилади. Шу бўлимда дориларни бир-бирига солиштириб текшириш кераклиги кўрсатилган. Ниҳоят, дори моддаларини излаб топиш ва сақлаш усуллари кўрсатилган.

Иккинчи бўлимда эса дори турлари баён этилган. Хусусан, бу бўлимда суяқ, қаттиқ, ёпишқоқ, спондирувчи, қитиқловчи, ёпиштирувчи, тозаловчи, силлиқловчи, очувчи (бушатувчи), томирларни кенгайтирувчи, бушантирувчи, тортувчи, қиздирувчи, тозаловчи, оғриқ қолдирувчи, қизартирувчи, куйдирувчи, чиришни камайтирувчи, шиширувчи, етилтирувчи, ранг ўчирувчи, ошловчи, қонни тозаловчи, тер ҳайдовчи, тўйимли, кам тўйимли, орган-

ларни мустаҳкамловчи, ички органларни мустаҳкамловчи, шарбат пайдо қилувчи, ич сурувчи, ич қотирувчи ва шу каби хусусиятга эга бўлган жуда кўп дорилар баён этилган.

Бундан ташқари, шу иккинчи бўлимда айрим касалликларни даволашда ишлатиладиган дорилар баён этилган. Масалан, ишшлар ва маддаланган (яллиланган) жойларни, жароҳатлар ва яраларни даволашда ишлатиладиган дорилар, бугим касалликлари, бош, миё, кўз, кўнрак қафаси органлари, овқат ҳазм қилиш органлари, сийдик-таносил аъзолари касалликларини ва иситма касалликларини даволашда ишлатувчи дорилар баён этилган.

Иккинчи китобнинг иккинчи бўлимида айрим дори-ларнинг хусусиятлари, уларни ажратиб олиш, ишлатиш ва уларнинг таъсири баён этилган.

«Қонун»нинг бу иккинчи китоби ўз даврида фармакология соҳасида энг тўлиқ дарслик ролини ўйнаган эди.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, Ибн Синонинг бу китобида келтирилган дорилардан кўпчилиги ҳозирги замон медицинасида ҳам қўлланилади. Китобнинг қиммати ҳам шунда. Чунинчи, «Қонун»нинг иккинчи китобида баён этилган 497 дори ўсимликларидан (булар 393 турдан иборат) 165 таси ҳозир ҳам ишлатилади. Шулардан 110 таси эса СССР фармакопоеясига киритилган.

«Қонун»нинг учинчи китоби — ҳажм жиҳатидан энг каттаси. Бу китоб ўзбек ва рус тилларида икки томга бўлиб нашр этилган. Бу китобда бошдан охиригача одам организмидagi барча аъзоларнинг касаллиги ва уларни даволаш усуллари баён этилган. Китоб 22 қисмдан иборат. Буларнинг ҳар бири айрим орган ёки системанинг касаллигига бағишланган.

Ҳар бир қисмда аввал бирор аъзонинг тузилиши, анатомияси ва физиологияси баён этилади. Сўнг шу органда

¹ Абу Аббас Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1954 й., 1-китоб, 369-бет.

учраши мумкин бўлган касалликлар кўрсатилади. Бунда Ибн Сино дастлаб шу касалликнинг белгилари ва сабабларини баён этади. Шундан сўнг касаллик аниқланиб, даволаш усуллари баён этилади.

Китобда бош ва миёна касалликлари, нерв касалликлари, кўз касалликлари, қулоқ касалликлари, бурун касалликлари, оғиз ва тил касалликлари, тишлар, милк ва лаб касалликлари, томоқ оғриғи, ўпка ва кўкрак хасталиклари, юрак касалликлари, аёллар кўкрак бези касалликлари, қизилўнгач ва ошқозон касалликлари, жигар ва буйрак касалликлари, қовуқ, сийдик чиқариш йўллари касалликлари, эркаклар ва аёллар жинсий аъзолари касалликлари, ичаклар касалликлари, оёқ-қўллар, бўғимлар ва умуртқа устун касалликлари ва уларни даволаш усуллари баён этилган. Шу билан ҳам «Қонун» нинг учинчи китобини патология ва терапия дарслиғи деб аташ мумкин.

Тўртинчи китоб — етти қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири табобатнинг муҳим соҳасига бағишланган. Бу китоб асосан иситмалли касалликлар, шишлар, ўсмалар, травматология ҳамда токсикология масалаларига бағишланган.

Тўртинчи китобнинг биринчи қисмида турли иситмалли касалликлар, уларнинг сабаблари ва хиллари баён этилган. Жумладан, чечак ва қизамиқ ҳақида маълумот берилган. Ибн Сино бу касалликларни юқумли эканликларини таъкидлаб, уларни ўлат касалликлари деб атайди. Демак, тўртинчи китобнинг биринчи қисми юқумли касалликлар ҳақидадир.

Иккинчи қисмда кризлар ва уларнинг оқибати баён этилган. Ибн Сино «криз» деган сўзга шарҳ бериб, бундай дейди: «криз» — бу одатда «суд ҳукмидир». Бунда беморнинг ҳолати бирдан ё яхши, ё ёмон томонга ўзгаради. Ибн Сино касалликнинг сабаби масаласига тўхталиб, уни образли қилиб, бирор мамлакат ёки шаҳарни қамал қилган душманга ўхшатади. Бу ерда касаллик организм

учун ташқи душман ролини ўйнайди. Организмнинг муҳофаза кучи эса, мамлакат ёки шаҳар муҳофазасини ташкил қилувчи давлат бошлиғи ролини ўйнайди. Душман (касаллик) ва муҳофаза қилувчилар (организм табиати) ўртасидаги кураш тасвирланади. Агар (организм) муҳофазачилар енгилса, кишида касаллик пайдо бўлади, агар душман (касаллик) енгилса, киши соғлом қолади.

Китобнинг учинчи қисми турли яллиғланиш шишлари (процесслари) га бағишланган. Хусусан, бу қисмда флегмона, чипқонлар, сарамас, теригаги ғуддалар ва пуфакчалар, лимфа безлари ва бўғимларнинг яллиғланиши баён этилган.

Бу қисмда Ибн Сино мохов ва саратон (рак) касалликлари ҳақида жуда мукаммал маълумот берган. Ибн Сино рак касаллигига алоҳида эътибор беради ва унинг жуда ҳам хавфли эканлигини таъкидлайди. Даволаш масаласида у энг рационал усул — операция усулини тавсия этади. Бунда операцияни мумкин қадар эрта амалга ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Операция қилишда зарарланган тўқимани кенгроқ ва битта ҳам қўймай кесиб ташлаш зарурлигини кўрсатади. Бу Ибн Синонинг жуда ҳам катта тажрибага эга бўлган табиб эканлигини яна бир бор исбот этади. Бу ерда Ибн Синонинг ришта касаллиги ҳақидаги фикрларини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда (Бухоро, Самарқанд, Жиззах шаҳарларида ва атрофдаги қишлоқларда) ўша вақтда ришта касаллиги кенг тарқалган эди. Касалликнинг кўпчилигидан уни даволашни ўзига касб қилиб олган мутахассислар бўларди, касаллик натижасида ўлим кўп бўлмаса ҳам, кишиларнинг жони азобда эди. Ибн Сино ҳам бу касалликни даволаш билан шуғулланган. Шуниси муҳимки, Ибн Сино ўша замон табибларидан биринчи бўлиб, ришта касаллигини ташқаридан парант пайдо қилишни кўрсатиб берган. Ундан олдинги табиблар бу ҳақда потўғри фикрда бўлганлар. Масалан, машҳур Рим табиби Гален (Жалипус) риштани томирлар

касалиги, деб ўйлаган эди. Ибн Синонинг ришта паразитар касаллик деб аниқ кўрсатиб бериши ўша давр медицинаси учун жуда катта кашфиёт бўлган.

Тўртинчи қисм травматология масалаларига бағишланган. Бу қисмда жароҳатлар, лат ейиш, қон оқиши, куйиш каби зарарланишлар баён этилган. Булардан ташқари, яра-чақалар ва уларни даволаш усуллари келтирилган. Жароҳатларни Ибн Сино бир неча турга бўлади. Масалан, лат ейиш, санчилган жароҳат, йиртилган жароҳат, эзилган жароҳат. Булар ёпиқ ва очиқ бўлиши мумкин. Даволаш усулларини баён этиб, жарроҳлик методидан ташқари, дори ишлатишни ҳам кўрсатиб ўтган.

Бешинчи китоб чиқиш-синишларга бағишланган. Бу ерда барча бўғимларда учрайдиган чиқиш ва уларни даволаш (солити) усулларини батафсил кўрсатиб берган. У бир қанча бўғимнинг чиқиши ва уларни даволашнинг оригинал усулларини ишлаб чиққан. Синган суякни даволаш масаласида ҳам купгина рационал усулларни тавсия этган. Синиш очиқ ва ёпиқ бўлишини кўрсатган. Даволашда синган оёқ ёки қўлни тўртиб тахтакачлаш усулини қўллаган. Бунинг учун махсус мосламалардан фойдаланган.

Китобнинг олтинчи қисми токсикология масалаларига, яъни заҳарланиш ва унга қарши даво чораларига бағишланган. Бу ерда минерал моддалар, ўсимликлар ва ҳайвонлардан заҳарланиш ҳодисалари баён этилган. Аввало заҳарлар ҳақида умумий тушунча берилади. Уларнинг хусусияти, организмга таъсири баён этилган. Сўнг айрим параграфларда алоҳида заҳарли моддалар, улардан заҳарланиш белгилари, оқибати ва даволаш чоралари муфассал баён этилган. Чунончи, симоб, кучала, мис купориси, қўрғош ва уларнинг тузлари билан заҳарланиш. Ўсимлик моддаларидан бағи девона, мандрагора, аконит, афъюн ҳақида маълумот берилган.

Ҳайвонлардан заҳарланиш фаслида заҳарли ҳайвон

чақиши, масалан, илон, тарантул, қорақурт, чаён, саламандра, қирқоёқ каби ҳашаротлардан заҳарланиш ва уларга қарши чоралар баён этилган. Ибн Сино қутургап ит, бўри, мушук ва ҳатто қутурган одам тишлаши ва унинг оқибатларини ҳам баён этган.

Тўртинчи китобнинг еттинчи, сўнгги қисми косметикага бағишланган. Хусусан, тери, тирноқлар ва сочи косметик жиҳатдан яхши сақлаш, уларга чирой бериш масалалари баён этилган. Қизиқарли жойи шундаки, Ибн Сино бу ерда татуировкани ҳам эслатиб ўтади ва уни йўқотиш усулини баён этади. Бу қисмда тери касалликлари ҳақида ҳам маълумот берган. Масалан, темиратки, қутир, сўгал ва қадоқлар ҳақида ёзади.

Бешинчи китоб — ўша давр учун энг мукаммал фармакопоея қўлланмаси бўлган. Бу китобда турли мураккаб дориларни тузиш, тайёрлаш ва ишлатиш усуллари баён этилган. Китоб икки бобдан иборат. Биринчи бобда дори хиллари, уларни тайёрлаш, сақлаш ва ишлатиш усуллари баён этилган. Иккинчи бобда ҳар бир дорини қандай касалликда қўллаш кўрсатилган.

Буюк табиб Абу Али ибн Синонинг энциклопедик асари «Тиб қонунлари» шу бешинчи китоб билан ниҳоясига етади.

Бу ерда шунинг кўрсатиб ўтиш кераки, «Тиб қанунлари» ва олимнинг бошқа тиббий асарларида айtilган жуда кўп мулоҳаза ва фикрлари ҳозир ҳам ўз аҳамияти ва қимматини йўқотган эмас. Масалан, унинг юқумли касаллик пайдо қилувчи майда жониворлар (микроблар) мавжудлиги, киши саломатлигида ташқи муҳит (география ва климатик шароитлар) нинг роли, касаллик келиб чиқишида эмоционал омиллар ва киши психикасининг аҳамияти, саломатлигини сақлашда гигиеник қондаларга риоя қилиш, соғлиқни мустаҳкамлашда жисмоний машғулот ва спортнинг аҳамияти ҳақидаги ва бир қанча бошқа фикр ва тавсиялари шулар жумласидан.

ИБН СИНОНИНГ ДУНЁҚАРАШИ ҲАҚИДА

Ибн Синонинг табиёт ҳодисалари ҳақидаги фикрлари материалистик дунёқарашга асосланган эди. У борлиқнинг объективлиги ва материянинг абадийлигини эътироф этган. Бу ҳодисаларни тушунишда у ҳамма нарса худ томонидан олдиндан белгилаб қўйилган, деган фикрга қарши ўлароқ, қонуниятлар назариясини олдинга сурган. Бироқ, Ибн Сино фалсафанинг асосий масаласида дуалист эди, икки бошланғич — материя ва руҳ мавжудлигини эътироф этган.

Ибн Сино фикрларидаги материалистик тенденциялар унинг тафаккурни улуғлаш, тажриба ва кузатишга асосланган билимни, кўр-кўрона ишонишга қарши қўйишда ўз ифодасини топган. Лекин шуни ҳам кўрсатиб ўтиш керакки, Ибн Сино фикрларидаги материалистик тенденциялар мистика ва идеалистик фикрлар билан аралашиб кетган. Ибн Сино дунёқарашдаги бундай қарама-қаршилик у яшаган даврдаги ҳаётнинг қарама-қаршиликларидан келиб чиққан. Бунда ҳукмрон мусулмон динининг мистик тушунчаларининг таъсири ҳам зўр бўлган. Шундай бўлса ҳам, Ибн Синонинг фикрлари кўп жиҳатдан қуръон ақидаларига қарама-қарши эди. У уч масалада диний тушунчаларга қарши бўлган. Биринчидан, диний ақидаларга қарши кишининг қайта тирилиши мумкинлигини инкор этади. Иккинчидан, худонинг қудрати чексиз эканлигига ишонмайди, унинг фикрича, худонинг амри чегаралидир, у табиатда содир бўлиши мумкин бўлган нарсаларнигина қила олади. Яъни, худода ғайритабиий куч йўқ, дейди. Учинчиси ва энг муҳими шуки, материянинг абадийлигини эътироф этади. Шу сабабли, Ибн Синонинг ўзи ҳам, унинг асарлари ҳам доимо таъқиб қилинади. Масалан, Боғдод халифининг буйруғи билан 1161 йилда Ибн Синонинг «Китоб уш-шифо» номли фалсафий асари шаҳар бозори ўртасида ёндирилган.

Ибн Сино дунёқарашининг шаклланишида Аристотель

фалсафаси маълум роль ўйнаган. Лекин, Ибн Сино Аристотелга ҳамма жиҳатдан эргашган дейиш тўғри бўлмайди. Ибн Сино Аристотелнинг илғор фикрларини япада ривожлаттирди.

Ибн Синонинг фикрича, борлиқ бир бутун мураккаб субстрактдан ташкил топган. Материянинг оддий, бўлинмас шакли 4 элементдан — ер, сув, ҳаво ва оловдан иборат. Буларнинг ўзаро турли хилда бирикиши натижасида табиатда мураккаб нарсалар ҳосил бўлади. Бу мураккаб нарсалар — ҳар хил кўриниш ва шаклга эга бўлиши мумкин ва доимо ўзгариб туради. Лекин уларнинг асосини ташкил этган элементлар табиатда абадий сақланиб қолади. Материя ҳаракат, вақт ва фазо билан боғлиқ, деб уқтиради. Материядан ташқари ҳаракат ва фазо бўлмайди. Материяда содир бўлувчи ҳар бир ҳодиса ва унинг ўзгариши ўзига хос маълум ички қонуниятларга биноан амалга ошади.

Ибн Сино дунёқарашининг муҳим томонларидан бири шуки, у ўша даврдаёқ материянинг ривожланишида маълум тадрижийлик борлигини эътироф этган. Масалан, ер юзида дастлаб тоғ-тошлар, сув ва ҳаво, яъни анорганик дунё пайдо бўлган. Сўнг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси келиб чиққан. Шундан сўнггина, ривожланишнинг маълум босқичида, бутун табиат ривожланишининг натижаси сифатида инсоният пайдо бўлган. Бу фикр эволюцион назарияга анча яқин келади.

Абу Али ибн Сино инсон ҳақида, хусусан, унинг ҳайвонлардан фарқи масаласида жуда муҳим фикрлар айтган. Унинг фикрича, одам ҳайвонот оламида ўзининг сўзлаш ва фикр қилиш қобилияти билан фарқ қилади.

Ибн Сино касалликларнинг этиологияси (сабаби) ва патогенези ҳақидаги фикрлари умуман материалистик дунёқарашга асосланган. Чунончи, касалликнинг келиб чиқишида ички ва ташқи материал муҳитнинг ўзгаришини асос қилиб олади. Касаллик пайдо бўлишида қандайдир илоҳий кучларнинг таъсирини инкор этиб, ка-

саллиқ сабабини материал муҳитдан қидирган. Аммо одам организмида содир бўлиб турувчи процессларни амалга оширувчи қандайдир ғайри табиий кучлар бўлади, деган фикрни қувватлаб хатога йўл қўяди. Масалан, Ибн Синонинг фикрича овқат ҳазм қилдирувчи, ҳаракатлантирувчи, фикрлатувчи кучлар мавжуд. Уша замон философиясида идеалистик тенденциялар жуда кучли эди. Медицина эса одам табиати ва организмидаги процессларнинг содир бўлиш сабаблари ҳақида философфик фикрларга асосланарди. Бу масалада Ибн Сино ҳам уша замон философиясига асосланиб, одам организми маълум тўртта космик элементдан ташкил топган деган тушунчани қувватлар эди. Бу ҳақда Ибн Сино бундай деб ёзади: «Табиб табиётшуносларнинг табиётда тўртта элемент бор деган сўзларига ишониши керак. Булардан иккитаси огир, иккитаси эса, енгил, огирлари — сув ва ер, енгиллари эса — ҳаво ва оловдир».¹ У яна ёзади: «Элементлар оддий заррачалардир. Улар одам организми ва бошқа нарсаларнинг бирламчи заррачаларини ташкил этадилар».² Бу ерда Ибн Сино одам организми бирламчи заррачалардан ташкил топганини эътироф этиб, материалистик позицияда туради. Лекин, бу ерда ҳам заррачаларни ҳаракатга келтирувчи руҳ бўлади, деб хатога йўл қўяди. У бундай деб ёзган: «Икки огир элемент (ер ва сув) аъзоларнинг пайдо бўлиши учун хизмат қилади, иккита енгил элемент (ҳаво ва олов) эса, руҳ учун хизмат қилади ва уларнинг ҳаракатда бўлишини таъмин этади, аммо, бирламчи ҳаракат турткисини руҳ беради».³ Бу ерда Ибн Сино қадимги хитой философларининг жаҳонда ва одам организмида икки куч — пассив, ҳаракатсиз ва актив, ҳаракатчан куч бўлади, деган фикрларига асосланган бўлса керак. Шундай қилиб, Ибн Сино одам организмнинг табиати ва унда содир бўлувчи процесс-

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1954 й., 1-китоб, 9-бет.

² Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1954 й., 1-китоб, 9-бет.

³ Абу Али ибн Сино. Тиб қонулари. 1954 й., 1-китоб, 10-бет.

ларни тушунтириб беришда фалсафий дуалистик фикрда бўлган.

Маълумки, Ибн Сино дин аҳллари томонидан таъқиб остига олинган эди. Шу сабабли у ўзининг илғор фикрларини асарларида баъзан пинҳона баён қилган.

Абу Али ибн Синонинг фалсафий фикрлари асосан унинг тўрт йirik асарида — «Донишнома», «Китоб уш-шифо», «Китоб ан-нажот» ва «Китоб ал-ишорат» да баён этилган.

Ибн Синонинг фикрича, философия бутун борлиқни ифодалаб берувчи фандир. Борлиқ эса унингча уч нарсадан — жисмоний, ақлий ва илоҳий категориялардан ташкил топган. Олимнинг энг муҳим фалсафий асарлари — «Китоб уш-шифо» билан «Донишнома» дир. «Китоб уш-шифо» да олим Аристотельнинг материалистик фикрларини ривожлантириб, бундай деб ёзади: «Материясиз абстракт форма бўлмайди. Форма шу материяда бўлади. Тана шу материя ва формадан ташкил топган». Бу китобда Ибн Сино ижтимоий ҳаётга бўлган фикрларини ҳам баён этиб, бундай дейди: «Хукмдор мамлакат қонунлари мажмуасини тузишда халқнинг ҳаққоний, ахлоқий ва асрий анъанавий хусусиятларини ҳисобга олиши керак, чунки ҳаққоният инсон ҳулқининг барча томонларининг беағдидир». Ибн Сино инсон руҳи ҳақида сўз юргизиб, уни табиатдан ташқари, мустақил яшаши мумкинлигини эътироф этади. Бунда Ибн Синонинг дуалистлиги яққол намоён бўлади.

Абу Али ибн Синонинг фалсафий дунёқарашлари, му- сулмон Шарқи мамлакатларида философиянинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатган. Айниқса, унинг одам организми табиати, соғлиқ ва касаллик масалаларидаги илғор фикрлари кўп асрлар давомида етакчи роль ўйнаган. Ибн Синодан сўнг ўтган деярли барча тиб олимлари касалликнинг сабаблари, инсон организмида содир бўлувчи процессларнинг моҳиятини тушунишда унинг илғор фикрларига асосланганлар.

Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодининг муҳим томонларидан бири шуки, у ўз замонасининг илғор кишиларидан бири сифатида социал масалалар билан ҳам шуғулланган. Чунинчи, у илмий-фалсафий масалаларни социал проблемалар билан боғлайди. Хусусан, олим кишиларнинг социал ҳаётини юксалтириш учун фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди. Ўзи эса, бутун ҳаётини шу оламшумул мақсадга бағишлади.

ИБН СИНОНИНГ ШОГИРДЛАРИ ВА ИЗДОШЛАРИ ҲАҚИДА

Ибн Сионинг шогирдлари ва издошлари кўп бўлган. Олимнинг биринчи ва энг содиқ шогирди Абу Убайд Жузжоний эди. Жузжоний ўз устозига чорак аср давомида хизмат қилди, яхши кунларини ҳам, ёмон кунларини ҳам у билан бирга кечирди. Абу Убайд Жузжонийнинг энг катта хизмати шуки, у Ибн Сионинг ҳаёт йўлини келгуси авлодлар учун ёзиб қолдирди.

Жузжоний ёзиб қолдирган Ибн Сионинг таржимаи ҳоли тўлиқ бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда ҳақиқатга энг яқини. Жузжоний олимнинг таржимаи ҳолини унинг Журжонга келган кунидан бу ёғини ёзган. Улар шу шаҳарда биринчи марта учрашган эдилар. Шу кундан бошлаб улар ўртасида бузилмас дўстлик боғланди.

Абу Убайд Жузжонийнинг ўзи ҳам ўша даврнинг кўзга кўринган олим-табибларидан бири эди. У Ибн Синога беморларни даволаш ишларида доим ёрдам бериб келди, унинг китобларини оққа кўчирди ҳамда устозининг ош-тузидан хабар олиб турди. Тарихчиларнинг ёзишича, Жузжоний яхшигина жарроҳ бўлган ва устози билан бирга кўп касалларни операция қилишда қатнашган. Ибн Сионинг жаҳоншумул асарлар яратишида Жузжонийнинг ҳам хизмати катта.

Ибн Сионинг яна бир неча шогирди маълум. Масалан, юқорида кўрсатиб ўтганимиз Шарафуддин Муҳам-

мад Абу Абдуллоҳ Илоқий, Абдуллоҳ ибн Маъсум, Аҳмад Маъсурий, Бахманёр ибн Марзабон, Муҳаммад аш-Шерозий, Умар Исфаконий ва бошқалар. Афсуски, булар тўғрисида тўла маълумотлар бизгача етиб келмаган.

Ибн Сионинг издошларидан Исмоил Журжоний, Ножибуддин Самарқандий, Маҳмуд ибн Муҳаммад Чағминий, Айп из-Замон ал-Қаттон ал-Марвазий, Бадриддин Муҳаммад ал-Қалоний ас-Самарқандийлар алоҳида эътиборга моликдирлар.

Исмоил Журжоний (Зайнуддин Абу Иброҳим Исмоил ибн Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ҳусайн Журжоний) Ибн Сионинг энг яқин издошларидан биридир. Олимнинг туғилган йили маълум эмас. Ўлган йили 1137 йил.

Исмоил Журжоний ўз даврининг энг йирик медицина олимларидан бири бўлган. Олим Журжон шаҳрида (Қасбий денгизига яқин жойдаги шаҳар) туғилган. Аввал ўз туғилган шаҳри, сўнг Хоразмда таҳсил топган. Табобат соҳасида тажрибали олим сифатида шухрат қозонган ва бир қанча вақт Хоразмда сарой табиб бўлиб хизмат қилган. Сўнг номаълум сабабларга кўра Хоразмни ташлаб кетган. Умрининг охирида Марв (Мари) шаҳрида яшаб, шу ерда вафот этади.

Исмоил Журжоний Ибн Сино асарларини қунт билан ўрганиб, кўп жиҳатдан унга тақлид қилган. Ўз асарларида кўп жойда Ибн Синога суянади. Бундан ташқари, Исмоил Журжонийнинг ўз устози Ибн Синога бағишлаган махсус китоби ҳам бор, китоб «Шайх ур-раис ҳақида сўз» деб аталади.

Исмоил Журжоний кўп асар қолдирган. Лекин уларнинг ҳаммаси бизгача етиб келмаган. Унинг тибга оид асарларидан бизга маълумлари қуйидагилар. «Шоҳлар табobati», «Табобатнинг мақсади», «Табобат соҳасида эсдалик», «Қундуз ва кечанинг режими», «Алоуддавлага бағишланган кўрсатма», «Хоразмшоҳ хазинаси», «Табобат квинтэссенцияси», «Хоразмшоҳ карабодини» ва ни-

ҳоят «Шайх ур-ранс ҳақида сўз» китоби. Бу асарлар ичида «Хоразмшоҳ хазинаси» айниқса эътиборга сазовор. Тарихчиларнинг ёзишича, бу асар Хоразм шоҳи Абул Фатх Қутбиддин Муҳаммад Яминиддинга бағишланган.

«Хоразмшоҳ хазинаси» 12 томдан иборат бўлган йирик асар. Унда Исмоил Журиқоний ўз даврида маълум бўлган барча касалликларни баён этади. Ўзидан олдин ўтган табибларнинг фикрларини умумлаштиради ва ўз тажриба ва билимлари асосида бойиштади. Китоб ҳинд, урду ва турк тилларига таржима қилинган. Унинг асл нусхаси форс тилида ёзилган.

Нажибуддин Самарқандий (Нажибуддин Абу Ҳамид Муҳаммад ибн Али ибн Умар Самарқандий). Самарқандлик йирик табиб ва олим. Туғилган йили маълум эмас. Ўлган йили 1222 йил.

Нажибуддин Самарқандий Самарқандда таҳсил кўрган, йирик олим ва табиб бўлиб етишган. Сўнг Марв ва ундан Ҳиротга кўчиб ўтиб, шу ерда умрининг охиригача табиблик қилган. Тарихчиларнинг ёзишича, Нажибуддин Самарқандийнинг ўлими фожиали бўлган. У 1222 йилда Чингизхон аскарлари шаҳарни босиб олиб, ҳамма аҳолини қирғин қилганларида бошқалар қатори аскарлар қўлида ҳалок бўлган.¹

Нажибуддин Самарқандий тибга оид кўпгина асар ёзган. Шулардан бизга маълумлари—«Касалликларнинг сабаблари ва аломатлари», «Касалларни даволаш принциплари», «Овқатлар ва сувлар ҳақида», «Бўғимлар касалликлари ва уларни даволаш» каби китоблардир. Булардан ташқари, олимнинг фармакологияга оид иккита карабодин асари—«Катта карабодин» ва «Кичик карабодин» китоблари маълум. Бу китоблар ичида энг эътиборлиси «Касалликларнинг сабаблари ва аломатлари».

¹ Баъзи тарихчиларнинг кўрсатишича, Нажибуддин Самарқандий Марвда ҳалок бўлган. Бу шаҳар ҳам Чингизхон аскари томонидан vayрон қилинган эди.

дир. Китобда автор диагностика, семиотика масалаларини баён этади. Нажибуддин Самарқандийнинг айтишича, у бу асарни ёзишда устози Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобини асос қилиб олган. Лекин, китоб фақат «Қонун»нинг мазмунини баён қилишдан иборат эмас, Нажибуддин Самарқандий ўз билим ва тажрибаларини ҳам умумлаштирган. Бу китобни ҳозирги замон ички касалликлар пропедевтикаси дарслигига ўхшатиш мумкин.

Маҳмуд Чағминий (Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар Чағминий). Бу олим йирик табиб ва математик бўлган.

Маҳмуд Чағминий Бухоро шаҳри яқинидаги Чағмин қишлоғида туғилган. Дастлаб Бухорада, сўнг Хоразмда таҳсил кўрган. Самарқандда яшаб, бу ерда ўз билимларини такомиллаштирган. Самарқандда Чағминий астрономия, математика ва философияни чуқур ўрганган. Лекин, у йирик табиб сифатида шуҳрат қозонди. Бунда у Ибн Синонинг тибга оид асарларини кунт билан ўрганиш ва улардаги ҳулосаларни амалга ошириш туфайлигина эришган. У Ибн Синони ўз устози деб биларди.

Чағминий ҳам тибга оид анчагина асар ёзиб қолдирган. Булардан энг эътиборлиси «Қонунча» («Кичик қонун»). Бу китоб кўп вақт давомида медик-ўқувчилар ва табиблар учун қўлланма вазифасини бажарган. Баъзи тарихчилар «Қонунча» Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» дан қисқартиб олинган, деб ёзадилар, лекин Чағминийнинг «Қонунча» си «Тиб қонунлари» га ўхшамайди. Чағминийнинг ўзи бу китобни ёзишда бошқа кўпгина олимларнинг асарларидан фойдаланганини кўрсатади. «Қонунча» кўп тилларга, шу жумладан, ўзбек ва рус тилларига таржима қилинган. 1907 йилда Муҳаммадшоҳ Хўжа ўзбекчага таржима қилган. «Қонунча» ҳажми жиҳатидан унча катта бўлмаса ҳам (у 136 бет ҳолос), унда медицинанинг асосий масалалари—анатомия, физиология, патология ва касалларни даволаш усуллари аниқ ва етарли баён этилган. Шунинг учун бу китоб кенг тарқа-

либ, ундан кўпчилик табиблар фойдаланар эди. Бу китобни кўп марталаб қайта нашр этганлар. Баъзан эса, унинг номини ҳам ўзгартириб юборардилар. Масалан, ҳинд олимларидан Муҳаммад Акбар Арзоний 1713 йилда бу китобни «Муфаррих ал-қулуб» («Қалбларни шодлатувчи китоб») номи билан нашр этган.

Айназ-Замон ал-Қаттон ал-Марвазий. Бу олимнинг туғилган ва ўлган йили аниқ эмас. У XII асрда яшаган файласуф Абу Аббос ал-Мукрийнинг замондоши ва шогирди бўлганлиги маълум. Марвазий ўз замонасининг кўзга кўринган тажрибали табибларидан бири эди. Олим табобатдан ташқари астрономия, геометрия, философия ва бошқа фанларга ҳам қизиққан. Бизга Марвазийнинг учта асари—«Очиқ фазо», «Ўлчовлар ҳақида китоб» ва «Шажара» («Насл-насаб») си маълум. Табобат соҳасида у Ибн Сино асарларини пухта ўрганиб, чуқур билим ортирган ва катта тажрибага эга бўлган.

Бадриддин Муҳаммад ас-Самарқандий (Бадриддин Муҳаммад ибн Баҳром ибн Муҳаммад ал-Калонсий ас-Самарқандий). Туғилган йили маълум эмас, 1194 йилда вафот этган.

Калонсий ас-Самарқандий XII асрда Ўрта Осиёда яшаган йирик табиблардан бири бўлган. У ўз тажрибаси ва билими билан халқ ўртасида катта обрў қозонган. Калонсий ас-Самарқандий жуда мураккаб касалликларни ҳам аниқлай олар ва муваффақиятли даволар эди. Олимнинг медицина соҳасидаги энг муҳим асари «Китоб ал-Қарабодин» («Мураккаб дорилар») дир. Китобда турли касалликларда ишлатиладиган дорилар, уларни тайёрлаш ва ишлатиш усуллари баён этилган. Юқорида номлари келтирилган олимлардан ташқари, турли мамлакатларда Ибн Синонинг яна бир қанча издошлари бўлган. Шулардан Нишопурлик (Найсабур), Ибн Абу Содик ал-Мутат табиб, Райлик Фахриддин Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн ал-Хусайн, Мисрлик Қутбиддин Иброҳим ибн Али

ибн Муҳаммад ас-Сулабийларни кўрсатиш мумкин. Бу олимлар табобатда улуғ устозлари Абу Али ибн Сино асослаб берган илмий-ижодий анъаналарни давом эттирдилар. Бу анъана XVII асргача давом этди ва яна бир қанча йирик табибларни етиштирди. Буларнинг энг машҳурларидан Бурхониддин Султон Аваз Қирмоний, Ғиёсиддин Муҳаммад, Султон Али Хуросоний, Юсуф Муҳаммад Юсуф табиб, Абул Ғоziхон Субхонқулихонларни кўрсатиш мумкин.

Шуни ҳам кўрсатиб ўтиш керакки, уйғониш даврининг кўпгина йирик намояндалари ҳам ўзларини маълум даражада Ибн Синонинг шогирди, деб ҳисоблардилар ва унга чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан қарардилар. Масалан, булардан Алигъери Данте, Жордано Бруно, Френсис Бэкан, Николай Кузанский, Микеланжело, Раймонд Мулли ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Тарихчиларнинг ёзишича, Дантенинг машҳур асари «Илоҳий комедия» Ибн Синонинг фалсафий китоби «Уйғоқ ўғли тирик» таъсирида ёзилган. Демак, Абу Али ибн Сино Европа маданиятида ҳам чуқур из қолдирган.

Абу Али ибн Сино ўз фаолияти ва асарлари билан бутун дунё халқларига хизмат қилди. Шунинг учун халқлар уни ҳурмат билан тилга олиб, меросини жуда ҳам қадрлайдилар. Бу буюк олимнинг образи ва ҳаёти Ўрта Осиё халқларининг жуда кўп ҳикоя ва ривоятларида абадийлаштирилган. Машҳур олим Карл Линней рамзий равишда Ибн Сино номини абадийлаштириш мақсадида доимо ям-яшил бўлиб турадиган ўсимликни «Авиценния» деб атади.

Геологлар эса минераллардан бирига «Авиценит» деб ном бердилар. Олимнинг номи билан институтлар, колхоз, совхозлар, кўчалар аталган. Улуғ олимнинг ватани Бухорода унга катта ёдгорлик ўрнатилди. Ўрта асрдаги Европа рассомларининг асарларида ва китоблар муқоваларида Ибн Синонинг расми Аристотель, Платон, Гиппо-

крат, Гален, Птоломей ва Эвклидлар билан бир қаторда тасвир этилган.

Бутун Шарқ ва Ғарбнинг фан ва маданиятининг ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатган улуғ мутафаккир олим Абу Али ибн Синонинг сиймоси абадий яшайди.

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

Абу Али ибн Сино. «Тиб қонунлари»; I китоб, Тошкент, 1954; II китоб, 1956; III китоб, I том, 1958; III китоб, II том, 1959 й; IV китоб, 1960; V китоб, 1961.

Абу Убайд Жузжоний. «Ибн Сино ҳақида», «Гулистон» журнали, 1979, 6-сон.

Абу Али ибн Сино, унинг тиббӣй ва айрим фалсафӣй фикрлари, Тошкент, 1979 (рус.).

Алави Л. А. Ибн Сино асарларида меъда-ичак касалликлари ҳақида. Автореф. канд. дисс. Тошкент, 1958 (рус.).

Асқаров А. А. Абу Али ибн Сино терапевт. «За социалистическое здравоохранение Узбекистана», 1954, № 4, 113—120-бетлар.

Беруний билан Ибн Синонинг савол-жавоблари. Тошкент, 1973.

Воҳидов В. В. Абу Али ибн Сино «Қонун» да хirurgиал масалалари. Тошкент, 1980.

Жумаев В. Қ. Абу Али ибн Сино хirurgияси ва унинг тарихий манбалари. Тошкент, 1979 (рус.).

Жумаев В. Қ. Ибн Синонинг клиник фикрлари ва уларнинг назарий асослари. Ибн Сино «Қонун», III китоб, II жилд, Тошкент, 1959, 527—558 бетлар.

Ирпсов А., Носпирова А., Нпзомиддинов И. Ўрта Осиёлик қирқ олим. Тошкент, 1961.

Каримов У. Н. «Қонун» Ибн Синонинг ўлмас кашфийтидир. Т., «Фан ва турмуш», 1957, 3-сон, 6—8 бетлар.

Мусабоев П. К. Абу Али ибн Сино юқумли касалликлар ҳақида. Тошкент, 1980.

Орипова Т. Ў., Орипов С. О. Ибн Синонинг бола саломатлиги ҳақидаги ғоялари ва уларнинг ҳозирги замондаги ривожланиши. Тошкент, 1980 (рус.).

Оразуметов Й. С. Ибн Синонинг тиббӣй фикрлари («Тиб

қонунлари»даги жиғар ҳақидаги материаллари бўйича». Автореф. канд. дисс. Тошкент, 1964 (рус.).

Петров Б. Д. Ибн Сино — «Қонун» яратувчиси. «Тиб қонунлари» китоби, I к., Тошкент, XI—LXI бетлар.

Толстов С. П. Улуғ олим-энциклопедист. Тошкент, 1952 (рус.).

Талабов Э. Абу Али ибн Синонинг соғлиқни сақлашга доир рисоалари. Тошкент, 1978.

Терновский В. Н. Ибн Сино (Авиценна) М., 1969 (рус.).

Хайруллаев М. Ибн Сино. Тошкент, 1957.

Хайруллаев И. Уйғониш даври ва шарқ мутафаккири. Тошкент, 1971.

Холиқов К. А. Абу Али ибн Сино асарларида одам анатомияси масалалари. Автореф. канд. дисс. Тошкент, 1979 (рус.).

Шонсломов Ш. Ибн Синонинг «Уржуза фит-тибб» асари. Автореф. канд. дисс. Тошкент, 1973 (рус.).

Қодиров А. А. Абу Али ибн Сино. Тошкент, 1964.

Қодиров А. А., Соипов У. Т. Абу Бакр Розий. Тошкент, 1963.

Қодиров А. А. Абу Али ибн Сино. Тошкент, 1971.

Қодиров А. А. Таълиқ. (ЎзСЭ) Тошкент, 1976.

Қодиров А. А. Халқ медицинаси. (ЎзСЭ). Тошкент, 1978.

Ҳикматуллаев Ҳ. Ҳ. Абу Бакр Розий ва унинг шогирди ёзиб қолдирган касалликлар тарихи. Тошкент, 1974.

Ҳикматуллаев Ҳ. Ҳ. Абу Али ибн Синонинг «Юрак дорилари» асари, Тошкент, 1966.

Сўз боши	3
Кирши	5
Ибн Синога бўлган даврдаги Шарқ табobati ва унинг манбалари	11
Шарқ табobati манбалари	11
Араблар ва араб халфалиги ҳукмрон бўлган ўлкалардаги табobat	26
Ибн Сино замонасидаги Шарқ табobati	31
Ибн Синонинг ҳаёт йўли	53
Ибн синонинг таълиқ фаолияти	89
Ибн Синонинг дунёқараш ҳақида	130
Ибн Синонинг шогирдлари ва назоратлари ҳақида	134
Асосий адабиётлар	141

На узбекском языке

АСАДУЛЛА АБДУЛЛАЕВИЧ КАДЫРОВ
доктор медицинских наук, профессор,
УСМАН ТАЛИПОВИЧ САИПОВ
кандидат медицинских наук.

ВЕЛИКИЙ СРЕДНЕАЗИАТСКИЙ
УЧЕНЫЙ-МЕДИК АБУ АЛИ ИБН СИНА

Издательство «Медицина» УССР, 700129,
Ташкент, Навои, 30.

Редактор Р. Сафоев
Рассом Д. А. Файзрахмонов
Ведущий редактор О. Ахмаджонов
Техредактор Л. А. Жихарская
Корректор Ш. Алимова

ИБ № 507

Теришга берилди 22.05.80. Босишга рухсат этилди 30.06.80. Р 14845.
Қоғоз формати 70X108¹/₃₂. Қоғоз № 1. Гарнитура «Обыкновенно-новая».
Юқори босма. Шартли босма л. 6,3. Нашр. ҳисоб л. 6,25. Нашр
№ 11-80. Тиражи 2000. Заказ 404. Баҳоси 60 т.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари
Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариши
бирлашмасининг 1-цехи. Тошкент, Раднал. пр., 10.